

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Дилафрўз Баротова**

**ЎСМИРЛАРГА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ  
УСЛУБИ**  
(ўкув - услугбий қўлланма)

Тошкент  
“Наврўз” нашириёти, 2015

УДК: 15:151.8

15:370

Баратова Дилафрўз

Ўсмирларга психологик хизмат кўрсатиш услуби: ўқув услубий  
қўлланма/

Баратова Д.Ш.: Маъсул мухаррир: Г.Қ.Тўлагонова. Бухоро 2015.  
145 б.

EA-1-9 рақамли лойиҳа доирасида чоп этилган.

### **Аннотация**

Бугунги кунда ўсмирларга психологик хизмат кўрсатиш жараёнини белгилашда тамоман ўзгача психологик-педагогик ёндашувларга асосланиш-нинг муқаррарлиги яққол сезилмоқда. Айни пайтда, педагоглар томонидан мазкур тоифа ўқувчиларининг индивидуал хусусиятларини адекват тушуниш ва улар хулқини коррекция қилишга бўлган заруратнинг тобора ортиб бораётганлиги уларга психологик хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришни тақазо этмоқда.

Мазкур ўқув услубий қўлланмада ўсмирларга психологик хизмат кўрсатишга бўлган янгича услубий ёндашувлар, яъни ўсмир хулқ-аворининг психологик хусусиятлари, Ўсмирларгаги инқирозли ҳолатлар ва атракцион кечинмалар ҳақида, улардаги хулқ бузилишларининг типологияси, психологик таснифларининг экспериментал маълумотлар асосидаги таҳлили ва шу таҳлиллар асосида психологик хизмат кўрсатиш усуллари ҳақида амалий кўрсатмалар баён этилган.

### **Маъсул мухаррир:**

**Тўлаганова Гулчехра Кўчкоровна**-психология фанлари номзоди,  
доцент

### **Тақризчилар:**

Психология фанлари номзоди, доцент Э.З.Ҳалимов

## **Психология фанлари номзоди, доценти М.Н.Усмонова**

Кўлланма Бухоро давлат университети ўқув методик кенгаши томонидан нашрға тавсия этилган (----- 2015 йил баённома №)

### **КИРИШ**

Республикамизда ўзига хос изчиллик билан амалга оширилаётган Таълим тўғрисидаги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўсиб келаётган ёш бунёдкор авлодга ва унинг ижтимоий психологик тараққиётига алоҳида эътибор бериш вазифаси қўйилган. Ушбу вазифани мувофақиятли тарзда бажариб келинилаётганлиги эса Республикаизда таълимга берилаётган кенг имкониялардан яққол далолатдир. Бугунги кунда ёшлар ижтимоий турмушини уларнинг эзгу ниятлари билан мувофиқлаштириш психологик хизматни йўлга қўйиш ва уни такомиллаштиришга боғлиқ эканлигини тўғри таъкидлаш жоиз.

Таълимда психологик хизматнинг қўлланиши инсоният томонидан тўпланган билимларни, кўникма ҳамда малакаларни ижтимоий турмушга тадбиқ этиш билан чегараланиб қолмасдан, балки мазкур жараёнларда янгича ёндашув, ижтимоий фаолликни таъминловчи янги назарий ва амалий маълумотларни эгаллашга зарур шарт-шароитлар туғдириши шубҳасиздир.

Илғор психология фанидаги ютуқларни амалётга қўллаш орқали ўқувчи шахси ва унинг ижтимоий тараққиётига ижобий таъсир этиш мумкин.

Ўқув услубий қўлланманинг мақсади: курс давомида талабаларда психологик хизматнинг назарий ва амалий муаммоларини ўрганиш ва шу билан бирга ўсмирларга хизматни ташкил этишнинг янгича методларини ўргатиш, ва йўлга қўйиш кўникмаларини шакллантириш.

Ўқув услубий қўлланманинг вазифаси: -Ўсмирлар фаолиятини бошқаришда психологик хизматни ташкил этишдаги назарий ва

амалий масалаларини кўриб чиқиш уларни психологик амалиёт билан боғлаш.

- Амалиётчи психологнинг услугий иш фаолияти ва этикавий стандартларини муҳокама қилиш.

- Турли хил социал соҳа ва ишлаб чиқариш тармоқларида психологик хизматни ташкил этишнинг аҳамиятини кўрсатиш.

Ўсмирлар фаолиятида психологик хизматни ташкил этишдаги муаммоларни таҳлил этиш.

- Фаннинг асосий тушунча ва тамойилларини ўзлаштиришда ўсмирларга танқидий тафаккурни ва ўз-ўзини тўғри идора эиш ҳамда ривожлантиришга ўргатиш.

Психологик хизматни ташкил этувчи соҳа вакиллари билимига, қўнимка ва малакасига қўйиладиган талаблар:

Психологиянинг назарий ва амалий жиҳадларин тўғри талқин қилиш:

- илмий билиш усулларини эгаллаш ;

- илмий муаммолар ва уларни таҳлил этиш йўлларини билиш;

- таълим ва тарбиянинг узвийлигини таъминлаш;

- психологик хизмат кўрсатиш жараённинг қонуниятлари ва тамойилларига амал қилиш;

-психологик билимларнинг умуний назарий асосларини тўғри талқин қила олиш;

- психологик ёрдам кўрсатиш жараёнида мутахассис ва мижоз ўртасидаги кечадиган жараёнлар ҳақида *тасаввурга эга бўлиши*;

- психологик хизмат кўрсатиш жараёнини лойиҳалаш;

- психологик хизмат кўрсатиш жараёнининг ташҳислаш;

-психологик хизмат кўрсатиш жараёнини ташкилий жиҳатларини белгилай олиш;

- психологик хизмат кўрсатиш жараёнининг шаклларини;  
*билиши ва улардан фойдалана билиши;*

- психологик масалаҳат ўтказиш;

- илмий ечимлар бўйича хулоса ва тавсияларни шакллантириш;

-психологик тавсияномаларни тақдим этиш;

-психологик масаҳат усулларини танлаш;

-ҳар хил шароитларда психологик хизмат кўрсатишни ташкил қилиш *кўникмаларига эга бўлиши ва хоказо....* ;

ўсмирларга психологик хизмат кўрсатиш жараёнида психоташхис, психокоррекция, психотерапия соҳалари,

социология, ижтимоий фалсафа ва статистика каби табиий илмий фанлар билан ўзаро алоқадорликни таъминлаш.

Умуман, таълим жараёнида ўсмиirlарга психологик хизмат кўрсатишнинг услубий жиҳатдан тўғри олиб борилиши таълим самарадорлиги ва ўсмир шахсининг ижтимоий тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

Маскур кўлланма юқоридаги вазифалар талқини асосида ёзилган бўлиб, у тегишли таълим муассасаларидағи амалёчи психологлар яқиндан ёрдам беради деб ўйлаймиз.

## **I боб. ЎСМИРЛАРГА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

### ***1.1. Ўсмиirlарга психологик хизмат кўрсатишнинг назарий- методологик асослари.***

Маълумки, ижтимоий психология фанида айнан психологик хизмат муаммосига бағишланган ва унинг барча йўналишларини батафсил баён этишга қодир илмий адабиётлар етарли бўлмаса-да, бугунги кунда фан оламида ва жамият тараққиётида психологик хизмат муаммосининг зарурлигини кўрсата оловчи ва унинг "методологик илдизларини" асослаб бера оловчи илмий тадқиқодларни алоҳида қайд этиш мумкин.

Мазкур адабиётларни таҳлил қиласар эканмиз, улардаги психологик хизмат методологиясида тааллуқли айrim умумий жиҳатларни ижтимоий психология фани нуқтаи назаридан ўрганишимизга тўғри келади.

Илғор психология фани вакиллари ижтимоий, психологиянинг методологик тамойилларига амал қилган ҳолда психологик хизмат учун муҳим бўлган у ёки бу жиҳатни назарий-илмий тарзда асослаб берадилар. Булар ичida психологик хизматнинг муваффақиятли ташкил этилиши учун муҳим назарий-илмий аҳамият касб этувчи ижтимоий психологик вазафаларни аниқлашга қаратилган тадқиқотларни Андреева Г.М., Давлетшин М.Г., Забродин Ю.М., Карнеги Д., Каримова В.М., Паригин Б.Д., Снигирева Т.В., Филиппов А.В., Шихирев Ф.Б.Шоумаров, Ядов В.А., Фозиев Э.Ғ.; шахс фаоллиги билан боғлиқ тадқиқотларни Абулханова-Славская К.А., Ануфриев Э.А., Гrimак Л.П., Ломов Б.Ф., Лейтес

Н.С., Голубева Э.А., Қодиров Б.Р., Липкина А.И., Петровский В.А., Рубинштейн С.Л., Қодиров Б.Р.; ижтимоий установка билан боғлиқ тадқиқотларни Асмолов А.Г., Надирашвили Ш.А., Узнадзе Д.Н., Шихирев П.Н., Аллпоқт Г.В., ижтимоий эҳтиёжлар ва фаолиятдан қониқиши билан боғлиқ тадқиқотларни Божович Л.И., Братко А.А., Вилёнас В.К., Додонов Б.И., Китвел Т.А. Маслов А.Х; шахсга индивидуал ёндашувнинг таъминланиши билан боғлиқ тадқиқотларни Климов Э.А., Мерлин Б.С., Небилицин В.Д., Пейсахов Н.М., Русалов В.М., Сиавина Л.С., Стреляу А., Теплов Б.М.; шахсга муносабат тизими асосида ёндашув истиқболларига бағишланган тадқиқотларни Здравомислов А.Г., Кузмин Э.С., Лазурский А.Ф., Муксинов Р.И., Мясисев В.Н., Столин В.В., Сербаков А.И., Богославский В.В.; шахсга ҳиссий-иродавий сифатлар асосида ёндашув истиқболларини тадқиқ қилувчи тадқиқотларни Бассин Ф.В., Василюк Ф.Е., Гиссен Л.Д., Зилберман П.Б., Конопкин О.А., Мажидов Н., Наенко Н.И., Прихожан А.М., Розелнблат В.В., Хекҳаузен Х., Эберлейн Г., Невв Д.О.; талим муассасаларида психологик хизмат моделини тадқиқ қилишга бағишланган тадқиқотларни Бреинштейн М.С., Дубровина Л.В., Кала У.В., Рудик В.В., Леймец Х.О., Маттес Г.О., Пратуивич Ю.М., Сиерд Ю.Л.; меҳнат жамоаларида психологик хизмат вазифаларини белгилашга қаратилган тадқиқотларни (Герчиков В.И., Зотова О.И., Изард.К., Иштутина Г.А., Ковалев Г.А. Леонова А.Б.Х, Loos В.Г., Попова И.И., Паригин В.Д., Саксакулм Т.И., Сайлўс С.М.) ва ниҳоят оиласидай ҳаётни ташкил этишдаги психологик хизмат учун муҳим жиҳатларни асослашга қаратилган тадқиқотларни (М.Аргой, Бодалев А.А., Столин В.В., Каримова В.М., Ковалев С.В., Соғинов Н.А., Шоумаров Ф.Б.) алоҳида қайд этиш мумкин. Бу эса психологик хизматнинг бугунги кундаги айрим долзарб жиҳатлари, муаммолари ва унинг ечимлари ҳақида ўйлашга, фикр мулоҳаза ва муайян вазифаларни белгилаб олишга назарий - илмий ва методологик манба сифатида ёрдам беради, деб ўйлаймиз. Ижтимоий психология методологияси, принциплари ва вазифаларини белгилашга қаратилган тадқиқотлар мазмунида психологик хизмат муаммосининг ҳам малум маънода яшириниб ётганлигини кўрамиз. Зоро, бугунги кунгача яратилган барча ижтимоий психологик принципларнинг асосий мезонлари бўлган "шахс ва фаолият бирлиги", "онгнинг фаолиятда тараққийси", "муомала", "индивидуал ёндошув" "муносабат", "туннуш тарзи",

"ижтимоий установка", "борлиқни объектив ва субъектив акс эттириш", "жамоа", "ижтимоий қониқиши", "ижтимоий хулқ-атвор" кабиларнинг жамиятдаги амалий ўрни ва истиқболини психологик хизмат тадбиқисиз тўлиқ тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, олимлар томонидан бугунги кунда ижтимоий-психологик ҳодисаларга инсон тараққиёти ва қадриятлари асосида ёндошув муаммосининг М.Г.Андреева, Ю.М.Забродин, Д. Карнеги, Э.Фозиев, В.М.Каримова, И.С.Кон, С.И. Коралев, Б.Д.Паригин, Э.В.Шорохова, Ғ.Б.Шоумаров ва шахс ва фаолият уйғунлигини таъминлашга хизмат қилувчи психологик ёндашувни таъминлаш муаммосининг Абулханова-Славская, Ж.Брунер, Л.С.Вигоцкий, М.Г. Давлетшин, У.Джемс, А.Г.Ковалев, А.Н.Леонтьев, А.В.Петровский, С.Л. Рубинштейн, В.А.Токарева, Д.И.Фелдиштейн, Э.Фромм, Қодиров Б.Р.) ўртага ташланиши психологик хизмат методологияси ҳақида жиддийроқ ўйлашни ва мулоҳаза юритишни тақозо этмоқда.

Бугунги психология фани тараққиёти аньаналари билан боғлик инсоннинг амалий психологиясини, унинг жамиятдаги ижтимоий фаоллиги ва ижтимоий табиатидан ажратиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, инсон омилларини ва унинг жамиятдаги ижтимоий жараёнларини тўғри ва самарали бошқариш жараёни жамиятга ва жамият аъзоларига психологик хизмат қўрсатиш муқаррарлигини талаб қиласди. Ваҳоланки, иқтисод, хуқуқ, этика, этнография, тарих, социология ва шу каби барча фанларнинг ўзаро мустаҳкам ҳамкорлиги натижасида инсон психологиясининг амалий муаммолари ҳал этилиши лозим.

Хозирги замон ижтимоий психологик тадқиқотлар масаласи, айниқса унинг амалий вазифалари социал психология фанининг марказида турувчи психологик ва социологик ёндашув йўналишлари асосида ҳал қилинмоқда. Масалан, Америка ва бошқа барча гарб давлатларида икки хил ижтимоий психология: "психологик ижтимоий психология" ва "социологик ижтимоий психология" мавжуд. Бу йўналишлар бир-бирига ўхшаса-да, уларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд. Яъни, психологик ижтимоий психология шахс ва фаолият, муомала, шахслараро муносабат, шахснинг ижтимоий-психологик тузилиши, шахснинг когнитив, конатив, хулқ-атвор имкониятларини ўз ичига олган ижтимоий установкалар, шахс ва жамоанинг ижтимоий-руҳий кечинмалари каби муаммолар устида

тадқиқот олиб бориши максад қилиб олган бўлса, социологик ижтимоий психологияда эса кўпинча жамиятнинг ижтимоий қатламларини таҳлил қилиш халқлар психологияси, оммавий ҳодисалар психологияси, синфлар, гурухлар, гуманистик психология кабиларга алоҳида ургу берилади. Психологик хизмат методологияси эса кўпроқ биринчи йўналиш "психологик ижтимоий психология" асослари замирида таркиб топтирилади. Гап шундаки, ҳар бир фаннинг ривожланиши янги далиллар асосида илмий йўналишни очиб берувчи методик қурилмаларнинг тузилиши билан бевосита боғлиқдир. Чунки, аниқ методология бўлмаган соҳада аниқ амалий натижалар ҳам бўлмайди. Зеро, ижтимоий психология фанининг яна бир муҳим янги вазифаси психологик хизмат методологияси билан боғлиқ назарий, амалий ва эмпирик йўналишдаги тадқиқотлар кўламини белгилашнинг бугунги кунгача нечоғлик ҳал қилинаётганлигини таҳлил қилишга тўғри келади. Бу борада психология оламидаҳанузгача аниқ ва мукаммал тарзда ишлаб чиқилган ва расмий тарзда тан олинган ягона илмий йўналиш ёки концепциянинг қабул қилинмаганлиги аён бўлса-да, илғор ғарб психологлари, Марказий ҳамдўстлик Давлатлари психологлари ва Ўзбекистон психологлари томонидан олиб борилган ва олиб борилаётган фан олами учунўзига хос салоҳиятга ва нуфузга эга бўлган тадқиқотлар мавжудки, улар қайсиdir жиҳатибдан психологикхизмат модели ва унинг психологик ҳимоя воситаси сифатидаги моҳияти, аҳамияти ва ижтимоий истиқболлари ҳақидаги илмий-амалий тасаввурларимизни шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Илмий адабиётлардан бизга маълум бўлишича, ижтимоий психологик хизмат методологиясинингумумий йўналишлари Ғарб ижтимоий психология намоёндалари тадқиқотларини қўйидагича изоҳлаш мумкин: В.Вундтнинг 1900 йилда чоп этилган "Халқлар психологияси" номли йирик (ўн томлик) эпик асари ижтимоий психология йўналишларини ёрқинлаштиришга хизмат қилиб, инсон маънавияти, маданияти ва мафкурасини ўрганишнинг мураккаб томонларини очиб берди. Таниқли инглиз ипсихологи Вилям Макдугаллнинг 1908 йилда ёзилган "Ижтимоий психологияга кириш" асаридаги "ижтимоий хулқ-автор инстинктлари" назарияси фрейдизмга қарши ўлароқ инсон инстинктлари ва фаолият уйғунлигини таъминлаш муаммосини ёритишга ilk бор асос бўлиб хизмат қилди. Бинобарин, Э.Фромм, Ж.Саливен, В.Шутц,

Г.Шепарде, В.Баён каби олимлар томонидан гуруҳлар психологияси назариясини яратишга асос солинди. Бунда турли хил ижтимоий психологик тренинглар орқали гуруҳдаги шахслараро муносабатлар билан боғлиқ психологик иқлимни камол топтириш йўлларининг илк бор кўрсатилиши меҳнат жамоаларидағи ижтимоий психологик хизмат вазифаларини белгилаш учун маълум даражадаги эмпирик маълумот сифатида хизмат қилиши мумкин.

Фарбда яратилган когнитивизм доирасидаги назариялар психологик хизмат методологияси учун муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, Л.Фестингернинг когнитив диссонанслар назарияси (инсоннинг фаолият обьектига нисбатан хулқ-автори ёки муносабатини онгли равиша ўзгартиришга асосланган), Т.Нюхомнинг ҳамкорлик коммуникатив назарияси (ўзгаларгава умумий фаолият обьектига ижобий муносабатларни таркиб топтиришга асосланган), Ч.Осгуд ва П.Таненбауманинг "конгруентлик" (инсон когнитив тузилиши асосидаги обьектни баҳолашга қаратилган) назарияси, Г.Олпорт, А. Маслау, К.Роджерс каби ижтимоий психологларнинг гуманистик доирадаги қатор тадқиқий изланишлари шулар жумласидандир. Яна шуни қайд этиш керакки, американлик таникли психолог Абраҳам Харорд Маслаунинг "Инсонга бир бутун ёндашув концепцияси" психологик хизмат жараёнида инсонни тушуниш ва ижтимодӣ мотивацион ривожлантириш муаммоси устида тадқиқотлар олиб борилиши учун муҳим аҳамият касб этади. Маслаунинг фикрича, инсоннинг барча түгма потенциал имкониятлари фақатгина ижтимоий шарт-шароитнинг яратилиши билан рӯёбга чиқиши ва камол топиши мумкин. Албатта, мазкур фикрларнинг не чоғлиқ ҳақиқат эканлигини бугунги кунда ҳар бир инсоннинг ўзига хос ва унинг ижтимоий - тараққиётини таъминлашга хизмат қилувчи имкониятлари кўламини ўрганиш ва тарбиялашни асосий вазифа қилиб олган психологик хизматнинг ташкил этилишини мунтазам кузатишларимиз натижалари тасдиқлаб турибди.

А.Маслоу фан оламида ўзига хос "мотивацион тизимнинг иерархик модели" ни яратдики, (Маслоу А.Х.) унга мувофиқ индивид хулқ-авторидаги ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган юқори эҳтиёжларнинг йўналиши қўйи эҳтиёжларнинг қай тариқа қондирилиши асосидагина таркиб топиши мумкин. Бу жараён қўйидаги тартибга эга:

1). Физиологик эҳтиёжлар.

- 2).Хавфсизлик эҳтиёжлари.
- 3).Мехр ва садоқат эҳтиёжлари.
- 4).Тан олиш ва баҳолаш эҳтиёжлари.
- 5).Ўз-ўзини ҳар томонлама ривожлантириш эҳтиёжлари.

Дарҳақиқат, мазкур иерархик тизим мотивациясининг илмий жиҳатдан асослаб берилиши биринчидан, ижтимоий психологиядаги эҳтиёжлар ва мотивлар билан боғлиқ қатор тадқиқотларга ҳамоҳанг бўлса, иккинчидан, мазкур йўналишдаги психологик хизмат методологиясини яратиш учун алоҳида истиқболга эга.Чунки, психологик хизматда инсоннинг ижтимоий эҳтиёжлари муаммоси илмий жиҳатдан тўғри талқин қилиниши ва тўғри йўналтирилиши лозим. Бу борада қатор таниқли социолог, психолог ва файласуфлар томонидан эътироф этилган илмий мулоҳазаларга таяниш мумкин. Масалан, Д.Н.Узнадзенинг "...эҳтиёжтушунчasi ... тирик организм учун зарур бўлган ва айни пайтда қўлга киритилмаган барча нарсаларга тааллуқли" ва М.С.Каган, А.В.Маргулис,Е.М.Эткиндларнинг "эҳтиёж бу-керакли нарсаларнинг етишмаслик оқибати", В.А.Ядовнинг "эҳтиёж-инсон шахси ва организм фаолияти учун керак бўлган зарурат ва етишмовчилик маҳсули" Л.И.Божовичнинг"эҳтиёж-индивид организми ва у шахс тараққиёти учун муҳим бўлган зарурат". А.В.Петровскийнинг"эҳтиёж – жонли ҳаёт кечиришининг конкрет шарт-шароитларига унинг қарамлигини ифода этувчи ва бу шарт - шароитларга нисбатан унинг фаоллигини вужудга келтирувчи ҳолатдир" каби фикрлари шахс тараққиётини таъминлаш йўлида эҳтиёжларнинг биологик ва ижтимоий уйғунлигини ҳисобга олган ҳолда психологик хизматнинг навбатдаги вазифаларини белгилаш имконини беради.

Психологик хизмат методологиясини яратища инсоннинг ҳиссий ҳолатини тушуниш ва унинг ўз меҳнати маҳсулларидан ижтимоий қониқиши жараёнини таҳлил қилиш ва ривожлантиришга бағишлиланган айrim тадқиқотларнинг ўрни ва истиқболига ҳам алоҳида эътиборни қаратиш лозим, деб ўйлаймиз. Масалан, Ф.Херцберг ва унинг издошлари томонидан меҳнат фаолиятини ташкил этишдаги эмоциоген фарқланиш механизmlари тадқиқ қилинди. (Ҳ - 1959). Мазкур изланиш маҳсулига кўра меҳнат фаолиятини ташкил этишда ижодийлик, мустақиллик, ўз-ўзини билиш, ривожлантиришга қаратилган тадбирларга эътибор берилса шахс фаолияти унумдорлигига ижобий таъсир этувчи ҳиссий

кечинмаларни ва аксинча, фақат техник жараёндангина иборат бўлган меҳнат шароити яратилса шахс фаоллигига салбий таъсири туви чиссий кечинмаларнинг намоён этилиши кузатилади. Дарҳақиқат, фаолиятнинг бажарилишига нисбатан ижобий-чиссий кечинмалар шакллантирилмас экан, фаолият маҳсули ҳам инсоннинг ўз фаолиятидан ижтимоий майнодаги қониқиши ҳам ниҳоятда паст савияда бўлади. Психологик хизмат эса, бизнингча, худди ана шу ерда ўз таъсирини, яъни фаолиятдан ижтимоий қониқиши жараёнини маълум даражада юқори савияга кўтара олиш санъатини кўрсатиши лозим.

Ишчи-ходимларнинг меҳнатдан қониқиши муаммоси устида олиб борилган айрим тадқиқотлар натижаси психологияк хизматнинг методологик моделини лойиҳалаштиришга хизмат қиласа ажаб эмас. Масалан, собиқ совет психологияси олимлари (Н.Ф.Наумова, А.Г.Здравомислав, В.А.Ядов, В.П.Рожин, Т.П.Богданова, Э.А.Климов) меҳнатдан қониқиш жараёнини шахснинг муносабатлари мотивлари, ўз-ўзини баҳолаш установкаси: каби ижтимоий психологик мезонлар билан белгиланишини тавсия этадилар ва буни ўзларининг қатор эмпирик тадқиқотларида асослаб берадилар. Фарб ижтимоий психология оламида, айникса Америка психологлари наздида эса меҳнатдан қониқиши "қатор ижтимоий установкаларининг ўзаро бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги" "меҳнат жараёнини субъектив баҳолаш билан боғлиқ эмоционал ҳолатларнинг намоён бўлиши" сифатида талқин қилинади ва меҳнат фаолиятининг ижтимоий қимматини оширишга қаратилган психологик хизмат учун муҳим илмий-амалий тавсиялар берилади.

Албатта, меҳнатдан қониқиши жараёнини тўлиқ таҳлил қилиш бизнинг вазифамизга кирмайди. Шунинг учун, биз фақат "меҳнатдан қониқиши"ни ижтимоий психологик жараён сифатида тадқиқ қилган айрим психологик тадқиқотларни психологик хизматнинг методологик вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда қайд этишимиз мумкин. Бинобарин, венгриялик психологлар Балинт ва М.Муранинг тадқиқотларида психологик хизмат вазифасини аниқлашга қаратилган шахсларнинг ўз ишидан қониқишини таъминлаш ва ўз ишидан (яъни ўз фаолиятидан) қониқмаслик ҳолатини бартараф этиш йўллари кўрсатилади. Шунингдек, бу олимларнинг илмий талқинича, ҳар бир ишчи-ходимнинг ўз ишидан қониқиши унинг кайфиятини, фаоллигини таъминласа,

ишдан қониқмаслик эса корхонада юз берувчи айрим фавқулотда баҳтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Дарҳақиқат, бугунги кунда деярли барча корхоналарда баҳтсиз ҳодисалар жуда кўп учрамоқда. Уни камайтириш ва олдини олиш эса, ҳамиша ҳам муваффақиятли ҳал қилинаётгани йўқ. Бунинг учун эса муаммонинг ижтимоий психологик илдизлари ҳақида чукурроқ ўйланса юзлаб, балки минглаб одамлар ҳаёти, саломатлиги ва ижтимоий-рухий мавқеи сақлаб қолиниши мумкин. Бу ўринда айтиш мумкинки, психологик хизматнинг ташкил этилиши энг биринчи навбатда корхоналарда юз берувчи баҳтсиз ҳодисалардан сақланиш - ҳимояланиш воситаси сифатида ўта муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Афсуски, бундай хизматни ташкил этиш жуда кўпгина меҳнат муассасаларида хозиргача ижтимоий муаммо бўлиб келмоқда.

Психологик хизмат методологияси учун индивидуал психологик фарқланиш назариясининг яратилишини ва бу борадаўнлаб йирик тадқиқотларнинг мавжудлигини муҳим манбалардан бири сифатида ҳеч муболағасиз эътироф этиш мумкин. Дифференциал психологиянинг маҳсули бўлган бу йўналиш, даставвал, немис психологи В.Штерн номи билан бевосита боғлиқдир, У ўзининг 1901-йилда ёзган "Индивидуал фарқланиш психологияси ҳақида" номли асарида ҳар бир индивиднинг ўзига хос психологик олами мавжудлигини экспериментал тарзда тадқиқ қиласди.

Ф.Гальтон, А.Бине, А.Ф.Лазурский, Д.Кеттелл каби олимлар бу соҳада янги биро йўналишни кашф қилдилар. Шундан сўнг дифференциал психология ҳар бир индивид, ёки гурӯҳдаги қизиқишлиар, установкалар, ҳиссий қўзғалишларни фарқлаш обьекти сифатида майдонга чиқди ва унинг бугунги психологик хизмат методологияси учун аҳамиятли томони шундаки, ҳар бир индивид ёки шахснинг ўзигагина хос психологик параметрларини аниқлаш ва тегишли илмий мулоҳаза юрита олишга хизмат қилувчи комплекс тестлар, усуллар ва методикалар мажмуаси яратилди.

Бинобарин, чет эл илғор психологиясида психологик хизмат методологияси учун муҳим ўрин тутувчи қуйидаги йўналишларга асос солинди:

Ч.Спирмен томонидан "икки омил" назарияси яратилди. Бу назарияга мувофиқ инсоннинг ҳар бир фаолиятида барча фаолиятлар учун умумий бўлган (1-омил) ва айнан мазкур

фаолиятга мос бўлган(2-омил) барча хусусиятлар ўзаро боғлиқликда тадқиқ қилинади. Тадқиқотчи ушбу омилларнинг инсон ва фаолият уйғунлигини таъминлаш учун зарур бўлган психолигик моҳияти ва мазмунини очиб беради

Л.Терстон, Дж.Гилфорд томонидан яратилган "Мультифактор" назариясига биноан бирламчи ақлий қобилиятлар (идрок тезлиги, хотира ассоциациялари ва ҳоказо ) нинг ҳар бир индивиддаги таркиб топғанлик кўлами тадқиқ қилинди ва шу асосда ҳар бир шахс фаолиятига алоҳида ёндашувни тақозо этувчи психолигик хизматнинг методологик принциплари ишлаб чиқилди. Умуман, психологияда индивидуал фарқланишнинг 56 хил йўналишидаги типи маълум ва машҳур. Масалан, объектив ва субъектив тип (А.Бине тажрибаларида қайд этилган) фикрловчи фаол тип , рационалистлар ва эмпириклар (Джемс тадқиқотлари бўйича) "чукур-тор" ва "майда-кенг" тип, (Г.Гросс , назарий, иқтисодий, эстетик, ижтимоий, сиёсий, диний типлар (Е.Шпрангер тадқиқотларибўйича); шизоид ва циклоид типлар (Е.Кречмер тадқиқотлари бўйича); экстроверт ва интроверт типлар (К.Т.Юнг ва Г.Ю.Айзенк) ҳақидаги эмпирик маълумотларнинг қайд этилиши шулар жумласидандир.

Б.М.Теплов, В.С.Мерлин, В.Д.Небилицин, Б.Р.Қодиров ва уларнинг шогирдлари томонидан олиб борилган эмпирик тадқиқотлар мазмuni ижтимоий психология ва ижтимоий психолигик хизмат учун муҳим бўлган ҳар бир шахснинг (индивиднинг) табиий ва туғма сифатларини, олий нерв фаолиятининг ўзига хос қобилият элементларини ва унга таъсир этувчи таълим-тарбия, ташқи муҳит ва фаолиятнинг нечоғлик ташкил этилиш жараёнини мукаммал ўрганиш ва уни ижтимоий мақсадлар асосида ривожлантириш йўлларини белгилаш учун катта имконият яратди. Мазкур имкониятлар инсондаги у ёки бу фаолиятни бажаришга бўлган иқтидор куртакларини ўрганишни ва шу асосда шахс фаоллигини камол топтириш учун асос сифатида хизмат қилиши мумкин. Шунга мувофиқ маҳсус тадқиқотлар шуни тасдиқляяптики, фаолиятни муваффақиятли ташкил этиш учун индивидуал хусусиятлар, - айниқса, ҳар бир шахс темпераменти ва индивидуал услубига ҳам боғлиқ. Айниқса, меҳнат ва ўкув фаолияти жараёнида ушбу ҳолатни кузатиш, таҳлил қилиш ва ривожлантириш билан боғлиқ усуллар мажмуасининг ишлаб

чиқилиши психологияк хизматнинг муҳим вазифаси эканлигидан далолатдир.

Шахс фаолиятига индивидуал ёндашув йўналиши билан боғлик психологик хизматнинг маълум методологик тамойилларини илмий-татбиқий жиҳатдан асослаб берувчи олим Н.С.Лейтес маълумотларига қараганда, асаб тизими нисбатан кучсиз бўлган кишиларда кўпинча бир хилдаги ишнинг бажарилишида маълум афзалликлар борлиги аниқланган: уларнинг юқори сезгирилиги таъсирчанлик муваффақиятини таъминлайди, лекин у ёки бу фаолият жараёнидаги фавқулотда ва кучли қўзғалувчилар асосида намоён бўлувчи вазиятларда кучсиз типдаги кишилар айнан ўзларининг физиологик хусусиятларига кўра ишни уddyдай олмай қолишлари мумкин.

Чунончи, асаб тизими типи анча кучли бўлган кишилар бир хил, анча суст типдаги кишилар эса бошқа хил вазифаларни бир мунча осон ҳал қиласидар. Асаб тизимининг кучи бўйича фарқланадиган кишилар бир хилдаги вазифани ҳал этишга кўпинча ҳар хил йўллар билан боришлири кераклигини Н.С.Лейтес ўз асарларида ҳар томонлама асослаб бердики, бу - психологик хизматда ҳисобга олиниши мумкин бўлган муҳим жараёндир. Зоро, фаолият унумдорлиги инсоннинг ўз потенциал имкониятлари кўламидан оқилона фойдаланишнинг маҳсулидир. Э.А.Климов, В.С.Мерлин, В.М.Русалов, Б.М.Теплов тадқиқотларида ҳам шахс темпераменти асосида унинг машғул бўлган у ёки бу фаолиятни муваффақиятли бажаришдаги индивидуал услубнинг белгиланиши зарурлигини илмий жиҳатдан асослаб берувчи маълумотлар бор. Жумладан, Климовнинг эмпирик маълумотлари бир неча станокда ишлашда асаб тизимидаи" ҳаракатчан тип"даги ҳам, "ҳаракатсиз тип"даги ходимлар ҳам бирдек юқори даражадаги ишлаб чиқариш муваффақиятларига эришиш мумкинлигини тасдиқлайди. Бунинг асосий сабаби эса, бир хил меҳнат вазиятида турлича ҳаракат йўналишини танлай билиш ва амалга оширишдир.

Умуман, юқорида қайд этилган олимларнинг умумий фикр-мулоҳазаларига кўра индивидуал услубнинг шахсада дарров пайдо бўлмаслиги, балки кўпинча стихияли тарзда (яъни, индивидуал-ҳиссий асаб сифатлари ёрдамида) пайдо бўлиши қайд этилади. Демак, ҳар бир шахсга психологик хизмат давомида ўз имкониятлари ва фаолият талаби уйғунлигини таъминлаш йўлларини излаш асосида ёндашилса мазкур шахс фаолиятидаги

индивидуал услубнинг таркиб топиши тобора ривожланиб, такомиллашиб боради. Бу эса, ўз навбатида шахс ва жамиятнинг ижтимоий тараққиётига ижобий таъсир этмай қолмайди.

В.М.Русалов тадқиқотларида ижтимоий психология учун муҳим бўлган ҳамкорлик фаолияти муваффақияти маълум жиҳатлари билан индивидуал услуг имкониятларига ҳам боғлиқ эканлиги қайд этилиб, "холерик" темпераментли киши билан шерик бўлиб ишлаганга қараганда" флегматик" ва" меланхолик" билан биргаликда ишлаган ҳолларда анча самарали бўлиши эмпирик маълумотлар асосида тадқиқ қилинади.

Демак, муассасадаги амалий психолог ҳар бир шахс фаолияти ҳамкорлигини ташкил этиш жараёнида ушбу имкониятларни ҳисобга олиши орқали ижтимоий-психологик ютуқларга эришиши мумкин. Мазкур тадқиқотларнинг таълим ва меҳнат фаолияти муваффақиятларини таҳлил қилишга қаратилган кузатишларимиз натижалари ҳам тасдиқлади ва бу эса ҳар бир шахсни фаолиятдагимуваффақиятсизликларга нисбатан муҳофазаланиш(ҳимояланиш) куроли сифатида ҳар бир ўкувчи ва ишчи ходим учун характерли бўлган индивидуал услуг мезонларини ишлаб чиқиши ва унинг психологик хизмат жараёнида янада такомиллаштириш йўлларини излашга даъват этди.

Шахс индивидуал фарқланишининг ижтимоий қимматини тадқиқ қилиш муаммоси К.К.Платонов асарларида бир қадар кенгроқ кўламда қайд этилади. К.Платоновнинг методологик хизмати шундаки, у инсон ижтимоий индивидуал оламини тушунишнинг қуйидаги тўрт мезонини ишлаб чиқди ва шахс ижтимоий индивидуал фарқланиш моҳиятини тушуниш учун муҳим бўлган ушбу ижтимоий мезонларнинг назарий-илмий концепциясини яратди. Яъни, 1 - мезон (категория) асосидаги фарқланишга қўра инсондаги сифатлар ўзгариши билан унинг моҳияти ва ижтимоий йўналишлари ҳам ўзгаради. Бу ўринда шахс атрибутлари унинг онглилиги, динамиклиги, фаоллик ва бетакрорлиги каби барча сифатлар муҳим ўрин тутади. Инсон хусусиятлари ва сифатларини фарқлашнииг 2 - мезони - бошқа объектлар каби унинг моддий, функционал ва интеграл сифатлар мажмуасини ўз ичига олувчи шахсий моҳиятидадир.

Фарқланишининг 3 - мезонига психик ҳодисалар ва психик ҳолатлар тизилмасига кирувчи шахснинг ўзгармас хусусиятлари киритилади.

Фарқланишнинг 4 - мезони - субординацион шахс хусусиятлари ва сифатлари намоён бўлиши билан боғлиқ психик кечинмалар иерархияси ва кординацион умумий иерархиядан қатъий назар турли хил ижтимоий-психологик хусусиятларни бирлаштирувчи ўз ўзини идора қилув ва бошқарув хусусиятларининг таркиб топганлик даражаси биланбелгиланади.

Профессорлар: Э.Фозиев, Л.Турсунов, Ж.Икромовларнинг "ХХаср ва шахс камолоти" мавзусидаги маълумотларида ҳам психологик хизмат кўрсатишида муҳим аҳамият касб этувчи индивид, шахс ва субъект тараққиётининг тадқиқотида қуидаги ҳолатларга жиддий эътибор бериш зарурлиги уқтирилади:

- инсон ривожланишининг детерминатори ҳисобланган асосий омиллар ва шарт-шароитлар (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий, педагогик ваяшаш муҳити омиллари);

- инсоннинг ўзига тааллуқли, асосий тафсилотлар, унинг ички конуниятлари, механизмлари, эътиқод босқичлари барқарорлашуви ва инволюция;

- инсон яхлит тузилишининг асосий таркиблари, уларнинг ўзаро алоқалари, шахснинг ташқи таъсирларга жавоби ва муносабати, тараққиёт жараёнида уларнинг такомиллашуви. Дарҳақиқат, ҳар бир инсоннинг ўз индивидуал оламида содир этилаётган барча маънавий ва руҳий кечинмаларини у яшаб турган жамият истиқболларига мос тарзда тадқиқ қилмай туриб шахс ва фаолият, шахс ва жамият, шахс ва индивидуаллик ўртасидаги ижтимоий мутаносибликни таъминлаб бўлмайди. Зоро, психологик муҳофаза воситаси сифатида тадқиқ қилинаётган ижтимоий психологик ҳимоя фалсафаси ҳам шуни тақозо этмоқда.

"Инсоннинг индивидуаллик даражаси яна шу билан ифодаланадики, ундаги фаолиятнинг усуллари ва воситалари ҳеч қачон тайёр ҳолдаги барча учун бир хил умуминсоний тажрибалардан иборат бўла олмайди. Ҳар бир инсон ўз индивидуал сифатлари ва филогенездаги хусусиятлари асосида ижтимоий фаоллик тақозо этган фаолиятнинг мустақил субъектига айланиб боради. Бу билан жамият ҳар бир индивиднинг ўз ҳаётий пойдевори учун муҳимбўлган "ғиштни ўзи барпо этишида ижтимоий шарт-шароит яратиб беради". Бундай шарт-шароит эса ҳар бир шахснинг умумий ва маҳсус индивидуал имкониятлари кўламини ижтимоий-психологик жиҳатдан таҳлил қилиш ва тобора

камол топтира бориш йўлларини излаш асосидагина қарор топтирилиши мумкин.

Яна шуни қайд этиш керакки, психологик хизмат методологияси вазифаларини тадқиқ қилинار экан, ижтимоий психологияда маълум ва машҳур бўлган "Установка"," Ижтимоий установка" муаммоларига бағишлиланган тадқиқотларга тўхталмай иложимиз йўқ. Чунки, психологик хизмат жараёнининг психологик ҳимоя воситаси сифатидаги асосий вазифаларини ижтимоий установка тадқиқисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Бинобарин, установка (психологияда) шахснинг муайян фаоллигини (идрок, тафаккур, мақсадга мувофиқ ҳаракатлар ва ҳоказо) бажаришга қаратилган, аввалги тажрибаси билан белгиланган тайёргарлиги кишининг уни муайян тарзда ҳаракатга ундовчи тайёргарлик формаси ҳисобланади.

Психологик хизматнинг назарий ва методологик асослари ҳақида гап борганда психологик хизмат объекти ва субъекти ҳисобланган шахсга муносабат тизими асосида ёндашув истиқболларини кўрсатиб берувчи тадқиқотларга ҳам алоҳида тўхталишга тўғри келади.

Чунки, шахснинг психологик хизмат жараёнида намоён бўлувчи ва ривожлантириб борилиши муқаррар бўлган ўз-ўзига, ўзгаларга (шахслараро) ва фаолиятга нисбатан таркиб топаётган муносабатларнинг ижтимоий савиясини ўрганмай, таҳлил қилмай туриб унинг ўз-ўзидаги нохуш ҳислардан, ўзгалар билан ҳамкорлик ўрнатиши билан боғлиқ зиддиятли вазиятлардан, фаолиятдаги муваффақиятсизликлардан психологик муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар кўламини белгилаб бўлмайди. Шунуқтаи назардан, муносабатнинг турли соҳаларидағи ижтимоий психологик мезонлари бўйича тадқиқот олиб борган файласуфлар, психологлар, социологлар, психофизиологлар ва педагоглар (Б.Г.Ананьев, Г.М.Андреев, А.А Бадалов, Э.В.Шорохова, Ф.В.Бассин, Л.С.Вигоцкий, А.В.Веденов, Ю.М.Забродин, А.Г.Ковалов, И.С.Кон, Т.А.Китвел, Э.С.Кузмин, М.С.Кагон, И.Т.Левикин, В.С.Мерлин, В.Н.Мясишев, В.С.Магун, И.П.Павлов,, К.К.Платонов, Б.Д.Паригин, С.Л.Рубинштейн, В.В.Столин, В.А.Ядов каби олимларнинг барчаси муносабатнинг маълум соҳаларини илмий жиҳатдан асослаб берадилар. Масалан, мазкур муносабат мезони философлар талқинида шахс ва борлик ўртасидаги кўприк сифатида, психологлар талқинида шахснинг

"ички" ва "ташқи" фаолияти ўртасидаги эмоционал, когнитив ва хулқ-автор компонентлари асосида намоён бўлувчи интилишларнинг маҳсули сифатида, социологлар талқинида шахснинг ижтимоий иқлимига нисбатан хайриҳоҳлик ёки норозиликнинг ифодаланиши сифатида, психофизиологлар талқинида шахс олий нерв фаолиятининг акс этириш воситаси сифатида, педагоглар талқинида эса ўқувчининг ўқув топшириқларини "бажонидил" (ихтиёрий қизиқиш орқали) ёки мажбуран (юзаки) бажаришга • бўлган интилишларнинг маҳсули сифатида эътироф этилади. Психологик хизмат жараёни эса худди шу тадқиқий йўналишларга таянган ҳолда шахснинг фаолият жараёнида таркиб топаётган муносабатларини ўрганишни таҳлил қилишни ва шу асосда тегишли тадбирларни белгилай олишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Бу ўринда профессор Э.Фозиевнинг назарий-методологик қимматга эга бўлган қуйидаги фикрларини қайд этиш ўринлидир: "Хозирги кунда шахсга субъектив муносабат муаммосини ижтимоий жиҳатдан турмушда қарор топтириш учун: -Одам-инсон-шахс-индивидуаллик-субъект-комиллик иерархиясига риоя қилиш;-шахсга субъектив муносабат, яни унда робот сифатида барча хусусиятларини бир текис шакллантириш мумкин, деган хато назариядан воз кечиш, "субъект-субъект" алоқасини вужудга келтириш;

-хар қандай субъект-шахс, лекин ҳар қайси шахс субъект эмаслиги муаммосини ечиш;

-шахс субъект бўлиши учун мустақиллик, шахсий позиция, дунёқараш ва уларни ҳаётга татбиқ қилиш имконияти мавжудлигини тан олиш" каби муаммоларнинг бартараф этилиши шахснинг ижтимоий муносабатлар мажмуасини камол топтиришга хизмат қилиши тайин.

Зоро, инсон муносабатлари унинг хулқ - авторида ички дунёсининг шаклланишида, барча психологик жараёнларида муҳим бошқарувчилик ролини ўйнайди.(В.Н.Мясишев-1957). Бундай бошқарувчиликнинг юксак ижтимоий савияда таркиб топтирилиши эса инсоннинг ҳаётдаги айrim муваффақиятсизликларига нисбатан психологик ҳимояланиш воситаси сифатида хизмат қилиши мумкин.

Демак, муносабат психологияси бўйича қайд этилган юқоридаги мулоҳазаларнинг ўзига хос методологик асослари (тадқиқотлар)."Муносабатлар тизимини" психологик хизмат

жараёнида жиддий ўрганиш ва уни ҳар бир шахсда такомиллаштириш лозим бўлган ижтимоий психологик муҳофаза омили (кўрсаткичлари) сифатида амалий жиҳатдан тадқиқ қилишга даъват этади.

Психологик хизмат жараёни билан боғлиқ шахс муваффақиятли фаолиятининг 2- йўналишига индивидуал-типовологик хусусиятларга асосланган ҳаракатларнинг намоён бўлиши киради. Чунки, ҳар бир инсон у ёки бу ижтимоий топшириқни бажаар экан, аввало ушбу топшириқни қанчалик тез, осон ва сифатли қилиб бажариш имкониятига эга бўлсагина мазкур топшириқ шахс камолотига хизмат қила олиши мумкин. Мазкур йўналишдаги психологик муҳофазанинг моҳияти шундаки, ҳар бир шахснинг фаолиятга нисбатан керагидан бир неча баробаротик куч сарфлашга ва осонгина турли муваффақиятсизликларга учрамасликка қарши ўлароқ шахс истиқболини кўзлашга қаратилган тадқиқотлар ва тадбирлар қўлами олдиндан белгиланади. Психологик хизмат жараёни билан боғлиқ шахс муваффақиятли фаолиятининг учинчи йўналиши эса фаолиятга нисбатан фаол ижобий муносабатнинг таркиб топиши ва намоён бўлишидир. Бунда шахснинг фаолиятдан қониқиши, хулқатворидаги мотивацион тизимнинг ижтимоий қимматга эга бўлган бошқарувчиликка тааллуқли сифатларини яққол намоён бўлиши кузатилади. Зоро, ҳар жиҳатдан ижтимоий фаолликка хизмат қилувчи сифатлар намоён этилмаган жойдашахс ва жамият уйғунлигининг таъминланиши учун муҳим аҳамият касб этувчи барча имкониятлар қўлдан бой берилади. Ваҳоланки, бундай "имкониятлар"ни ҳамиша "муҳофаза" қилиш нафақат ижтимоий ташкилотларнинг, балки ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Шундай қилиб, психологик хизматнинг методологик асослари сифатида талқин қилинган мазкур фикр-мулоҳазалар ижтимоий психология фанининг қўйидаги амалий-татбиқий йўналишларига бугунги куннинг энг долзарб муаммолари сифатида қарашни тақозо этади.

1. Психологик хизмат ҳар-бир шахснинг фаолиятдан ижтимоий ва ҳиссий қониқиши жараёнини тадқиқ қилишга қаратилган усуллар ва услублар мажмуасига асосланиши лозим;

2. Психологик хизмат шахснинг фаолият жараёнидаги ўз-ўзига, ўзгаларга ва фаолиятга бўлган муносабатларидаги иерархик тизим динамикасини тадқиқ қилиши ва шу тизим асосида ижтимоий

психологик муҳитнинг яратилишига замин ҳозирлай олиши билан боғлиқ изланишлар кўламини ўз ичига олади.

3. Психологик хизмат жараёни билан боғлиқ ижтимоий муҳим кўрсаткичларнинг таҳлили ҳар бир шахс фаолияти учун характерли бўлган индивидуал фарқланиш, индивидуал услугуб ва ижтимоий установканинг қарор топтирилишини ўрганиш асосида амалга оширилиши мумкин.

4. Психологик хизмат жараёнини таълим самарадорлигини таъминловчи восита сифатида тадқиқ қилиш муаммоси бугунги кунда ижтимоий психологиянинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади ва бу муаммони бартараф этишда маълум психологик тамойилларга таяниш талаб қилинади.

## **1.2. Ўсмирларга психологик хизмат кўрсатиши услуби.**

Ўзбекистонда амалиётчи психологларнинг етишмаслиги сабабли Низомий номли ТДПУда амалиётчи психологлар тайёрлаш факультети очилди. Ўзбекистонда психологик хизматнинг ривожланишида М.Г.Давлетшин, Э.Ф.Ғозиев, Б.Р.Қодиров, Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, Ш.Р.Баратов, Э.Н.Саттаров, Ф.С.Исмагилова, З.Т.Нишанова, Н.С.Сафоев, Ф.И.Ҳайдаров, С.Х.Жалилова ва бошқалар ҳисса қўшганлар жумладан Республикаиздаги таникли олимлардан бири 1998 йилда Ш.Р.Баратов томонидан Ўзбекистонда психологик хизмат ташкил этилишининг илмий амалий ва ижтимоий психологик хусусиятлари мавзусида докторлик диссертацияси муваффақиятли ҳимоя қилингандигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Психология фанлари доктори профессор З.Т.Нишонованинг таъкидлашича психологик хизматни 3 нуқтаи назардан қараб чиқиши мумкин:

1. Илмий нуқтаи назар.
2. Ташвиқот нуқтаи назар.
3. Амалий нуқтаи назар.

Ушбу нуқтаи назарларнинг бирлигигини таъминлаш психологик хизматнинг асосини ташкил этади.

Илмий нуқтаи назар психологик хизматнинг методологик муаммоларини ишлаб чиқиши назарда тутади. Бу йўналиш ижро чиларининг асосий функцияси мактаб психологик хизматида ишнинг психоташхис, психокоррекцион ва ривожлантирувчи

методларини ишлаб чиқиш ва назарий асослашга бағишланган илмий тадқиқотларни ўтказишдан иборат.

Ташвиқот нұқтаи назари халқ таълими ходимларининг психологик билимлардан фойдаланишини назарда тутади. Бу йўналишда асосий ҳаракатлантирувчи шахслар бўлиб, педагоглар, методистлар, дидактлар майдонга чиқади.

Хизматнинг амалий нұқтаи назарини мактаб психологлари амалга оширадилар, уларнинг вазифаси - у ёки бу аниқ вазифани ҳал қилиш учун ота-оналар, ўқитувчилар, синф жамоаси, болалар билан иш олиб боришдан иборат.

Психолог ўзининг инсон хулқ атвори ва психик фаолияти, психик тараққиётнинг ёш қонуниятлари хақидаги касбий билимларига, уларнинг ўқувчилар ва катталар, тенгдошлари билан ўзаро муносабат хусусиятларига, ўқув – тарбия жараёнини ташкил этишга боғлиқлигига таяниб, болага индивидуал ёндашув имкониятларини таъминлайди, унинг қобилиятларини аниқлайди, нормадан четлашишларнинг бўлиши мумкин бўлган сабабларини психологик-педагогик коррекция қилиш йўлларини аниқлайди. Бу билан психологик хизмат мактабда ўқув тарбия ишининг маҳсулдорлигини оширишга, ижодий фаол шахсни шакллантиришга имкон беради.

*Психологик хизмат уч асосий бўғиндан тузилган:*

- 1) Аниқ ўқув муассасасида ишлайдиган болалар амалий психологи
- 2) Туман халқ таълими қошидаги ташҳис маркази.
- 3) Республика касб-хунарга йўналтириш ва педагогик-педагогик ташҳис маркази.

Психологик хизмат ходимлари барча муаммоларни ҳал қилишда болани ҳар томонлама ва гармоник ривожланиш вазифаларига ва унинг қизиқишлирага таянадидлар. Амалиётчи психолог ўз фаолиятини педагогик жамоа ва ота-оналар билан яқин алоқада амалга оширадилар. Психологик хизмат ўз фаолиятида тиббий, дефектологик ва бошқа хизмат турлари билан, бола тарбиясида ёрдам кўрсатувчи жамоачилик ходимлари билан яқин алоқада иш олиб боради. Барча мутахассислар билан муносабат тенглик асосида ва фикрларнинг бир-бирини ўзаро тўлдириши асосида қурилади.

Ўрта маҳсус, касб-хунар тизимидағи психологик хизматнинг мақсади-шахснинг ҳар томонлама гармоник камолоти, тўлақонли

психологик тараққиётни таъминловчи қулай шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Психологик хизматда тадқиқот ва таъсир ўтказиш обьекти мактабгача ёшдаги болалар, ўқувчилар, маҳсус ўқув юрти ва олий мактаб, коллеж талабалари, ўқувчилар, ота-оналар бўлиб ҳисобланади, уларни алоҳида ёки гурухий шаклда тадқиқ қилиш мумкин.

Психологик хизматнинг мазмуни:

- а) психопрофилактика,
- б) психологик маориф ва маърифат,
- в) психоташхиса,
- г) психик ривожланитириш ва психокоррекция,
- д) психологик консультация.

Психологик хизмат ҳақида Низом 1996йил Халқ таълими Вазири Ж.Ғ. Йўлдошев томонидан тасдиқланган. 2001 йилда бу Низомга ўзгартириш киритилди.

Психологик хизмат методлари турли туман бўлиши мумкин:

а) халқ таълими ва ўрта маҳсус касб-ҳунар таълими ходимлари, ўқувчилар, талабалар билан маъruzалар туркуми ва треннинг машғулотлари ўтказиш ва аҳолининг психологик маданиятини ўстириш мақсадида, б) илмий оммабоп адабиётларни яратиш ва уларни тарқатиш, в) оммавий ахборот воситаларида чиқишлиар, г) психоташхис тадқиқотлар ўтказиш, методикалар ишлаб чиқиш (тест савол варагаси, тажриба, кузатиш, суҳбат ва бошқалар), д) психологик маслаҳат бериш, е) психологик консилиумлар ўтказиш, ж) таълим ва тарбия берувчи дастурлардан фойдаланиб психодрама, психокоррекцион тренингларни амалга ошириш, з) психологик тадқиқот обьектининг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқув дастури, ўқув тарбия режаларини таҳлил қилиш ва ҳоказолар.

*Психологик хизмат ҳақида Низом бўлимидан иборат. Улар:*

1. Умумий қоидалар.
2. Психопрофилактик ишлар.
3. Психоташхис ишлар
4. Ривожлантирувчи ва коррекцион ишлар.
5. Психологнинг маслаҳат бериш ишлари.
6. Психологик хизмат ходимларининг масъулияти акс этган.

Умумий қоидалар қуйидаги бандларни ўз ичига олган.

1. Психологик хизмат халқ таълими ва олий ўрта маҳсус таълим тизимишинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

2. Психологик хизмат мутахассислари барча муаммоларни ҳал қилишда ҳар қайси шахснинг /педагог, ўқувчи, талаба, ота-она/ манфаати ва унинг ҳар томонлама гармоник ривожланишидан келиб чиқсан ҳолда ёндашади.

3. Психологик хизмат мутахассислари ўз фаолиятиларини тиббиёт ходимлари, дефектологик хизмат, муҳофаза қилиш ташкилотлари, муайян комиссиялар, балоғатга етмаган ўсмирлар инспекцияси, ота-оналар қўмитаси, ишлаб чиқариш жамоаси, жамоатчилик билан узвий алокада амалга оширадилар.

Амалиётчи психологлар ўқитувчига берилган барча имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Уларнинг меҳнат таътили муддати барча ўқитувчилар билан баробардир. Ўқувчилар сони 500 гача бўлган мактабларда 1 штат бирлиги психолог ишлаши зарур.

Касб-хунарколлэж-ларида ўқувчилар сони 250та бўлса, 1штат бирлиги психолог ишлаши зарур.

Бугунги кунда барча турдаги таълим муассасаларида психологларнинг фаолияти, психологик маслаҳат ва муаммоланинг ижтимоий-психологик фаол усуслари, психокоррекцион, психоташхиса, ижтимоий, педагогик, болалар психологияси соҳалари бўйича умум психологик тайёргарлик олган, психологик ихтисосга эга бўлган мутахассислар томонидан амалга оширилмоқда. Ўсмирларга психологик хизмат кўрсатиш услуги эса илгор психологик тамойилларга асосланган ҳолда амалга оширилади.

### ***1.3. Ўсмирларга психологик хизмат кўрсатишининг амалий асослари***

Психологик хизмат фаолиятини болалар, ёш ва педагогик психология, психокоррекция, психологик маслаҳат соҳасида умумий психологик ва маҳсус психологик билимлар олган мутахассислар томонидан амалга оширилади. Психологик хизматга жалб қилинган педагоглар бу мутахассисликни олиш учун маҳсус қайта тайёргарликдан ўтишлари лозим.

Психолог маслаҳат бериш ишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

Болалар, ўқитувчилар, талабалар таълим ва тарбияси билан шуғулланувчи барча шахсларга, жумладан маъмурият (директор, ректор, мудир) ўқитувчилар, мураббийлар, ота-оналар, ижтимоий ва жамоатчилик ташкилотлари, ходимларига аниқ, яққол маслаҳатлар бериш.

1. Таълим, тараққиёт, тарбия, касб танлаш ва турмуш қуриш, ўзаро муносабат, муомала ва мулоқот сирлари, тенгдошлар ва вояга етмаганлар муносабати, масалан, дунёқарааш, қобилият, иқтидор муаммолари юзасидан индивидуал, гурухий, жамоавий тарзда маслаҳатлар уюштириш.

2. Маъмуриятга, болалар, ўқувчилар, талабаларга (ётоқхонада, клубларда, кутубхоналарда) қизиқтирувчи масалалар бўйича болалар, ўқувчилар, талабаларнинг психик ўсиши хусусиятларига оид маълумот бериши, ўғил ва қизларни асраб олиш, оналик ва оталиқдан маҳрум қилиш, ташкилотларни ғамхўрлик ва васийлик тўғрисидаги қабул қилган қарорга муносабати, шахс тақдирини ҳал қилишда қатнашиши ва маслаҳатли фикр бериши лозим.

3. Ота оналарга боланинг психик ривожланиши хусусиятларини шахс сифатида шаклланиши, ўзаро муносабат мақомлари, бунда фарзандларнинг ёши, жинси, индивидуал-типологик хусусиятлари муаммоси бўйича илмий-амалий маслаҳатлар беради.

4. Янги типдаги мактабларга ўрта-маҳсус ва касб-хунар коллежи ўқувчилари, академик лицей талабаларига уларнинг имконияти, истиқболи тўғрисида илмий – амалий хусусиятга молик консультатив ишлар олиб бориш: ёшларни саралаш, танлаш, касбга яроқлилик даражасини аниқлаш, танлов комиссиясида маслаҳатчи сифатида иштирок этиш.

5. Мазкур ишлар ўқувчиларни мактабда, коллежда ва лицейларда ўқитиши давомида психологик-педагогик жиҳатдан чуқурроқ ўрганишга йўналтирилган бўлиб, уларнинг индивидуал хусусиятларини, таълим тарбиядаги нуқсонларнинг сабабларини аниқлашга мўлжаллангандир. Ташхис ишлар гурухий ёки индивидуал тарзда ўтказилади. Бу аснода амалий психолог қуидаги вазифаларни бажаради.

Ёш давр тараққиёти мезонларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида психолог болалар, ўқувчилар, маҳсус мактаб, ўқувчиларини, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юрти талабаларини психологик текширувдан ўтказади, уларнинг

даражаларини белгилайди. Ўқувчиларнинг касбий яроқлилигини ташхиса қиласи, уларнинг шахс хислатлар, иродавий сифатлари, ҳис-туйғулари, ўз-ўзини бошқариш имконияти, интеллектуал даражасини текширади.

Маслаҳат бериш ишлари-амалиётчи психологнинг асосий фаолият турларидан биридир. Маслаҳат бериш ишлари ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар учун олиб борилади. Маслаҳат бериш ишлари индивидуал ва грухий бўлиши мумкин. Амалиётчи психологлар иш тажрибасини умумлаштириш шуни кўрсатадики, ўқитувчилар кўпинча психологга қуидаги муаммолар бўйича мурожаат қиласидилар: турли фанлар бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштиришдаги қийинчиликлар, болаларнинг ўқий олмаслиги ва истамаслиги, грухда низоли вазиятлар, шахсий педагогик таъсирнинг натижа бермаслиги, ҳар хил ёшдаги болаларнинг тенгдошлари оила мулоқати ва болалар жамоасининг шаклланиши, касбий малакаларини ошириш йўллари, ўқувчиларнинг қобилияtlари, лаёқатлари, қизиқишларини аниқлаш ва ривожлантириш йўллари, ўқувчилар билан касбга йўналтириш ишларини олиб бориш.

Амалиётчи психологга ўқитувчилар ҳам мурожаат қиласидилар:

Катталар ва тенгдошлари билан ўзаро муносабатни яхшилаш масалалари, ўз-ўзини тарбиялаш, касбий ва шахсий ўз-ўзини билиш, ақлий меҳнат ва хулқ-атвор маданияти ва бошқа муаммолар бўйича мурожаат қиласидилар.

Психолог ўқувчилар билан бевосита алоқада уларда вужудга келган муаммоларни ҳал қиласидилар. Бу тўғридан тўғри маслаҳат бериш деб аталади. Баъзан ўқувчиларга ва ота-оналарга ўқитувчиларнинг у ёки бу муаммолари бўйича маслаҳат беради, бу бавосита маслаҳат беришдир, бунда маълум қоидаларга амал қилишга тўғри келади. Маслаҳат бериш марказида ҳар доим психолог ва маслаҳат берилаётган шахснинг ўзаро таъсир жараёни, улар орасида ишончли ўзаро муносабатни ўрнатиш ётади. Бунда психолог – маслаҳат берувчи, ўқитувчи, ота-она – маслаҳат берилувчи, ўқувчи mijoz ролида бўлади.

Маслаҳат бериш – психологик хизматнинг асосий йўналишларидан биридир. Лекин психологик маслаҳат ўзи нималиги ҳақида ягона тушунча йўқ. Коллежлардаги ёки академик лицейлардаги психолог иши бир-биридан тубдан фарқ қиласи. Психолог аниқ ўкув муассасасидаги ўқитувчилар ва ўқувчилар

орасидаги муносабатнинг ижобий ва салбий томонларининг, ривожланадиган ижтимоий мухитнинг ичида бўлади. У ҳар бир ўқувчи ёки ўқитувчининг ўзинигина эмас, шахслараро муносабатнинг мураккаб системасини ҳам кўради, бошқа иш турлари билан биргаликда вазиятни ҳал қиласди.

Юқоридаги усулда иш олиб борганда психолог ва ўқитувчи ўз соҳасини яхши билувчи мутахассислар сифатида намоён бўлади.

1. Ўқувчи муаммолари бўйича уларнинг ҳамкорлиги билимларининг бирикувига имкон беради ва муаммоларни ҳал қилиш учун кенг ижодий имкониятлар яратади.

2. Психолог ўқувчилар ва талабаларнинг психологик хусусиятлари, уларнинг қизиқиши, майли, илк иқтидори кабиларни ўрганади, мутахассис ва етук шахс сифатида шаклланишига ёрдам кўрсатади.

3. Ўсмирларда учрайдиган ўқув малакалари ва кўникмаларини эгаллашдаги нуқсонлар хулқ-атвордаги камчиликлар, интеллектуал тараққиёт ва шахс фазилатларидағи бузилишларни ташхиса қиласди.

4. Бошқа соҳанинг мутахассислари билан биргаликда психик ривожланишдаги нуқсонлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда дифференциал ташхисани амалга оширади. Нуқсонларнинг тиббий ва дефектологик табиатини аниқлайди. Ассоциал хулқ-атвор сабабларини ва шаклларини белгилайди. Гиёхвандлик ва таксикоманлик, алкоголизм, ўғрилик, дайдиликнинг ижтимоий психологик илдизларини текширади, омилларни таҳлил қиласди.

Психологик хизматнинг ушбу йўналиши психологдан инсон шахси ва индивидуаллигини таркиб топтириш жарёнида фаол иштирок этишини тақозо қиласди. Халқ таълими тизимидағи психологнинг вазифаси психологик хизматни муайян ҳолда, мезонга асосланиб ташкил қилишдан иборат бўлиб, ёш давр хусусиятларига биноан психиканинг ривожланиши, шахснинг шаклланиши қонуниятларини амалиётга татбиқ этиш, ўқитувчилар жамоасига болалар, ўқувчилар ва талабалар таълим ва тарбиясини индивидуаллаштиришда ёрдамлашиш, уларнинг қобилияти, майлини ўсиш даражасига қараб ўқитувчиларга корекцион ишларни амалга оширишда кўрсатмалар бериш. Психологик хизматнинг ушбу йўналишида алоҳида аҳамият касб этадиган нарса-бу болалар, ўқувчилар, талабалар ўсишида кечикиш, уларда хулқнинг бузилиши, таълимда ўзлаштиришнинг ёмонлашуви кабиларни ўрганиш ҳисобланади.

Психолог болалар, ўқувчилар, талабаларнинг ёш хусусиятларини ҳамда жадал ривожланишини ҳисобга оловчи, уларни психикасининг барча жабҳаларини қамраб оловчи динамик тараққиётга кафолат берувчи дастур ишлаб чиқаришга бутун фаолиятини йўналтиради, ижтимоий ўсиш талабига жавоб берувчи, умуминсоний, этнопсихологик хусусиятлар муҳитида камолатга интилевчи шахсни таркиб топтиришни бош мақсад деб танлайди.

Амалий психолог болалар, ўқувчилар, талабаларнинг психик тараққиётдаги, хулқ - автор муомаласидаги нуқсонлар ва ҳамда камчиликларни аста-секин тузатиш, коррекция қилиш дастурини ишлаб чиқаради ва амалиётга уни татбиқ этади. Бунинг учун улар билан махсус машғулотлар ўтказади, ижодий қобилияtlарни ўстириш мақсадида тренинглар олиб боради.

Коррекцион фаолиятнинг психологик қисми мутахассислар томонидан амалга оширилади. Мазкур ишнинг педагогик жиҳати эса психологнинг педагоглар, ота-оналар билан ҳамкорлигига ўтказилади ва бутун масъулият унинг зиммасига тушади.

Ривожлантирувчи ва коррекцион ишлар психолог томонидан ҳар хил шаклларда, вазиятларда ҳал қилинади:

- а) Ўсмирларга амалий ёрдам бериш
- б) Ўсмирлар гуруҳига тарбиявий таъсир ўтказиш.
- в) Ота-оналар педагогик жамоа иштироқида тарбиявий тадбирлар тарзида машғулотлар олиб бориш назарда тутилади.

Ривожлантирувчи психокоррекционишлардастурини шундай тузиш керакки, унда коррекцион ишга жалб қилинувчилар гурухининг қадриятга йўналганлиги, этнопсихологик ва этномаданият хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим.

Психоташхис тадқиқотлар қуйидаги вазифаларни ҳал қиласди.

1. Ташхиса учун маълумотларни олиш. Бунда бола психик ҳолати ва шахси хусусиятлари баъзи белгиларининг кўринишларини ўрганиш мақсадида тадқиқот олиб борилади. Тадқиқотда олинган маълумотлар ёрдамчи характерга эга бўлиб хулқ - авторининг ҳақиқий кузатилган хусусиятлари, унинг психик функциялари, тараққиёт даражаси билан таққослашда фойдаланилади. Масалан, дарсда ўқувчи диққатининг барқарор эмаслиги, диққатини бир жойга тўплашга қийналиши, ақлий иш қобилиятиning пастлиги, тез чалғиши ва бошқалар билан ажralиб туради. Лекин хулқ - авторининг кўрсатилган белгилари бола хулқ-автори эҳтиёжлари ва мотивлари иерархиясининг /босқичма-

босқич/ ўзгариши натижаси бўлиши мумкин. Бунда ўқитувчи шахс нормал ҳолати кўринишларидан бирига ёки мия етишмовчилигининг функционал белгиларига дуч келади. Иккала ҳолатда ҳам у ёки бу ўқувчи ўзлаштириши ва интизомнинг пасайиши ташқаридан сезилса-да, психоташхис тадқиқотларда ўрганилаётган ўзгаришлар манбаалари, ривожланиши ва келгусида қандай бўлиши, психологик ҳолат белгилари ҳам ўрганилади.

Психоташхис тадқиқотлар бола психик функциялари ривожланиш даражасининг, ақлий тараққиёт даражаси, ёш ва маълумот билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш учун ҳам ўтказилади. Бу тадқиқотлар болада маълум қизиқишлиар, амалий малакалар ва касб танлаш пайти келганда жуда муҳимдир.

2. Психик тараққиёт ўзгаришини ўрганиш учун зарур маълумотларни тўплаш. Агар «кўндаланг кесим» методлари орқали психоташхис тадқиқот маълум босқичда бола психик тараққиёти даражасини, яъни психик функциялар ривожланиши лолзарб зонаси аниқланадиган бўлса, «узунасига кесим» (лонгитюд) психоташхис тадқиқотларда бола психик ҳаёти тараққиёти хусусиятлари ривожланишида, яъни таълим ва тарбия жараёнида ўрганилади.

3. Ақлий заифлик даражасини ёки бошдан кечирган касаллик туфайли психик камчиликларни аниқлашга қаратилган психоташхис тадқиқотлар маҳсус ёки ёрдамчи мактабда ўқиши хақида масала ҳал бўлаётганда тиббий педагогик ҳайъат (комиссия) томонидан фойдаланиши мумкин.

4. Болада пайдо бўлган етарлича ўрганилмаган янги психик ҳолатларни таҳлил қилиш учун илмий мақсадда психологик тадқиқот ўтказиш. Вазифа бундай қўйилганда, тадқиқотчиларни қизиқтирган масала бўйича катта гуруҳларда тадқиқотлар ўтказилади. У ерда олинган натижаларнинг статистик ишончлилиги муҳим аҳамият касб этади.

Психологик хизматда ташхис-ривожлантирувчи йўналишлар ишнинг асосий мазмунини ташкилэтади. Д.Б. Элькониннинг таъкидлашича, болаларни танлаш учун, аниқланган четлашишларни тузатиш мақсадида психик тараққиётни назорат қилишга йўналтирилган маҳсус ташхиса зарур. Унинг таъкидлашича, тараққиётда бўлиши мумкин бўлган четлашишларни эртароқ тузатиш учун психик тараққиётни назорат қилиш зарур. Амалиётчи психолог фақатгина диагноз қўйиш билан

чекланмасдан, кейинги ривожланиш дастурини ишлаб чиқади, ўзи берган тавсияларнинг бажарилишини назорат қилади, коррекцион ва ривожлантирувчи ривожлантирувчи тренингларни олиб боришига алоҳида эътибор қаратади.

Амалиётчи психологнинг ташхис-коррекцион иши мураккаб фаолият турларидан бири бўлиб, маҳсус психологик тайёргарликни талаб қилади. Бу жараён биринчи бўлиб, тарбияси қийин ва нормал болаларни ўрганишга бағишлиланган педагогик тадқиқотларда Л.С. Выготский томонидан қўлланган.

Психопрофилактик иш-амалиётчи психологнинг энг кам ишланган фаолият турларидан бири ҳисобланади.  
*Психопрофилактикада уч босқич ажратиб қўрсатилади:*

Биринчи босқич дастлабки профилактика деб аталади. Бу босқичда психолог соғ болалар билан ишлайди ёки мактабдаги барча ўқувчиларни қамраб олади. Кўпчилик муаллифларнинг таъкидлашича, мактаб психик соғлиқ профилактикаси учун қулай ҳисобланади. Улар мактаб психологларини дастлабки профилактикани ўтказадиган мутахассислар деб тан оладилар.

Иккинчи босқич профилактика муаммолари мавжуд болаларга қаратилади. Унинг мақсади - ўқищдаги ва хулқ - атвортаги қийинчиликларни иложи борича эрта аниқлаб, уларни йўқотишдан иборатdir. Иккинчи босқичда ота-оналар ва ўқитувчиларга маслаҳатни ҳам ўз ичига олади /боланинг ўқиши ўзгариши учун таълим услубини ўзгартириш/.

Учинчи босқич. Психолог ўқищдаги ва хулқ - атвортаги яққол кўриниб турадиган муаммолари бор болаларга ўз диққатини қаратади. Профилактиканинг дастлабки мақсади - жиддий психологик қийинчиликларни ва муаммоларни йўқотиш ва тузатишдан иборат. Психолог олдига келган бола билан алоҳида ишлайди. Мактаб психологининг асосий кучи учинчи босқичга, яъни «тарбияси қийин» болаларга қаратилади ва ўқувчиларнинг асосий қисми психолог эътиборидан четда қолиб кетади.

Хозирги америка психологлари мактаблардаги психологик хизматни психик соғлиқ хизмати сифатида фаолият қўрсатишнинг тарафдори бўлиб чиқмоқдалар.

Психопрофилактика амалиётчи психолог фаолиятининг маҳсус тури бўлиб, мактабдаги барча ўқувчилар учун шарт-шароитларни яратишдан иборат.

*Умуман, психолог профилактика ишининг асосий вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:*

1. Ҳар бир ёш босқичида инсоннинг шахс сифатида шаклланиши, ақлан барқамолликни таъминлашнинг оқилона шартшароитларини яратиш;
2. Шахс камолоти ва интеллектуал тараққиёти бўсағасида вужудга келиши мумкин бўлган психологик нуқсонлар ва бузилишларга эътибор қаратиб уларни бартараф этиш чоратадбирларини белгилаш ўз вақтини олдини олиш ҳисобланади.

Таълим тарбия жараёнида ўқувчиларга индивидуал ёндашув зарурлиги ҳамма томонидан тан олинган, лекин ундан амалда фойдаланиш асосан иш эмас. Бунга мактабда ўқитувчиларнинг бола ҳақида кўп гапиришлари далил бўлади. Чунки мактабда ўқувчининг қобилияtlари, шахснинг асосий хислатлари ҳақида чуқур ва ҳар томонлама маълумот берадиган мутахассис йўқ.

Таълим тарбиядаги индивидуал ёндашув, болани бошқалардан ажратиб индивидуал ўқитиши билдиrmайди, балки шахснинг у ёки бу хислатларининг шаклланишида маҳсус шароитларни ҳисобга олиш, ҳар бир ўқувчининг индивидуал психологик хусусиятларини илмий асосда тушунишни англаатади.

Психологияда шахснинг индивидуал хусусиятлари деганда бир шахсни иккинчи шахсдан фарқлайдиган хусусиятлар тушунилади.

Индивидуал ёндашувнинг вазифаси – ривожланишнинг индивидуал усусларини аниқлаш, боланинг имкониятларини ҳар бир шахснинг фаоллигини таъминлашдан иборат. Бу нуқтаи назардан олганда индивидуал ёндашув фақатгина «тарбияси қийин» болаларга эмас, барча ўқувчиларга ҳам зарурлиги тушунарли бўлади. Коллеж психологлари бу усулини у ёки бу шаклда қўллайдилар, чунки бу кўзга ташланиб турган қийинчиликлар билан биргаликда, бола шахсий тараққиётининг баъзи яширин нуқсонларини ҳам топишга ёрдам беради.

Бундай ташхис ишининг асосий мақсади - ўқувчи психик тараққиётининг умумий ҳолатини билишдан иборат. Бундай кўп қиррали ва тўлиқ ташхиса натижалари психолог учун ҳам, отаоналар, ўқувчилар учун ҳам «тарбияси қийин» бола билан олиб бориладиган тузатиш ва ривожлантириш ишларининг йўлларини аниқлаш имконини беради. Бу усул ютуқлар билан бирга, камчиликларга ҳам эга.

Биринчидан, бу усулни қўллаш жуда кўп вақтни олганлиги учун, уни амалга оширишнинг ҳар доим ҳам иложи бўлмайди. Бу усул кўп вақтни талаб қилганлиги учун фақатгина психолог эмас, «тарбияси қийин» ўқувчи ҳам чарчайди, текширувда иштирок этишдан бош тортади, топширикларни ўзи сезмаган ҳолда номига бажаради. Тажрибадан маълум бўлишича, айниқса оғзаки методикалар қанчалик тўлиқ бўлмасин, қийинчилик туғдиради. Бундан ташқари бундай методиклар шахсни тўлиқ характерлаш учун етарли бўлмайди.

Расмий илтимосга қандай муносабатда бўлиш керак? Коллеж психологи жавоб берадиган биринчи савол мана шу. Расмий илтимосга икки хил муносабат, икки хилма-хил иш услуби мавжуд.

Биринчиси, расмий илтимосга ўзига хос бўлмаган жавоб қайтаришдир. Бу икки усул билан амалга оширилади.

Биринчидан, расмий талабга жавоб тарзида унинг мазмунига боғлиқ бўлмаган ҳолда психоташхис методлар тўплами қўлланилади.

Иккинчидан, расмий талабга ўзига хос жавоб қайтаришнинг усули бўлиб, машҳур америкалик психолог К. Роджерс психология фани ва амалиётига киритган психологик иш тўғри ҳисобланади. Унинг фикрича, «тарбияси қийин» бола билан ишлаш учун, расмий талабнинг мазмуни қийинчиликлар сабабларини тушунишга тенг, лекин бу муҳим аҳамиятга эга эмас. Бола шахсини ривожлантирадиган шундай шароит яратиш керакки, бу шароит уни хулқ-авторнинг салбий шаклларидан воз кечишга ва янги ижобий шаклларини яратишга мажбур қиласин.

Расмий илтимосга ўзига хос бўлмаган жавоб қайтаришга тескари услуг – бу расмий талабга қатъий мос тушадиган ташхис методикаларни танлашдан иборат: Масалан: ёмон ўзлаштириш ҳақида шикоят тушганда, биринчи навбатда билиш жараёнларининг тараққиёти таҳлил қилинади. Бундай ташхиса ўзлаштираслик сабабларини аниқлай олмасагина, бошқа кўрсаткичлар қаралади. Ташхиса натижаларига мос равишда, кўпинча тренинг турида амалга ошириладиган тузатиш ишлари олиб борилади. Масалан: хотира кучсиз ривожланганда, уни маҳсус машқ қилдириш мақсадга мувофиқ, ихтиёрийлик етарли даражада ривожланмаганда, уни шакллантиришнинг маҳсус дастурлари киритилади.

## **II боб. ТАРБИЯСИ ҚИЙИН ЎСМИРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

### ***2.1. Ўсмирларда тарбияси қийинликни ўзига хос хусусиятлари.***

Маълумки, шахснинг шаклланиши динамик хусусиятга эга. Шунинг учун унинг ривожланишида гоҳо илгарилаб кетиш, гоҳо тараккиётдан орқада қолиб кетиш ҳолатлари кузатилади. Оқибатда, баъзан ўсмирларнинг хатти-ҳаракатларида ўзини ўзи махкум қилувчанлик белгилари намоён бўлиши кузатилади. Улар ўзларининг жисмоний ва руҳий саломатликлари билан борлиқ, хотиржамликнинг қадрига этмайдилар, турли жисмоний шикастланишлар, руҳий тушкунликлар натижаси ўлароқ ўз истиқбол режаларини тўза олмайдилар, худди шу боис, ўзларининг ижтимоий мавделарига путур етказадилар. Хулқ-атвортаги оғишларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан таназзули улар турмуш тарзининг носоғлом кечишига, уларни алкоголизм ва наркомания иллатлари сари етакяйди, баъзан суицидал (ўзини ўзи улдириш) ҳолатига олиб келади. Биз ўзини ўзи махкум қилувчи хулқ-атвортегандан, нафақат организмнинг жисмонан носоғломлиги, балки ўсмир шахси ривожидаги ахлоқсизлик, маънавий қашшоқлик, турли даражадаги дезадаптацияга олиб келувчи шахс дисфункцияларини тушунамиз. Ўсмир шахсида дисфункциялар кечиши патологик ва нопатологик кўринишга эга. Ўсмирларга ўзини ўзи махкум қилувчи хулқ-атворт ва унинг таснифлари қўйидагича ифодаланиши мумкин.

**I. Ўсмир шахси бузилиши даражаси:** а) олд патологик; б) нопсихотик; в) психотик.

**II. Махкум қилувчи хулқ-автор типлар:** а) ҳаётый талофат; б) жисмоний зиён-захмат; в) маънавий-ахлоқий камолотга зиён-захмат; г) ижтимоий мавқега зиён-захмат.

**III.Ижтимоийлашув адаптация босқичлари:** а) барқарор адаптация б) парциал адаптация; в) бекарор адаптация; г) дезадаптация.

Ўсмир шахсидаги бузилиш даражаларини қуидаги мисол орқали яккол ифодалаш мумкин. Масалан, алкоголга нисбатан мойилликни олайлик. Ҳар замонда ичиб туриш, яъни алкоголга эпизодик хусусиятли мойиллик, байрамларда, дўстлар даврасида, вақт-ни кизикарли, мароқли утказиш билан боғлиқ ҳолатлар гарчи ушбу ҳолат ҳам ўсмир шахси шаклланишига маълум даражада таъсир килсада, албатта патология эмас. Алкоголни тез-тез қабул қилиш оқибатида унга бокланиб колиш эса патология, лекин психотик даражада эмас.

Агар алкоголга ёки наркотик моддаларга ружу қуиши ҳақиқий касаллик симптоми даражасига етганда, улар билан борлик чуқур ўзгаришлар («окалахлаш» ва «ломка») руй берса, бу психотикдаражада хисобланади.

Махкум қилувчи хулқ-автор типлари психологида қуидаги-ларга ажратилади: а) шундай хатти-ҳаракат ва хулқ-автор мавжудки, бу индивидуум учун заарли хисобланиб, у ўзини ўзи улдириш (суицидал ҳолат) билан тугаши мумкин. Лекин таваккалчилик билан боғлиқ спорт турлари, жумладан, авто ва мото пойгалар, альпинизм, бокс ёинки, ҳаёт учун хавфли касб-кор; ўт учирувчи, каскадер, жамоат тартиби ва миллий хавфсизликни саклаш бўлинмалари баъзи вакилларининг фаолияти (гарчи улар нимага кетаётганларини чуқур анлаган тақдирда ҳам, баъзан ўз хатти-ҳаракатларининг охири ўлим билан тугасада), албатта бундан мустасно. Чунки бундай масъулиятли касб эгаларида ўзига ишонч, ҳар қандай вазиятда ўзини синаб кўриш ва ғалаба нашидаси

устиворлик қиласи; б) ўз организмига жисмонан заар етказиш билан борлиқ бўлган, депрессив ҳолат (рухий азобланиш) натижасида ўзига ўзи тажовуз ҳилиши билан кечади; в) махкум қилувчи хулқ-авторнинг типи жамият томонидан қабул қилинган умуминсоний меъёрларга зид бўлган делинквент хулқ-автор хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Бунда нафакат умумбашарий меъёрлар, балки умуминсоний қадриятлар, диний меъёрларни саклаш назарда тутилади. Акс холда инсоният ўзининг ибтидоий аждодларидан фарқ, килмай колар эди. Гарчи инсон давр утиши билан биологик тузилиши нуктаи назаридан чуқур ўзгаришларга учрамаган бўлсада, лекин ўзининг миллий анъаналарига, миллий маданиятига, миллий ахлоқ меъёрларига қарши тутар экан, у маънавий кашшоқдир. Зеро, тўрт муччаси СОГЛОМ ўсмирнинг асоқиал (аксижитимоий) гурухлардаги иштирокини, ахлоқтўзатиши муассасаларига тушиб колишини, турли экстремистик гурухлардаги фаолиятини, ўзининг ҳаётини барбод қилишини факат унинг ўзини ўзи махкумқилувчи хулқ-авторидангина излаш мумкин; г) махкум қилувчи хулқ-авторнинг кейинги типини ижтимоий мавкега зиён-захмат ет-казиш, деб аташ мумкин. Оддий бир мисол, ўсмир ўз ота-онасига қунгилсиз ташвиш келтириш мақсадида ўқиши ташлайди. Бу би-лан у ўзини ўзи тасдиқлашга уринида ва хрказо. Қайд этилган ҳолатларнинг барчасида ижтимоий дезадаптациянинг у ёки бу даражалари изохланади.

Холоса қилиб айтганда, ўсмир шахсини урганишга қаратилган барча ендашувларга, тамойилларга, йул-йуриқларга замон рухи орқали назар ташлаш талаб этилади. Бизни қизиқтираётган психик бузилишнинг бошланиши ва намоён бўлиш жараёни, уни ташкил қилувчи хусусиятлари ҳамда кечишининг асосий вариацияларини чухур таҳлил қилиш махкум қилувчи хулқ-автор ривожланишининг назарий "намунаси"ни тўзиш, сунгра шакллантирувчи тажриба мажмуасини яратиш, психокоррекцион рухий тузатиш ва тарбиявий таъсирлар тимизининг асоси бўлиб хисобланади.

Шундай қилиб, ўсмир ҳаётининг кечишида баъзан «кўз илгамас ўзгаришлар», баъзан эса фавқулоддаги «янгиликлар», «ёрқинликлар» умумий таъсирида унинг такдирини ўзгартирувчи маънавий тушкунликлар ҳам руй беради. Шулардан бири — ўсмирнинг ўз жонига қасд қилиши билан борлиқ хатти-ҳаракатидир. Сир эмаски, ўз жонига суиқасд қилиш жамиятга ҳамда оиласа маънавий ва моддий жихатдан жуда катта зарар келтиради. Чунки ўз жонига қасд қилган ўсмир: а) маълум муддат ўқишга (ишга) яроқсиз бўлиб колишлари; б) сурункали давом этувчи огрикдар сабаб турли асабий зурикишларнинг ортиши; в) ҳам жисмоний, ҳам рухий мажрухлик, ногиронлик; г) ўз жонига қасд қилишга уринишнинг янада кучайиши ҳолатларини бошидан кечирадилар. Ўз жонига қасд қилиш генезисида оиланинг, оила аъзолари, улар орасидаги шахслараро муносабатнинг ўрни бекиёс. Оиладаги НОСОГЛОМ психологик мухид шахс ривожланишида ижтимоий-психологик деформация омили сифатида юзага чиқади ва уни ўз жонига қасд қилишга «ундайди».

Ўз жонига қасд қилиш ва ўз жонига қасд қилишга уриниш муаммолари билан шугулланган бир катор олимлар М.Г. Давлетшин, Ф.Б.Шоумаров, С.А. Охунжонова, А.Г. Амбрумова, Л.И. Пуставаларнинг фикрича, ушбу ҳолат содир этилишидаги оилавий омиллар ўрнини қуидагилар билан изохлаш мумкин:

- илк болалик даврида оилада отанинг йўқлиги;
- оилада фарзандга она меҳрининг этишмаслиги;
- оилада ота-оналик нуфӯзининг етарли даражада эмаслиги;
- оилада матриархал услуг муносабатларнинг етакчилиги;
- оилавий муносабатларда ўз ўрнини топа билмаган катта ёшли оила аъзоларининг «ўзлигини» тасдиклаш максадидаги турли хил уринишлари: а) эмоционал «портлаш», б) болагажазо усулларини кўллаш, в) хатто, болага тан жарохати етказиш;
- ажрашган оилалар;
- оилада ёки оила шажарасида ўз жонига қасд қилган ёинки қасд қилишга уринган кимсанинг мавжудлиги ва хоказолар.

Шу билан бир каторда ўз жонига касд қилиш учун катта имконият яратувчи ижтимоий-психологик оила типлари қуидагиларга жаратилади:

**Ўзаро узвий боғлиқ бўлмаган оила типи** — оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари фаҳатгина расмий хусусиятга эга, улар бирор-бир оиласи мумкин ўзаро маслаҳатлашиб, ўзаро келишув асосида амалга оширмайди. Уларнинг муносабатларида хисситё боғлиқдир этишмайди. Оқибатда оила аъзоларидан бири доимо ўзини ёлғиз ҳис этади, унда оила аъзоларининг барчаси менга қарши деган фикрнинг устунлиги билан тавсифланади.

**Ўзаро муносабатлари ута жисплашган оила.** Бу оила типи юқорида қайд этилган типнинг бутунлай акси. Оила аъзолари бир-бirlарига ҳам қалбан, ҳам жисмонан жуда борлиқ бўладилар. Оила аъзоларидан бирининг муаммоси, унинг шахсий муаммоси эмас, бу умумоилавий муаммо тарзида қабул қилинади. Унинг ечимида барча оила аъзолари баробар иштирок этадилар. Улар бир-бириларисиз «хеч ким» ва «хеч нарсага қодир эмасдек». Шундай оила аъзоларидан бирининг «йукотилиши» бошқалар учун талофатхисобланади.

**Ўзаро қовушмаган оила типи.** Оила аъзоларнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари, мақсадларининг ўзаро мос келмаслиги, умумий хохиш-истакларнинг этишмаслиги, оилада умум қабул қилинган меъёр-ларнинг факат мажбурият юзасидангина бажарилиши, ушбу меъёрларга бўйсунмаган аъзонингдоимий тарздатазийк.остида ушланишга, ўзи хохламаган хулқ-атвор, одатларини бажаришига зурлик билан ундаш оқибатида хатарли вазиятни юзага келтириши билан изохланади.

Маълумки, танглик ҳолатида ўсмирнинг билиш жараёни ва хулқ-атворда турли «оғиши»лар учрайди:

- а) дикқат хажмининг торайиши;
- б) ахборотлар қабул килинишининг издан чиқиши;
- в) хотира билан боғлиқ функциялар қийинлашуви;
- г) фикрларини баён этишдаги ноаниклик;

- д) тафаккур фаолиятининг сусайиши;
- е) ўсмир шахсида ўзининг «Мен»ига нисбатан муносабатнинг ўзгариши;
- ё) ўз-хатти-ҳаракатига атрофлича танкидий карай билмаслик;
- ж) ўз хиссиётини акл, онг бошқарувида ушлай билмаслик, ўз жонига қасд килиш учун кулай фурсат ҳозирлайди.

**Мутаносиб оила типи.** Ташқи мұхит ўзгаришига мослаша олмаслик бундай оиланинг асосий хусусияти хисобланади. Мабодо оила аъзоларидан бири оиладан ташқаридаги қандайдир низоли вазиятнинг иштирокчиси сифатида муаммога дуч келса, оиланинг қолган аъзолари унга ёрдам кулини чўзиш ўрнига уни жазолайдилар, яъни ундан узоқлашадилар, гоҳо «душман» томон фикрларини уринли эканлигини таъкидлаб, уни «махкум» этадилар. Бу ҳолатни қабул қила олмаган жабрланувчининг эса гуё ўз жонига қасд қилишдан бошқа иши қолмайди. Таъкидлаш жоизки, ҳозир ҳам ўз жонига қасд қилиш хавфи сакланиб қолган. Бундай инсонлар психологлар, юристлар, педагоглар, тиббиёт ходимлари ёрдамига мухтождирлар.

**Мисол. Мижоз Е. қиз бола 13 ёш.** Ўз жонига қасд қилиш мақсадида, ўзи яшайдиган кўп каватли ўйининг З каватидаги хонаси деразасидан ўзини ташлаган. У булимда ўзининг интизомсизлиги, кайфиятинингтез-тез ўзгариб туриши, катталар билан муносабатда кескинлик, кичикларни менсимай, «какшатиши» каби хатти-ҳаракатлари билан ажралиб туради. Психологик тадқиқотлар натижасига кўра: ўзаро муносабатлар доирасидаги номута-носиблиқ, аффектив реакциянинг ўзгарувчанлиги унда аччикланишнинг устунлиги, кайфиятининг кайгули ғамгинлиги кузатилди. У оиласвий ахволи-инг оғирлиги, ёмонлигидан, хиссий кечинмаларини хеч ким билан ўртоқлаша олмаслигидан шикоят килди. Унинг фикрича: «онасининг тили заҳар, уни бесабаб жазолайди», «ўгай отасидан жуда кўрқади, чунки у шафқатсиз»,... «уриш жанжал вақтида ўз онамни уриб юборгим келади, баъзан у менинг онамлигини ҳам унитиб қўяман», «ўзимни йўқотиб қўяман, менга тазийик утказишларини ёқтирумайман», «мен кўпроқ каратэ,

самбога қизиқаман, умуман «ур-сур»ларга тула фильмларни кўраман» ПДС (патохарактерологик сурвнома) натижалариға кўра, суст муросасозлик (турмушдаги ходисаларга мослашишни хохламаслик), эмансипация реакциясининг, яъни ҳар қандай угитлардан, хомийликлардан, назоратлардан холи бўлишга интилишининг ёркин ифодаланиши, доимий низоли вазиятларда устунликка эришиш уруниши мавжудлиги аникланди.

Индивидуал хусусиятларида: газабкорлик, ўзининг муваффакиятсизликларида кимнидир айбдор деб билса, албатта ундан уч олиш хиссининг юқорилигини тан олиб, «мени хаттоқи майда-чуйда танбех. ва инкорлар ҳам ранжитади, кутара олмайман» дея жавоб кайтарди.

Тадқиқотлардаги шахсий хавотирланиш ва реакция кўрсатиш шкаласи бўйича сует реактив хавотирлик ва юқори шахсий хавотир, яъни доимий ва барқарорлиги билан ажralиб турувчи шахсий хавотирга асосланган вазиятни «таҳдид», деб идрок қилиш ҳолати аникланди.

**Психолог хулосаси.** Касалнинг турмуш тарзи агрессив ҳимоя хулқи шаклланишига олиб келган. Унда катъий эътиroz реакциясининг устунлик қилишига кўра, эпилептик ва истерик характер хислатлари бор деб хулоса чиқаришга имкон беради. Унда интеллект сакланган. Оила ва мактабдаги вазиятларнинг таҳлилига кўра, бир-бирини хақоратлашгача усиб утувчи низоли муносабатлар, ўқишига лаёкатлилик мавжуд бўлсада, лекин унга нисбатан қизиқишининг йуклиги, жамоат ишларидаги фаолсизлик, қўполлик, дўст орттиришга интилиш ўрнига ёлғизликни хуш куришлик аниқланди. Шу маълумотларга асосланиб, унга эпилептик психопатия диагнозини кўйиш мумкин.

## **2.2. Ўсмирлардаги психопатик бузилишларни ўрганиш ва олдини олишининг ўзига хос хусусиятлари**

### **I. Клиник-бузулишлар.**

#### **1. Ўткир аффектив реакциялар.**

2. Патохарактерологик реакциялар.
3. Ўсмир шахси шакланишидаги психоген патология:
  - а) ўсмир шахсининг патохарактерологик шакланиши;
  - б) жисмоний дефект (нүқсон) ва сурункали касаллик оқибатида ногиронликка олиб келувчи касаллик типлари сабаби туфайли шахсда патологик ҳолатларнинг шакланиши.
4. Психопатия:
  - а) конституционал;
  - б) органик.
5. Эзоген-органик (турли шикастлар, тутқаноқ, нейроинфекциялар ва бошқалар) генезисга асосланган психопатия кўринишидаги бузилишлар.
6. Психотик генезисга асосланган психопатия кўринишидаги бузилишлар (шизофрения, маниакал-депрессив синдром, эндореактив психоз):
  - а) психопатия кўринишидаги эндоген психозлар дебюти;
  - б) психопатия кўринишидаги сует кечувчи шизофрения;
  - в) аффектив психозлардаги психопат кўринишнинг эквивалентлари (депрессиянинг делинквент эквивалентлари, гипоманиакал ҳолатлар);
  - г) эндоген психозларда психопатия кўринишидаги ремиссия типи;
  - д) психопат резидуал ҳолатларнинг психопатия кўринишидаги типлари.

## ***II. Синдромал ҳолат***

1. Аффектив кўзғалувчанлик синдроми.
2. Гипердинамик синдром.
3. Демонстратив хулқ-атвор синдроми.
4. Суицидал хулқ-атвор синдроми.
5. Токсикоман ва алкоголь хулқ-атвор синдроми.
7. Жинсий девиацияни уйғотиши синдроми.
8. Ўта қимматли қизиқишлиар ва майллар синдроми.
9. Психик инфантилизм синдроми.
10. Депрессиянинг эквиваленти синдроми.
11. Гипоманиакал ҳолатнинг эквиваленти синдроми.

12. Дисморфофобик ва дисморфоман синдромлар.
13. Ортиб борувчи шизоид синдроми.
14. Метафизик интоксикация синдроми.
15. Эпилептоид синдроми.

### ***III. Психопатик бузилишлар***

1. Психопатик.
2. Нопсихопатик.

### ***IV. Патохарактерологик***

1. Гиперти.
2. Циклоид.
3. Лабил.
4. Астено-невротик.
5. Сензетив.
6. Психоастеник.
7. Шизоид.
8. Эпилептоид.
9. Истероид.
10. Бекарор.

### ***V. Психопат бузилишлар динамикасининг намаён бўлиши***

1. Транзитор бузилишлар.
  2. Бошланғич кўринишлар.
  3. Структуралаштириш.
  4. Шаклланишнингтўхташи.
03. Адаптив утказиш (трансформация)
02. Силлиқланиш (депсихотизация жараён сифатида)
01. Қисман ёки тулиқ депсихопатизация (хотима сифатида) .
0. Амалий соғайиш.

### ***VI. Ижтимоий адаптация қирраси***

0. Барқарор адаптация.
1. Парциал адаптация.
2. Бекарор адаптация.
3. Дезадаптация

Ўйлаймизки, ўсмирлар муаммоси билан шуғулланувчилар учун уларнинг тарбиясидаги «қийин»лик омилларини доимий

тарзда қайд қилиб бориш улар билан амалга ошириладиган амалий фаолиятни енгиллаштиради.

Ўсмирлик даврига хос бузилишларнинг динамикасини аниклаш эса турли масалаларни ечиш, жумладан, эксперт хулосасини тўзиш, улар билан олиб бориладиган реабилитацион чора-тадбирларнинг индивидуал режасини тўзишга имкон беради. Қайд этилган классификациядан амалиётда фойдаланилганда, ҳар бир мижозга мос келувчи асосий таснифларни назарга олиб, диагноз қўйиш керак.

### ***2.3. Хулқи оғишган болаларнинг ўзига хослиги***

Айрим тадқикотчилар болалар ва Ўсмирларга хулқи оғишнинг келиб чиқишида ижтимоий муҳит, оилавий муносабатлар ва тенгдошлиар гурухининг таъсири каттадир деб таъкидлайдилар. Жумладан В.В.Ковалев ўсмирлар хулқи ўзгариши психоген вазиятнинг ситуацион таъсирланишларини келтириб чиқариши ва бундай вазиятларнинг хулқ оғишининг келиб чиқишига таъсири ҳақида гапириб, хулқ ўзгаришини келтириб чиқарувчи психологик, патологик реакциялар ҳақида алоҳида тўхталади. У психологик ситуацион таъсирланишларни характерологик таъсирланишлар ўсмирлар хулқ-атвори ва характеридаги ўзгаришларни келтириб чиқаришлари мумкин деб уқтиради. Бундай таъсирланишлар асосан оила, мактаб ёки турли хил уюшган гуруҳлар таъсири туфайли вужудга келиб, маълум шахсга йўналтирилган бўлади.

Ўсмирлар ва ўспириналар хулқи оғишига бағишиланган тадқиқотларда кўрсатилишича ижтимоий мослашишнинг издан чиқиши асосий сабаб сифатида кўрсатилиб ўтилади. Жумладан ўсмир хулқи бузилиши механизмининг ривожланишида адаптация (мослашиш) ва дезадаптация (мослашишнинг издан чиқиши)нинг ўрни катта эканлигини таъкидлайди. Муаллифнинг фикрича бир-бирига қарама-қарши бўлган бу икки тушунча инсон организмининг ички мезанизми билан ташқи муҳит ўртасидаги

ўзоро мураккаб боғланишни таъминлашда хизмат қиласи. Ижтимоий-психологик мослашишнинг издан чиқиши дейилганда.

Организм ва ташқи мұхит ўртасидаги мураккаб боғланишнинг издан чиқишига айтилади. Шунингдек, хулқи оғишнинг келиб чиқиши ҳақида ғарбда социогенитик назария деб номланган, ўзимизда эса «насли бузук» деб таърифланадиган таълимотнинг хато эканлигини алоҳида күрсатиб ўтиш керак.

Хулқи оғиш хусусиятларини ўрганишга бағишенланган манбаалар таҳлилидан маълум бўлишича хулқи оғиш бир қанча турларга бўлинади.

Жумладан В.В.Ковалевнинг фикрича хулқи оғишнинг тўрт хил кўриниши мавжуд:

1. Мавжуд тартиб, талаб ва қоидаларга бўйсинмаслик кўринишидаги оғма хулқ.
2. Ижтимоий мұхитга, жамият нормалариға нисбатан норозилигини намоён қилиш мақсадидаги оғма хулқ.
3. Мавжуд хуқуқий нормаларга, қонун қоидаларга бўйсинмаслик замирида юзага келадиган оғма хулқ.
4. Шахснинг ситуациян вазиятда ўзини бошқара олмай қолишлиқ ва ўзига шикаст етказишга йўналтирилган оғма хулқ.

#### *2.4. Агрессив хулқли бола билан олиб бориладиган психокоррекцион ишлар қўлами ва имкониятлари*

Агрессив хулқни «ёмон» билан бир хил ҳисоблаш мумкин эмас. Оғир, хавфли вазият пайдо бўлганида агрессивлик ҳимоя, баъзида эса вазиятни бартараф этувчи функцияни бажаради. Агрессивхулқ айниқса болада ёшга хос бўлган ўтиш даврида кузатилади. Бу шундан далолат берадики, ёш даврлари қоизиси пайтида боланинг яшаси қийинлашади, ҳар қандай мураккаб вазиятда бола қийинчиликни ҳис қиласи вашу сабабли агрессив хулқнинг элементлари кузатиш мумкин. Бу нормадаги болага ҳам, агрессив хулқли болага ҳам бирдек тегишли. Аффектив бузилиш бўлганида агрессия одатий ҳодисага айланади, ҳатто хулқ-

атворнинг бирдан бир шакли бўлиб қолади. Бироқ бунга қарамасдан, бола хулқида агрессивликнинг бор бўлиши улар билан ўзоро муносабатда қийинчилик туғдиради. Агрессив тенденцияларни тасодифий салбий ҳолат деб баҳолаб бўлмайди.

Шуни эсда тутиш керакки, аффектив тараққиёт жараёнида бола активлиги қонуний равишда ошиши мумкин. Одатда, катталар ёрдамида ўтказилган психокоррекциянинг бу зарурий босқичида бола ўзини қуршаган реаллик билан нисбатан адекват турдаги мулоқотни ўзлаштириши мумкин.

Бола агрессиясини коррекция қилишни унинг сабабини аниқлашдан бошлаш лозим. Агар агрессия эмоционал мотивацион сферанинг бузилиш сабабли бўлмаса коррекцион фаолиятни уни йўқотишга эмас, балки салбий оқибатларга олиб келувчи агрессив хулқни юмшатиш ва унинг намоён бўлишига йўл қўймасликка қаратиш лозим. Шу билан бирга катталарни унинг агрессив реакциясига адекват идрок қилишга тайёрлаш лозим.

Бошқа ҳолатда, яъни агрессия эмоционал мотивацион сферанинг бузилишини намоён бўлиши бўлса, психолог ёки тарбиячи ҳаракати боланинг мустаҳкамланмаган агрессив ҳаракатига йўналтирилиши лозим.

Коррекцион методиканинг қўлланиши тўлиқлигича агрессив хулқнинг сабабига боғлиқ бўлади. Коррекция методи конқоет ҳодиса ва конқоет болани ҳисобга олган ҳолда танланади. Бу қўйида шарҳланган коррекция методларини диққат билан кўриб чиқиши тақозо этади.

1.Агрессияга мойилликни эътиборга олмай қўйиш, унга атрофдагиларнинг диққат қаратмаслиги..

2.Агрессив ҳаракатларни ўйин мазмунига киритиш ва унга янги эмоционал мазмун бериш. Бу орқали боланинг атрофдагиларга зарар етказмаган ҳолда агрессив мойиллигини чиқариб юбориш (масалан, қароқчи ва казаклар ўйинида агрессив хулқли болага қароқчи ролини бериш).

## Одамовилик ва унинг коррекцияси.

Одамовилик – оғиши бўлиб, мулоқот доирасининг торайиши, атрофдагилар билан эмоционал муносабатда бўлиш имкониятиниң камайиши, янги ижтимоий муносабатларни ўрнатишда ёш даврларига хос бўлган қийинчиликлар билан намоён бўлади.

Бу оғишининг сабаби қуйидагилар бўлиши мумкин: Узок давом этган стресс (масалан ота-онанинг ажрашиши), эмоционал мулоқотниң етишмаслиги ( масалан, узок вақт касалхонада бўлиш, ёки баъзан боланинг ота-она учун кутилмаган ёки исталмаганлиги, ота-онанинг болага меҳр кўрсатмаслиги), эмоционал сферанинг ўзига хос индивидуал паталогик хусусияти (психик жараёнларнинг сустлиги ва ҳ.к).

Одамовилик боланинг муносабат ўрнатиши ва унинг давом эттириш имкониятини камайтиради, тез-тез ота-онаси ва тенгдошларига, одамларга салбий муносабат чақиради. Бу боланинг ахволини янада чуқурлаштириб, оғирлаштириб юборади. Одамови бола ёлғизлика яшашга ўрганиб қолади ва бу унинг шахс сифатида шаклланишига тўсқинлик қиласи. Мулоқотга эҳтиёжни эмоционал контакт босади, одамовилик болани ижтимоий таъсирлардан ҳимоя қиласи. Агар бола жуда таъсирчан бўлса одамовилик унинг психикасини зўриқишдан ҳимоялайди.

Одамови бола қовоғи солинган, норози бўлиб қўринади. Шу сабабли ота-она «Биз унга барча шароитни яратиб берганмиз, у яна нимадан норози» деб хафа бўлишади. Бу ҳолатда ота-онанинг «миннатдорликка муносибликни» даъво қилишлари боланинг ахволини баттар оғирлаштириб юбориши мумкин. Бола бу нарсани ўзининг оламига бостириб кириш деб баҳолайди. Боланинг «Нимага мен билан гаплашмайсиз, нимага менинг кўзимга қарамайсиз» каби саволлари улар билан муносабат ўрнатишга тўсқинлик қиласи. Одамовилик уятчанликдан сифат даражаси билан фарқ қилганидек аутизмдан ҳам фарқланади. Уятчанлик ижтимоий мулоқотга киришишнинг яхши шаклланмаганлиги натижаси. Шу сабабли унинг коррекцияси бола таълимига мулоқот малакасини қўшиш, ўзгалар харакатини таҳлил қилиш ва

ўзлаштиришни эплай олиш холос. Одамовилик учун бунга ўхшаш ҳаракат коррекцион ишнинг якуний босқичи холос. Баъзида ижтимоий компесеторнистликнинг ошиши параллел ҳолатда коррекциянинг бошқа турини ўтказишни талаб қиласи (тугалловчи босқичда лекин бу ҳеч қачон асосий коррекцион ҳаракатдан илгарила б кетмаслиги керак.

### *Одамови бола билан коррекцион иш*

Одамови бола билан коррекцион ишнинг моҳияти болани атрофдагилар билан эмоционал муносабат ўрнатишига ёрдам беришдан иборат. Бунинг учун ота-оналарнинг биттаси бола билан эмоционал алоқа ўрнатишида

Одамови бола биттагина ойнаси очик қолган хонага ўхшайди (масалан, ота-оналарнинг биттаси билан муносабат). Коррекцияда бу имкониятдан фойдаланиши керек, аммо унитмаслик керакки, агар у ижтимоий самара бермаса ҳам муносабат ўрнатишнинг охирги йўли ёпилишига йўл қўймаслик психологнинг бурчи.

Коррекциянинг бу қоидалари одамови бола билан ишлашнинг асосий йўналишларини беради:

1. Бузилишга олиб келган сабабларини бартараф этиш.
2. Боланинг мулоқотга бўлган эҳтиёжини, катталар ва тенгдошлар билан муносабатини тиклаш ёки қайта қуриш.
3. Боланинг оила ва тенгдошлар груҳи билан муносабатларини тартибга солиш (нафақат болани бошқаодамларга «ўғириш», балки бола улар ўйлаганидек, ёмон ёки ёвуз эмаслигини кўрсатиш).
4. Боланинг мулоқот малакаси таълими ва алоқа ўрнатиш.

Бола таъсирчанлигининг юқорилиги сабабли коррекция жуда қийин кечади, шу сабабли у секин-аста олиб борилиши керак.

Одамови бола билан қуидаги психоташхис

ишлар олиб борилиши мумкин:

1. Биринчи учрашувда психолог болага тўғридан-тўғри савол беришдан (Сенинг отинг нима? каби), болага кўз ташлаб қўйишдан, унинг «ўйчанлигини» аниқлаш учун «ёпишиб» олишдан, кучли сезги уйғотишдан қочиш керак. Бола билан муносабат ўрнатишнинг бошланишида босим ўтказмаслик лозим.

Муносабатда салбий тажрибага эга бўлган бола уни яна ўзи учун ёқимсиз бўлган вазиятга тортаётгандарини тушинмаслиги лозим.

2. Психолог қилаётган ҳаракат боланинг ўзи қилаётган ҳаракат рамкасидан чиқмаслиги лозим. Унга ўзининг ўйинини таклиф қилиш эмас, балки бола нима қилаётгандигини кузатиб, у билан бирга шуғулланиши лозим.

### ***Қўрқув предмети билан ўйин***

Бу метод шахс тараққиёти билан боғлиқ эмоционал бузилиш коррекциясида маҳсус методлардан бири ҳисобланади. Ўйинда қўрқувни енгиб ўтиш нафақат шахс муносабатини ўзгартиради, балки қўрқувдан қолган ҳиссиётларни чиқариб юболади. Ўйин учун бола қўрқадиган нарсага ўхшаш ўйиноқни топиш керак.

#### ***Эмоционал таъсир ўтказиши***

Ота-оналарнинг қилган насиҳатлари кўп ҳолларда ҳеч қанақа ёрдам бермайди, аммо катталарнинг қўрқув обьектига бўлган муносабати болага таъсир қиласди. Қўрқув эмоционал ўтказиши механизми ёрдамида катталар муносабати орқали ўтказилади. Баъзан катта одам тасодифан болага қанақадир қўрқувни ёқтириши мумкин (масалан, бола итга яқин турганида қичқириб юбориш). Шу механизм ёрдамида ўтказилган қўрқув орқага қайтарилиши мумкин. Камроқ қўрқитувчи обьектга қисқа жумла билан таъкидлаб, таъсирли имо-ишора билан қўрқувни олиб ташлаш мумкин. Масалан, бола қўнғиздан қўрқса: «Кет қўнғиз, халақит берма, биз жуда бандмиз», ёки водаправод трубаси гувилласа: «Гувиллашни бас қил, бу беҳуда». Бунда фикр муҳим эмас, балки интонация, шу сўзнинг айтилиши болага ишонч ва хотиржамликни юқтириши керак.

**Боланинг умумий эмоционал ҳиссиётларининг даражасини  
ошириш**

Агар бола доимий равища эзилган, салбий эмоцияларни ҳис қилаётган бўлса, болани ижобий эмоцияларни ҳис қилишга ўргатиш асосий вазифа ҳисобланади. Бунга ҳар хил ўйин методлари билан эришиш мумкин. Агар бола ўйин фаолиятининг тараққиётидан ортда қолган бўлса, қолоқ бўлса, тенгдошлари каби

ўйнай олмаса, бола билан унинг имкони етгунча ўйнаш керак. У билан бир ўйинни ўтказиш, айни дақиқада боланинг эмоционал тонусини ошириш, у билан эртанги кунги ўйин ҳақида келишиб олиш керак.

Кутиш ўтказилган ўйиндан ижобий самара олишга ёрдам беради ва ҳатто уни кучайтиради. Кутишда боланинг одатдаги ҳолатидан эмоционал тони юқори бўлади. Ҳар бир янги ўйин, сайр ва шу кабилар самарадорликка эришишни мустаҳкамлайди. Ўйинни кенгайтириш, унга янги элементларни қўшиш болада ижобий эмоция вужудга келтиради. Бу метод фақатгина қўрқувнинг коррекциясига тегишли эмас, уни деярли барча бола шахсининг эмоционал мотивацион сфераси бузилишида қўллаш мумкин.

Бола умумий кечинмалари даражасини ўйин методи ёрдамида оширишнинг яна бир вазифаси коррекция олиб бораётган психологиянинг болани ишончини қозониши талаб қилинади. Чунки ишонч коррекциянинг самарадорлиги эҳтимолини кучайтиради. Ишончни ҳис қилиш бола психикасига яхши таъсир қиласи.

### **Тақлид қилиш ва юқтириш**

Бола нафақат катталарнинг хатти-ҳаракатларига тақлид қиласи, балки уларнинг баҳо беришларини юқтиради ҳам. Агар катта одам овозида қўрқув билан бирор нарса ҳақида гапирса бу эмоционал ҳолат болага ҳам ўтади ва у ҳам бирор нарсадан қўрқиши бошлайди. Шу сабабли боланинг атрофидан ҳаяжонли, асабий кишиларни узоклаштириш керак, ёки улар ўзларининг психик ҳолати билан шуғулланиши лозим. Уйда катта одам бемор бўлганида болани даволаш бефойда бўлгани каби бола атрофига эмоционал бекарор одам бўлганида болага ёрдам бериш самарасиз.

### ***2.5. Ўсмирлик давридаги аффектив жабха бузилишилари***

Ўсмир шахсининг ҳар томонлама етук шаклланиши, унинг қизиқишилари ижгимоийлашуви (социализация), эҳтиёжлар тизими, меҳнат установкаларига боғлиқиатларни тўғри тарбиялаш керак. Ўсмирлик давридаги мактабдан безиш (дезадаптация) га сабаб

булувчи аффектив рухий хаяжон, кучли эхтирос, жушкин ва нисбатан киска муддатли эмоционал кечинмалар тарикасида руй берадиган психик ҳолат жабхаларини урганиш лозим. Айникса, ушбу ходисанинг тўзиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини урганиш ўсмирлар билан амалга ошириладиган профилактик ва коррекцион ишларнинг самарадорлигини белгилайди. Тадқиқотчилар изланишларининг кўрсатишича, ўсмирлар хулқ-авторидаги ўзгаришлар этиологияси улардаги асаб тизимидағи (хусусият ва унинг ифодаланиш даражасига кўра) нотуқислик, жинсий етилишдаги асинхрон (бир-бирига боғлиқжараёнлар ривожланишининг ўзаро номуносиблиги) ҳолат, қеребрал-эндо-қоин тизимидағи дисгармония биологик шартланган ўсмирлик даври қоизислари учун асос яратишни кўрсатади. Тўғри, психологлар, педагоглар, социологлар, криминалист-лар ўсмир хулх-авторидаги ўзгаришларда турли хил ижтимоий омиллар ўрни борлигини тасдиқдовчи кўплаб тадқидотлар олиб борганлар.

Лекин ўсмирлик давридаги аффектив бузилишларнинг биологик асослари:

а) хулқ-авторнинг бузилиши ва унинг типла-ри; б) уларнинг ифодаланиш жараёнлари; в) шу бузилишларда ижтимоий ҳамда биологик омиллар ўзаро боғлиқлигининг ўзига хос жихатлари ва бошқдлар нисбатан кам урганилган. Зоро, аффектив-иродавий жабха декомпенсациясида биологик ва жинсий етилиш дисгармониясининг ўрни бекиёс. Ўз вақтида Л.С. Виготский (1983) тарбияси «кхайнлик» муаммолини тадқ.ик, қилишда етилишнинг физиологик ҳолатига алохида аҳамият бериш лозимлигини таъкидлаган эди. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш мақсадга мувофиқ

1. Ўсмирнинг мактабга мослаша олишлигига халакит берувчи асосий хулқ-автор бузилишларини клиник-психологик тавсифини яратиш.
2. Хулқ-автор бузилишларининг патологик ва нопатологик шаклларининг дифференциясини амалга ошириш.

3. Хулқ-атвор бузилишларининг биологик омиллар билан боғлик, (мия нотекислиги, дисгармония) лигини аниқлаш.
4. Миқоомухит омил (тарбия шароитлари ва муҳит) ларининг алокадорлигини урганиш.

Ўсмирлик даври хусусиятларини Д. Б. Эльконин (1960, 1974), Л.И. Божович (1968), А.В. Мудрик (1971), ВА Сухомлинский (1978,1980), Е.А. Шумилина (1979), И.А. Невский (11 а,б, 1982), Л.С. Виготский (1983, 1984) ва хулқ-атвор реакциялари билан шугул-ланган олимлар Мюъеап Ь. (1964), В.В. Ковалев (1969, 1979), А.Е. Личко (1983) ўсмирлик даврига хос бўлган муайян умумий си-фатлар - психологик хусусиятлар, хулқ-атвор моделлари, яъни ўсмир хулқ-авторининг, ижтимоий муҳитнинг, айникса як.инла-рининг ўзаро таъсирига нисбатан хулқ-атвор реакцияси ҳам муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди. Гар. Ўсмирлик хулқ-авторининг ўзига хос реакцияларига қуидагилар тааллуқдидир.

**Эмансиپация реакцияси.** Бу ўсмирнинг катталар карамогадан, назоратидан ва ХОМИЁЛИГИ-дан озоддикка интилиш учун х.аракат қилишида намоён бўлади. Реакция катталар томонидан белгаланган тартиб, коида, конун ва умуман жорий қилинган «стандарт» ва «қадрият»га қарши йуналтирилади. «Озод бўлиш» эҳтиёжи мустақил ҳаётга интилиш билан боғлиқ бўлиб, бу реакция ўғил болаларда кҳзларга нисбатан кучлироқ, ифода-ланади. Ушбу реакция ўсмирликнинг кичик ва ўрта боскҳичларида ижтимоий-психологак омиллар таъсирида кенфоқ тарҳалади. Психопатия шароитларида эмансиپация реакцияси ашаддий кўринишга эга бўлиб, ўсмирнинг уйидан кочиб кетишида руёбга чиқади.

**Тенгқурлари билан гурухлашии реакцияси.** Ўсмирлар учун ўз тенгқурлари билан гурухларга бирлашиш ва жипслашиш каби реакция инстинктлик даражаси хос жараёндир. Одатда иккитурдаги Ўсмирлар гурухини ажратиб кўрсатиш мумкин. **Биринчиси,** бир жинсга асосланган бўлиб, унда доимий лидер мавжуд ва гурухни барча аъзоларининг вазифалари, уларнинг гурухдаги Ўрни

катъий белгилаб қуйилгандир. Бундай турдаги гуруҳда «лидер адъютанти», «антилидер», «иккиюзламачи» каби роллар мавжуд бўлиб, улардан биринчиси одатда етарли интеллектуал қобилиятга эга эмас, лекин жисмонан кучли ўсмир бажаради. **Иккинчиси**, лидер ўрнини эгаллашга ҳаракат қиласиган, **учинчисини** эса у томонга ҳам, бу томонга ҳам утиб юрадиган ўсмир амалга оширади. Бундай гуруҳнинг «ўз худуди» мавжуд бўлиб, унга «бегоналар» яқинлаштирилмайди. Гуруҳнинг таркиби барқарор бўлганлиги туфайли янги аъзоларни қабул қилиш факатгина муайян «синовлар» асосида амалга оширилади.

Иккинчи турдаги гурух эса ролларни катъий таксим этилмагани ва унда доимий лидернинг йукдиги билан изохланади. Лидер функцияларини одатда гуруҳнинг турли аъзолари амалга ошириши, вазифани эса мақсадга мувофик бажариши мумкин. Гурух аъзолари икки жинс вакилларидан ташкил топганда унинг таркиби барқарор бўлмайди, чунки бири кетади, иккинчиси эса келиб кушилади.

**Қизиқиши - хобби реакцияси.** Ўсмирлик даври учун қизиқиши - хобби ўзига хос хусусиятни мужассамлаштиради. Худди бола учун ўйин зарур хусусиятга эга бўлганидек, Ўсмирнинг шахс сифатида шаклланиши учун қизиқиши ҳам шундай муҳим аҳамият касб этади. Бахтга қарши, замона-вий психологик адабиётларда ушбу муаммо чуқур татбик этилма-ган. Қизиқиш психологик хрдисаларнинг алохидаги категориясини ташкил этиб, у бир томондан майл, бошқа томондан иштиёқ ва хаваснинг Ўртасида жойлашади. Қизиқишлиарни муайян тизимга жойлаштириш жуда мураккабдир.

Бизнингча ҳам қуйидаги таснифни шартли равишда қабул қилиш мумкин.

1. Интеллектуал-эстетик қизиқишлиар предметга (муsicд тасвирий санъат, радиотехника, адабиёт ва х..к.) нисбатан чуқур қизиқишида ифодаланади. Шунингдек, кашфиёт, лойихалашлар ҳам шуларга тааллуклидир. Атрофдагилар учун бундай қизиқишлиар аҳамиятсиз,

хатто ғалати туйўлиши мумкин, лекин ўсмир учун уларнинг аҳамияти бекиёсдир.

2. Жисмоний камолотга қизиқишларга ўз кучи, чидамлилиги, чакдонлиги ва мохирлигини оширишга нисбатан ҳаракатлар киради. Бунга шунингдек, турли жисмоний қизиқишлар, автомобиль ёки мотоциклни бошқаришга қизиқишлар тааллуклидир.

3. Лидерликка қизиқиш бошқаларга раҳбарлик қилишга интилиш учун хизмат этадиган ходиса ва ҳолатларни излашда намоён бўлади. Бундай қизиқиш кучли мужассамлашган ҳисмрлар турлича гурух манфаатларига эришиш учун тўғри йуналтирилган шароитларда ижтимоий фойдали фаолият кўрсатишлари мумкин.

4. Йиғишига қизиқиш: турли хилдаги коллекцияларни йиғишида намоён бўлади. Ҳар бир коллекция муайян моддий аҳамиятга эга бўлиншни хис қилиш туфайли ушбу қизиқишнинг асосини моддий фаровонликка эришишга йуналтирилган ҳаракат ташкил этади.

5. Эгоцентрик қизиқишлар. Атрофдагиларнинг дикҳат марказида бўлишга туртки хисобланади. Бу ерда энг муҳими - бадиий хаваскорлик ёки спорт мусобакаларида қатнашиш ёки охирги мода бу тушунча кийим воситасида ҳизигини намоён қилишдир.

6. Жўшқин қизиқиш. Доимо жўшқинликнинг ўзига хослигига асосланади ва карта ўйини, кимор ва гаровга интилишда намоёнбўлади. Бундай ютук албатта жозибадор бўлса ҳам, лекин қалтис таваккал қилиш хис-туйғуси муайян лаззат баҳш этади.

7. Информацион коммуникатив қизиқиш янги енгил ахборотларни эгаллашга интилишда учрайди. Ушбу хобби тасодифан учраб қолган сухбатдош билан бўлиб утадиган кўп соатлик, қуруқ гапга асосланган сухбатда акс этади. Шунингдек, саргузашт детектив фильмларни кўриш орқали ҳам вужудга келиши мумкин.

#### **4.«Салбий имитация» (тақлид) реакцияси.**

Бу мустақиллик учун курашишнинг бир кўриниши сифатида эмансиپация реакцияси шаклланишининг давомидир. Оилааъзоларининг номақбул хатти-ҳаракатларига нисбатан карама-карши муносабат тарзидаги хулқ-атвор ифодаланиши;

**5. Жинсий майл шакланишининг шартланганлик (сабабий) реакцияси** — ононизм, эрта жинсий турмуш, жинсий муаммоларга қизиқишининг барвакт уйғонишидир. Кичик ўсмирлик ёшида хулк-автор реакциялариға лаёқат сақланади. Масалан:

1. Инкор қилиш реакцияси - бу ўқиши, оддийгина уй юмушлари билан тукнашувдаги кочиш бўлиб, унинг сабаби оиладан узоқлашиш, мактабни алмаштиришда ўз ифодасини топади. Бундай реакцияни вужудга келиш асоси — психик ноетуклик, асабийлашиш ва ўзини тухтата олмаслик;
2. Қаршилик, эътиroz реакцияси. Қуйиладиган талабларга ўз хулк-авторининг қарши қўйилиши бўлиб, булар: намойишкорона мағрурлик, сайд қилиш, қочиш, ўғирлик каби ҳаракатлар орқали ифодаланади;
3. Тақлид реакцияси. Ўсмир ўз яқинларининг, катталарнинг юриштуриши, гапириши, ўзини тутишига тақлид қиласилади. Айникса, ўз идеаллариға. Улар театр, кинофильм қахрамонларининг ижрочилари (актёрлар) бўлиши мумкин. Тақлид асосан аксил-ижтимоий муҳитга тушиб қолган, камолотга эришмаган ўсмир томонидан амалга оширилади.
4. Компенсация реакцияси. Ўсмир томонидан бирон соҳадаги ўқувсизлигини (камчилигини) бошқа соҳадаги муваффақият билан хаспўшлиши, масалан нимжон, жуссаси кичик ўсмирнинг «ўзи»ни бирор фанда ёки фаолиятнинг бирон турида муваффақиятга эришиши;
5. Гиперкомпенсация реакцияси. Бу ўсмирнинг ўз имкониятларидан ортиқча хатти-ҳаракатларидир. Ушбу орттирма реакцияни турли терминлар билан ифодаланишига қўра фарқлашади. Француз психиатри А. Рочо (1952) буни «орттирма реакция» деб номлайди. Бундай ўсмирлар ўзларининг «буш» соҳаларида муваффақиятга эришиш учун фаол ҳаракат қиласилади. Масалан, нуткида нуқсони (дудук) бўлган ўсмир барча имкониятларини ишга солиб, бадиий ўқиши билан турли чиқишиларда қатнашади ва бунинг уддасидан чиқади. Ута таъсирчан ўғил болалар бокс, самбо, каратэ, эркин

кураш каби машаккатли спорт турлари билан қизлар эса жамоат ишларида фаоллик (жонбозлик) күрсатишга интиладилар.

В.В. Ковалев (1979) буни «бўрттириш реакцияси» термини билан ифодалайди ва унга қуидагича таъриф беради. Агар бушанг, нимжон, заиф ўсмир зўр хикоя айтиб берса ва ўртоқлари олқишига сазовор бўлса - бу компенсация реакцияси хисобланади. Агар у сўзлаб беришда хаддан ортиқ, хаёлотга берилса, у холда — гиперкомпенсация реакциясидир. Лекин барча хулқ-автор реакциялари ёшга хос меъёрий, ҳамда патологик кўринишга эга бўлиши мумкин. Характерологик реакция ўсмир характеридаги тасодифий шартланган уткинчи ўзгаришлари бўлиб, маълум бир микромухитда (оила, мактаб, куча гурӯҳи ва ҳрказолар) вужудга келади, аниқ бир шахсга йунал-тирилган, соматовегетатив бузилишларсиз ва ижтимоий адаптация ўзгаришларисиз юз беради.

Патохарактерологик реакциялар эса турли соматовегетатив бузилишлар, ижтимоий адаптация ўзгаришлари (баъзан муваккат хусусиятга эга) хулқ-автор оғишларининг стереотип ҳайтарилиши ва миқоомуҳит билан аник, боғлиқланишларга эга бўлмайди (В. В. Ковалев 1979) .

Шундай қилиб, юқорида таъкидлаб ўтилган ўсмир реакциялари муайян шароитларда вужудга келиб, улар ўсмирлик даврининг кечишида ўзининг маълум бир «хиссаси»ни қўшади.

### **Таяч иборалар:**

Хулқи оғир ўсмирлар, аҳлоқан тубанлашув, адаптация, дезадаптация , суицид, ўз жонига қасд қилиши, ўсмирлик даври тақлидчанлиги.

### **Назорат саволлари**

- 1) Қандай тарбия усулларини биласиз? Изоҳланг.
- 2) Болалар темпераменти ва характеридаги нормал сифатлар ҳақида гапиринг?

- 3) Нима учун тарбияси «қийин»ликни - ўзини ўзи маҳкум қилувчи хулқ детерминанти деб аташади?
- 4) Ўсмирлик давридаги аффектив жабха бузилишлари ҳақида нималар биласиз?

## **Ш-БОБ. ЎСМИРЛАРГА ПСИХОЛОГИК МАСЛАҲАТ-ЁРДАМ БЕРИШНИНГ АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

### **3.1. Ўсмирлага психолигик маслаҳат беришнинг босқичлари.**

Психология психик ҳолатлар, психик фактлар, психиканинг намоён бўлиши ва тараққиёти қонуниятларини ўрганади. Инсонни тараққиётга бошловчи тўрт омил мавжуд, булар ирсият, мухит, таълим-тарбия ва шахснинг ўз фаоллиги бўлиб хисобланади.

Ўсмирлик даврида, психолигик ёрдамнинг зарурлиги тобора сезилмоқда. Психолигик маслаҳат бериш соҳасидаги инсонлар: психолог, ўқитувчи илмий бўлим мудири тарбиявий ишларни ташкил қилувчилар ҳам маълум даражада психологиядан хабардор булмоқлари лозим, чунки санаб ўтилган касб эгалари индивидуал хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қиласиган турли ёшдаги болалар билан ишлайдилар. Ҳар бир бола фақат ўзига хос билиш руҳий жараёнлари, яъни сезги, идрок, диққат, хотира, тафаккур, тасаввурлари, индивидуал-психолигик хусусиятлари, характеристи, темпераменти, қобилиятлари, эмоционал-иродавий соҳаси, хиссияти, эмоциялари, иродавий хулқ атвор хусусиятлари, фаолият мотивациясига эга бўлади. Маълум ёшдаги болаларнинг психолигик хусусиятларини билмай туриб, уларга мақсадга мувофиқ равишда таълим ва тарбия бериб булмайди. Боланинг ҳар бир ёши ўз қийинчиликларига эга бўлади ва ўзига нисбатан маҳсус муносабатда бўлишини талаб қиласиди. Кичик мактаб ёшидаги болаларга нисбатан психолигик жиҳатдан тўғри келадиган ва яроқли бўлган усул кўпинча ўсмирларга нисбатан яроқсиз ва хато бўлиши мумкин. Ўқитувчининг билиши мутлоқо зарур бўлган индивидуал фарқлар ҳар бир ёш даврида турлича ёндашувларни талаб қиласиди.

Психологик маслаҳат беришда индивидуал муносабатда бўлишнинг асосий шарти тарбиячининг уз тарбияланувчисининг сезгиси, идроки, диққати, хотираси, тафаккури, тасаввури, характеристи, темпераменти, қобилияти, хиссиётлари, эмоциялари, иродаси, фаолиятининг мотивацияси ҳақида чуқур ва атрофича билишидан иборатdir. Шу билан бирга ўқувчининг руҳий дунёсидан хабардор була билишни, психологик жиҳатдан тўғри кузатиш ташкил қила билишни ва табиий эксперимент ўюштиришни билиши лозим. Ҳозирги вақтда психологик маслаҳат беришнинг амалиёти ва бола тарбияси ва психик тараққиётнинг мураккаблаштирилган қатор нотўғри фикрларини кучайганлиги кўзга ташланмоқда. Улар орасида қатор ижтимоий иқтисодий омилларни қарама-қарши таъсир кўрсатиши сезиларли ўрин эгаллади. Масалан: ота-онанинг айниқса, оналарнинг ишлаб чиқаришда бандлиги сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари, кўпчилик болаларнинг болалар муассасида тарбияланиши ота-оналар психологиясига таъсир кўрсатади. Ота-оналар ўзларининг функцияларини таълим муассасаларига, коллеж, мактаб, лицейларга ағдариб қўймоқдалар. Ота-оналарнинг ажralиши бола психологиясига таъсир қиласди. Мутахассисларнинг фикрича, оиланинг бузилиши болани қийин вазиятга солиб қўядиган жуда қучли психоген омил бўлиб, унга қўникиш учун болага камида икки йил керак бўлади.

Хилма-хил психологик муаммолар манбалари ичida мактаб ҳам муҳим ўрин эгаллади. Масалан: тиббиёт мезонларига қараганда, мактаб ёшидаги болаларнинг 18-20% га қисқа муддатли ёки доимий психотерапияга муҳтождирлар. Мактаб, коллежда кенг тарқалган муаммолар жуда кўп: Ўқув мотивацияси йўқлиги, паст ўзлашиштириш, ўқитувчи ва тенгдошлари билан низоли муносабатлар, ўз-ўзини паст баҳолаш, жамиятга қарши группаларда иштирок этишга лаёқатлилик ва бошқалар. Юқорида санаб ўтилган муаммоларнинг кўпайиши ҳозирги мактаб, коллежларда шахс ривожланиши босқичларини етарлича хисобга олмаслик, барчага бир-хилда талаб қўйиш натижасида уларнинг индивидуал психологик ва психофизиологик хусусиятларни эътиборга олмаслик сабаб бўлмоқда. Боланинг кўпгина нисбий хусусиятлари, масалан, меҳнатга, математикага, мусиқага, ва бошқаларга нисбатан эрта кўринган муваффақият ёки психологик тараққиётни, жуда олдинда бўлиши кўпгина психологик ва

педагогик вазифаларнинг муаммосини келтириб чиқаради.. Шунга қараб психологик маслаҳат беришнинг умумий вазифаси бола психик тараққиётининг боришини, бу жараёндаги даврларга бўлиш ва белгиланган нормага мувофиқ тасаввурлар асосида назорат қилишдан иборат.

**Бу умумий вазифа ҳозирги кунда қуйидаги конкрет вазифаларни ўз ичига олади.**

1. Ота-оналарни, ўқитувчиларни ва бола тарбиясидаги иштирок этадиган бошқа шахсларни бола психик тараққиётининг ёш ва индивидуал хусусиятларига қараб жалб қилиш.
2. Психик тараққиёт бузилишларини ва ҳар-хил нормадан четга чиқишиларини ўз вақтида аниқлаш ва уларни тиббий, педагогик маслаҳатларга йўллаш,
3. Жисмоний ёки нерв психик соғлиги кучсизланган болаларда икки марта психологик асоратларнинг олдини олиш ва уларнинг психогигиенасининг ва психопрафилактикаси буйича тавсиялар бериш.
4. Патопсихология ва врачлар, педагогик-психологлар билан биргаликда ўқитувчилар, ота-оналар ва бошқа шахслар учун таълимдаги қийинчиликларни педагогик ва психологик коррексия қилиш буйича тавсияномалар тузиш,
5. Оилада бола тарбияси буйича тавсияномалар тузиш (оила, психотерапияси мутахассислари билан биргаликда),
6. Болаларга ва ота-оналарга маслаҳатлар беришда маҳсус гуруҳлар билан маҳсус тузатиш ишларини олиб бориш,
7. Маъruzалар ва ишнинг бошқа шакллари билан ахолини психологик билимлар билан таништириш.

Маслаҳат бериш вазифаларини ечишда Виготский мактаби психологарининг бола психикаси индивидуал тараққиёти муайян мuaоммолари буйича умумий фикрларидан фойдаланиш мумкин. Ирсият ва мухитнинг таъсирини тан оладиган ғарб қарашларидан фарқли равишда собиқ совет ёш психологиясида бола психик тараққиёти жараёни таҳлилида тарракқиётнинг шароитини, ҳаракатга келтирувчи кучлари, манбалари ҳам эътиборга олинади. Психик тараққиётнинг индивидуал шароитлари бола инсоният тажрибасини ўзлаштириши жараёни, асосида вужудга келади, Инсоният тажрибаларини ўзлаштириш боланинг фаолиятидан, мулоқотидан, ўйинидан, ўқишидан ташқарида бўлиши мумкин эмас.

**Индивидуал маслаҳат** фаолияти психологик текширув бола тарбиясини аниқлаш ва ёрдам дастурини тузишдан иборат. Психологик олдиндан айтишнинг зарурий мезонлари сифатида Виготский турли даврларга булингандик, кетма-кет ёш босқичларида кенглик ва даражаланган характеристикаларини кўрсатади, Маслаҳат бериш амалиётида шартли вариантни олдиндан айтиш хақида ҳам тўхталиб ўтиш мумкин, шартли вариантни олдиндан айтиш ҳар хил шароитларни амалга оширганда бола тараққиётининг кейинги боришида мумкин бўлган варианtlарни тушунамиз. Бошқача айтганда, у ёки бу нокулай шароитлар сақланганида, олинганида болани қандай эҳтимолли тараққиёт кутишини айтиб берилади.

**Индивидуал психологик маслаҳат бериш** психолог амалий фаолиятининг энг маъсулиятли турларидан биридир. Маслаҳатчининг фикри, психик тараққиёт буйича ҳар бир баҳоси боланинг кейинги тараққиётига, ўқитувчиларнинг, ота-оналарнинг болага нисбатан муносабатига катта таъсир кўрсатиши мумкин, Шунинг учун индивудал психологик маслаҳат бола ривожланишини бошидан диққат билан тахлил қилишни, ҳар хил манбалардан олинган маълумотларга асосланади.

Маълумотлар манбаси сифатида ота-оналар билан сухбат, ўқитувчининг ота-оналар боланинг ўзи билан сухбат, боланинг ўзи билан сухбат, болани уйда, мактабда ва бошқа холларда кузатиш психологик тажриба орқали текшириш, ота-оналар билан танишиш тиббий хужжатлар билан танишиш ва бошқалардан фойдаланиш мумкин, қўпчилик муаллифлар аниқ ходисага маслаҳат беришда қуидаги кетма-кетликни афзал кўради:

1. Отa-оналар билан дастлабки сухбатда олинган маълумотни тахлил қилиш ҳамда врачлардан, педагоглардан олинган маълумотларни ҳам эътиборга олиш,

2. Боланинг илгариги ривожланиш босқичлари, оиласдаги муносабат хақида, соғлиги хақида маълумот олиши учун ота-оналар билан сухбат,

3. Бошқа муссасалардан маълумот йиғиши, Соғлиги хақида маълумот, Болани мактабда уйда бошқа холларда кузатиш, Психологик методлар билан текширувга муҳим қўшимча сифатида боланинг фаолиятини (расмлари, қизиқадиган нарсаларини таҳил қилиш киради).

Болани мактабда, уйда бошқа холларда кузатишда, психолог олинган маълумотлар асосида бола ривожланишининг умумий даражасига баҳо бериш бола қийинчиликлари мохиятини тавсифлаши, анализ қийинчиликлардан келиб чиқсан омилларини аниқлаши ва психокоррекцион дастурини ишлаб чиқиши керак. Маслаҳат бериш амалиётида жуда қўп методлар бор. Психолог олдида турган вазифа биринчидан бола билан яхши муносабат ва ўзаро тушунишидан иборат. Муаммоли вазиятларни шошилмасдан, аниқ хал қилиш керак. Саволни бир неча марта такрорламаслик керак. Тест олинаётган вақтда болага ўргатиш, танқид қилиш, хатто макташ ҳам мумкин эмас, танқид болани чалғитади, дилини оғритади, кўпинча болани топшириқقا бўлган қизиқишини пасайтиради.

Психологик муаммоларни хал этишда шахсадан тест олишда ёки диагностика қилиш учун тажриба ўтказишида унинг эмоционал холатига, ўзини яхши хис қилаётган, чаршаш белгилари йўқ вақтда, ортиқча асабийлашиш, қайсаслик йўқ вақтда ўтказиш керак. Ёш даврида болани психологик текшириш муаммоси асосий вазифаларни ўз ичига олади.

Психологик муаммоларни хал этишда психологга қийин масалаларни хал қилиш учун диагностик методикалар билан текширувни амалга ошириш керак.

**Ҳозирги вақтда маслаҳат бериш амалиёти** бола тарбияси ва психик тараққиётини мураккаблаштирадиган қатор нотўғри фикрларнинг кучайланлиги билан дуч келмоқда. Улар орасида қатор ижтимоий-иктисодий омилларнинг қарама-қарши таъсир кўрсатиш сезиларли ўрин эгаллайди. Масалан, ота-оналарнинг, айниқса оналарнинг ишлаб чиқаришда бандлиги сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари, кўпчилик болаларнинг болалар муассасаларида тарбияланиши ота-оналар психологиясига таъсир кўрсатади. Ота-оналар ўзларининг функцияларини боғчаларга, кейинчалик мактабларга ағдариб қўймокдалар. Ота-оналарнинг ажralиши бола психикасига катта таъсир кўрсатади. Мутахассисларнинг фикрича, оиланинг бузилиши боланинг аҳволини қийинлаштириб қўядиган кучли психологик омил бўлиб, унга кўниши учун болага камида 2 йил керак. Хилма-хил психологик муаммолар манбалари ичida мактаб ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Мисол учун тибиёт мезонларига қараганда мактаб ёшидаги болаларнинг 15-20 фоизи қисқа муддатли ёки доимий

психотерапияга мухтожлар. Мактабда кенг тарқалган психологик муаммолар жуда кўп: ўқув мотивациясининг йўқлиги, паст ўзлаштириши, ўқитувчилар ва тенгдошлари билан низоли муносабатлар, ўз-ўзини паст баҳолаш, жамиятга қарама-қарши гуруҳларда иштирок этишга лаёқатлилик ва бошқалар. Юқорида санаб кўрсатилган муаммоларнинг кўпчилиги хозирги мактабларда ва жамиятимизда шахс ривожланиш босқичларда, эҳтиёжларни ва чуқур қонуниятларни, етарлича ҳисобга олмаслик, барча болаларга бир хил талаб қўйиш натижасида уларнинг индивидуал-психологик ва психофизиологик хусусиятларни эътиборга олмаслик сабаб булмоқда.

Индивидуал маслаҳат беришнинг муҳим амалий қисми сифатида Л.С.Виготский психологик-педагогик тавсиялар беришни кўзда тутади. Тавсияномалар тузишда маслаҳат сўраб мурожаат қилган ўқитувчига ёки ота-онага улардан олинган маълумотни мавхум, ноаниқ ва мазмунсиз-маслаҳатлар билан узларига қайтаришдан сақланиш керак. Шундай қилиб, бола тараққиётининг ёш-психологик характеристикасини қуидаги З асосий таркибий қисмларни таҳлил қилиб, ҳосил қилиш мумкин:

1. Ижтимоий вазият тараққиётини (кимлар билан гаплашади, оилада катталар билан ва тенгдошлар билан ўзаро муносабат характеристи) баҳолаш;
2. Берилган ёш учун муҳим фаолият турининг тараққиёти даражаси (ўйин, ўқиши, расм чизиши ва бошқалар), ёш нормаларига мослиги;
3. Ўз-ўзини англаш бола психик тараққиётининг билиш ва шахсий хиссий соҳаларида берилган ёшга мансуб ўзгаришларни аниқлаш. Лекин бу тавсиянома бола умумий тараққиётининг илгариги ўсишиз етарли эмас, шунинг учун унинг тарихий тараққиётига катта эътибор бериш керак. Болалар психологи уз ишида ўқитувчилар, патопсихологлар, психотерапевтлар ёки дефектологлар билан хамкорликда ишлаб, ўзининг маслаҳат бериш вазифаларини бажариши керак. Улар бола. тарбияси ва тараққиёт шароитларини хар томонлама таҳлил қилиш, унинг шахси ва билиш фаолиятида ёш ва индивидуал хусусиятларини аниқлаш, шартли-вариантли олдиндан айтиб беришларни тузиш ва психологик-педагогик тавсияномалар тузиш билан боғлиқдир.

**Психологик маслаҳат билан мурожаат қилган ишларни кундалик сифатида ёзишга тўхталиб ўтамиз.** Бу усулда ким мурожаат қилгани маслаҳат бериш зарур бўлган боланинг шахсий-

хиссий хусусиятлари келтирилади. Масалан: Оля С. биланбўлган маслаҳат бериш жараёни қисқартирилиб берилади. Оля тўлиқ оиласда ягона фарзанд. Қизнинг онаси маслаҳат беришга қизнинг паришонхотирлиги, ўзини тута олмаслиги, секин харакат қилиш, янги нарсани идора қилишда фаросатсизликк ва бошқа хислатларидан нолиб, мурожаат қиласди. Қизнинг онаси мактабдаги қийинчиликлар, айниқса математикада, умумий ҳаётда келажакда қийналиши мумкинлиги учун кучли хавотирланади. Хозирги вақтдаги ўртача билим даражасига она билан хар куни тинмай шуғулланиш орқали эришган. У 4 ёшида ўқишни ўрганиб олган. Онаси хавотирланишига қарамасдан, қизни текширувдан ўтказиш боланинг билиш тараққиётининг умумий даражаси, фикрлаши, нутқи, сабаб-оқибат натижаларини ўргатиш ва бошқаларда ёш нормаларининг юқори қўрсаткичини қўрсатади. Шу билан бир вақтда қизча кенг хаёл юрита олиш, ўйин фаолияти ва бадиий иқтидорлилик (расм чизишида ва пластилин ясаш) яхши ривожланган. Қизча юмшок, кўнгилчан характерли бўлиб, оиласда ва боғчадаги ўртоқлари билан бир хил, низоларсиз муносабатга киришарди. Шу билан бир вақт шахсий-хиссий соҳада ўзига ишончсизлик, хавотирланиш, хафа бўлибқолишлик каби хислатлар кўринди. Олянинг онаси қизи ҳақида ёзган иншосида: кўришиш мумкин эмас, дарров йиғлашга тушади,-деб ёzádi. Баъзи кечалар кўрқиб чиқади, кайфияти тушиб кетган бўлади. Бўлиши мумкин бўлган сабабларни таҳлил қилиш шуни қўрсатди, бу ерда асосий ўринни она ва қизнинг шахс ва характер хислатларидан ифодаланган фарқлар ўйнаган, яъни онаси-хиссий, очик, харакатчан бўлса, қиз эса- аксинча ичимдагини топ дейдиган бўлган. Қизнинг секин харакат қилишидан, онаси уни бефаросат деб хисоблаган. Шундай қилиб, онанинг нолиши тасдиқланмади, унинг вазиятидан нолиши асоссиз бўлибчиқди. Муаммонинг асосий сабаби қизнинг индивидуал хусусиятлари ва ота-онаси томонидан ана шунта мос равишда муносабатда бўлмаслиги билан боғлиқ. Уч йилдан сўнг бу қиздан хабар олганимизда, у мактабда аълога ўқиётган, оиласдаги муносабати яхшилигининг гувохи бўлдик. Онасининг сўзларига қараганда, психологик маслаҳат бериш боланинг ақлий етишмовчилиги ҳақида гумони умуман йўқотди. Кейинчалик эса қизига бўлган муносабатини аста-секин ўзгартиришга, характерининг ўзига хос яхши фазилатларини кўришга, унинг секин харакат қилишларини хотиржам бардош

беришига ёрдам берди. Бу ҳолда ота-онанинг бола психик тараққиёти нормалари ҳақидаги юқоридаги мос бўлмаган тассаввур хам маълум ўрин эгаллади.

Ўсмирнинг онгли фаолиятида психологик нуқсонлар пайдо бўлиши касаллик пайдо бўлишидан илгари унинг олди олинса, у ҳолда инсоннинг баркамол шахс бўлиб етишига шарт-шароит яратилади. Бу эса амалий психологиянинг вазифасидир. Қуйида чет эл амалий психологиясининг йўналишлари юзасидан қисқача мулохаза юритамиз.

Машхур йўналишлардан бири веналик психолог З.Фрейд томонидан ишлаб чиқилган **психоанализдир**. Психоанализ таълимоти бўйича инсоннинг асосий эҳтиёжи – бу сексуал (шахвоний) эҳтиёжлардир. Жамият ахлоқ нормаларининг бу эҳтиёжларга қарама-қаршилиги натижасида инсон шахсида турли хил руҳий камчиликлар пайдо бўлади, деб хисоблайди. З.Фрейднинг фикрича, бу жараён онгиз ҳолда кечади, яъни одам ўзида бу нарсалар кечаётганлигини англаб этмайди. Инсоннинг хар бир хатти-харакати «У», «мен», «Менинг менлигим»лар ўртасидаги конфликтлар (зиддиятлар) натижаси деб тахмин қилинади. «У» - биологик эҳтиёжлар, «У»нинг табиати асосан онгиздир. «МЕН» - ташқи мухит билан мулоқотдан хосил бўлганруҳий тузилмадир. «Менинг менлигим» - ижтимоий мухит ва бу мухит таъсирларининг тўсиқларидир. Шу нарсалар орасидаги қарама-қаршиликлар, З.Фрейднинг фикрича, касалликларни келтириб чиқаради.

Психоанализ назарияси психодинамик йўналиш қаторига киради. Психодинамик йўналиш таркибига яна Адлернинг индивидуал психологиясини ва Юнгнинг аналитик психологиясини киритиш мумкин. Адлер Т. – Фрейднинг шоғирди, кейинчалик эса ундан ажralиб, уз назариясини ишлаб чиккан олимдир. Унинг фикрича, одамда асосан хукмдорликка интилиш хисси устун туради. Болаликдаги бундай интилиш унда ўзини тўлиқ англамаслик хиссини пайдо қиласи. Натижада у катталарга нисбатан ўзини камситилган деб хисоблайди. Мазкур психологик ҳолат одамнинг бундан кейинги хаётида кўплаб муаммолар келиб чиқишига сабабчи бўлади. Айрим одамларда бу хис камситилганлик мажмуасини (комплексини) келтириб чиқарса, бошқаларда эса устунлик мажмуасини (комплексини) келтириб чиқаради.

Адлернинг фикрича, бу икки мажмуа инсон фаолиятининг асосидир.

Психолог Юнг хам Фрейднинг шогирдларидан бири эди. У хам алохиди бир йўналиш, яъни аналитик психологияни ишлаб чиқсан. Юнгнинг фикрича, либидо (жинсий алокага интилиш) инсон яшаши, турмуш кечириши учун зарурий эҳтиёжлар энергиясидир. Унингча, либидо фақат сексуалликдан иборат эмас. Чунки Юнг коллектив онгизлик мавжуд бўлишини кўрсатиб утади. Коллектив онгизлик мазмуни асосан тушда пайдо бўлувчи бошланғич образлардаги архетипларда куринаси. Ижтимоий онги ва миллатидан келиб чиқсан ҳолда архетиплар асосида фаолият кўрсатади. Юнгнинг фикрича, шахс индивидуализация, яъни узоқ давом этувчи психологик ривожланиш жараёни орқали ўзини англайди.

**Психоанализнинг терапия сифатида қўлланилиши мураккаб ва узоқ кечадиган жараён хисобланади.**

**Психоаналитик терапияда 5 та асосий ҳолатни ажратиб  
кўрсатиш мумкин:**

1. Мижоз билан чуқур хиссий муносабатга киришиш. Мижоз бу ҳолат кечишида ўзининг ижобий ва салбий хисларини терапевтга йўналтириши учун имконият пайдо бўлади. Бунинг натижасида мижоз терапевтга ўзининг хаёт тажрибасини проекция қиласи. Масалан, онасини рашқ қилган бўлса, терапевтни уз отаси деб, онгиз равишда ёмон куриб колиши мумкин.

2. Тушларни талқин қилиш. Тушлар, Фрейднинг фикрича, онгизлик зонасига йўлдир.

3. Эркин ассоциациялар – мижоз бир-бири биланбоғланмаган фикрларни билдиради. Терапевт уни ёрқин ҳолда эшишиб туриб хулоса чиқариши лозим.

4. Терапевт мижоз қаршиликларини аниқлаб, унинг сабабини тушуниб этиши керак.

5. Терапевтнинг тушунтириши натижасида мижоз болалигида бўлган ходисани объектив равишида бошидан кечиргандай хис этиб, катарсис окибатида касаллик йўқбўлиб кетишига олиб келиш жараёнидир.

**Бихевиористик йўналиш.** Мазкур йўналиш «Инсон фаолияти С-R (стимул-реакция) орқали кечади» деган назариянинг Дж.Б.Уотсон томонидан ривожлантирилиши асосида юзага келди.

Кейинчалик бу формула С-i-R (стимул-индивидуид-реакция) сифатида ўзгаририлган.

Бу йўналиш бўйича шахс – индивиднинг қобилиятлари, хаёт тажрибаси, кутишлари ва атроф-мухит таъсирида уз хулқ-авторларини намоён қилиш натижасидир.

Юқорида таҳлилқилинган интерпсихик терапия, фрейдизм ва хоказолар мижозга унинг муаммолари сабабини кўрсатиб, хал этиш йўлларини кўрсатмаган бўлса, бихевиористик йўналиш хулқ-автор терапиясининг вакиллари инсоннинг муаммолари нотўғри реакция билдиришининг натижаси деб, унинг хатти-харакатларини ўзгаририш муаммони хал қиласи, деган фикрни илгари сурганлар.

Ушбу фикрнинг негизида мижоз билан ишлашнинг методлари ривожлантирилган. Бу йўналишнинг ютуқлари мижозни даволашга кам вақт сарф этиш ва самарадорлигидадир.

### **Психологик маслаҳатда таъсир ўтказиш методлари**

**Психологик таъсир** - бу турли воситалар ёрдамида инсонларнинг фикрлари, ҳиссиётлари ва хатти - ҳаракатларига таъсир кўрсата олишdir.

Ижтимоий психологида психологик таъсирнинг асосан уч воситаси фарқланади.

1. **Вербал таъсир** - бу сўз ва нутқимиз орқали кўрсатадиган таъсirimizdir. Бундаги асосий воситалар сўзлардир. Маълумки, нутқ - бу сўзлашув, ўзаро муомала жараёни бўлиб, унинг воситаси - сўзлар ҳисобланади. Монологик нутқда ҳам, диалогик нутқда ҳам одам ўзидағи барча сўзлар заҳирасидан фойдаланиб, энг таъсирчан сўзларни топиб, шеригига таъсир кўрсатишни ҳохлади.

2. **Паралингвистик таъсир** - бу нутқнинг атрофидаги нутқни безовчи, уни кучайтирувчи ёки сусайтирувчи омиллар. Бунга нутқнинг баланд ёки паст товушда ифодаланаётганлиги, артикуляция, товушлар, тўхташлар, дудукланиш, йўтал, тил билан амалга ошириладиган ҳаракатлар, нидолар киради. Шунга қараб, масалан, дўстимиз бизга бирор нарсани ваъда бераётган бўлса, биз унинг қай даражада самимийлигини билиб оламиз. Куйиб - пишиб, очик юз ва дадил овоз билан “Албатта бажараман!”, деса ишонамиз, албатта.

3. **Новербал таъсирнинг** маъноси “нутқсиз”dir. Бунга сухбатдошларнинг фазода бир - бирларига нисбатан тутган ўринлари, холатлари (яқин, узок, интим), қиликлари, мимика, пантомимика, қарашлар, бир - бирини бевосита хис қилишлар,

ташқи қиёфа, ундан чиқаётган турли сигналлар (шовқин, ҳидлар) киради. Уларнинг барчаси мулоқот жараёнини янада кучайтириб, сұхбатдошларнинг бир - бирларини яхшироқ билиб олишларига ёрдам беради. Масалан, агар учрашувнинг дастлабки дақиқаларида ўртоғингиз сизга қарамай, атрофга аланглаб, “Кўрганимдан бирам хурсандман”, деса, ишонасизми?

Мулоқот жараёнидаги характерли нарса шундаки, сұхбатдошлар бир - бирларига таъсир кўрсатмоқчи бўлишганда, даставвал нима дейиш, қандай сўзлар воситасида таъсир этишини ўйлар экан. Аслида эса, ўша сўзлар ва улар атрофидаги харакатлар мухим роль ўйнаркан. Масалан, машхур америкалик олим Мехрабян формуласига кўра, биринчи марта кўришиб турган сұхбатдошлардаги таассуротларнинг ижобий бўлишига гапирган гаплари **7%**, паралингвистик омиллар **38%**, ва новербал харакатлар **58%** гача таъсир қиласкан. Кейинчалик бу муносабат ўзгариши мумкин албатта, лекин халқ ичида юрган бир мақол тўғри : “Уст - бошга қараб кутиб олишади, ақлга қараб кузатишади”.

Мулоқотнинг қандай кечиши ва кимнинг кўпроқ таъсирга эга бўлиши шерикларнинг ролларига ҳам боғлиқ.

**Таъсирнинг ташаббускори** - бу шундай шерикки, унда атайлаб таъсир кўрсатиш мақсади бўлади ва у бу мақсадни амалга ошириш учун барча юқорида таъкидланган воситалардан фойдалади. Агар бошлиқ иши тушиб, бирор ходимни хонасига таклиф этса, у ўрнидан туриб кутиб олади, илтифот кўрсатади, хол - ахволни ҳам қуюкроқ сўрайди ва сўнгра гапнинг асосий қисмига ўтади.

**Таъсирнинг йўналтирилганлиги** - таъсир йўналтирилган шахс. Лекин ташаббускорнинг сұхбатга тайёргарлиги яхши бўлмаса, ёки адресат тажрибалироқ шерик бўлса, у ташаббусни ўз қўлига олиши ва таъсир кучини қайта эгасига қайтариши мумкин бўлади.

**Ўз-ўзини назорат қилиш методи.** Мақсадга мос харакат учун ташқаридан эмас, балки шахснинг ўзи томонидан мукофотлаш юзага келади. Мижоз уз хулқидаги ўзгариши учун ўзини-ўзи ёқимли мукофот билан тақдирлайди.

Юқорида хулқ-атвор терапеяси методлари билан қисқача танишиб чиқдик. Энди яна бир интерпсихик терапия мажмуасига киравчи гуманистик йўналишнинг асосчиси Роджерс ғояларига

тұхталиб үтамиз, «**мижозга марказланган терапия**» методи билан танишамиз.

Гуманистик йұналиш гуманистик фалсафага асосланған бўлиб, у 50-йилларда Калифорнияда вужудга келган. Бу йұналиш вакилларининг фикрича одам ўзича ўсиши, камол топиши мумкин. Агарда инсонга уз тақдирини ўзи ечишга шароит яратиб берилса, Роджерснинг фикрича, хар бир одамда ўзининг имкониятларини амалга ошириш учун тугма асос фақат мос ижтиомий мухитдагина ривожланиши мумкин. Боланинг «Мен» концепцияси ижтиомий тажрибалардан келиб чиқиб шаклланади. Идеал сифатида уз имкониятлари чегарасида ўзининг мавжудлиги хақидаги фикр идеал «Мен» концепциясининг туғилишига олиб келади. Реал «Мен» идеал «Мен»га яқынлашишга ва идеал «Мен» даражасида ривожланишга харакат қиласи.

Одамдаги ўзини хурмат қилишга интилиш, бошқалар кўзи ўнгига обрўли (нуфузли) бўлишга интилиш тўсқинлик қиласи. Бинобарин, одам узлигини йўқотади. Ўзини англаб етишга ёрдам қилиш орқалигина мижоз олдидаги муаммоларни ечиш мумкин, чунки реал «Мен»ни идеал «Мен»га яқынлаштириш орқали ўртадаги ораликни камайтириш мумкин, деган ғоя илгари сурлади.

Мижозга марказлашган терапиянинг асосий усулларини қўйида таҳлилқиласи. Мижоз ўз-ўзига ёрдам бериш имкониятига эга, терапевт эса йўналтирувчидир, деган тамойилга асосланиб, у ўзига нисбатан хурмат даражасини оширишга харакат қилиши лозим.

#### **Роджерс энг муҳим 4 та шартни илгари сурган:**

1. Терапевт ўз установкаларига қарши чиқиб бўлса-да, клиент хисларига шартсиз ижобий муносабатда бўлиши керак.
2. Клиентнинг эмпатия хисларини терапевт уз тажрибасига таянган ҳолда хис қилиб кўриши, оламга унинг нигохи биланқарashi лозим.
3. Аутентлик – ўзининг ички жавобларини никобламасдан клиент билан муносабатга киришиш.
4. Терапевт клиент муаммосини тушунтиришга, уни ечишга харакат қилмаслиги керак. У фақат акс эттирувчи ойна сингари хизмат қилиши ва клиент айтганларини эшитиб утириши лозим. Клиент фикр билдириши давомида унинг муаммосини терапевтик шаклдаги аксини қўриб, унга янгича мантиқий таҳлилқилиб ечиши мумкин. Роджерснинг фикрича, одам ўз реал «Мен»ни ҳақида тасаввурга эга бўлганидагина ўз муаммосини хал қилиш йўлини

топади. Терапевт одамнинг реал «Мен»ини кўришга ёрдам бериши зарур.

Бу метод асосан хисларини ва фикрларини очик-ойдин айта оладиган клиентларга самарали ёрдам беради.

**Трансакцион анализ назарияси.** Бу назария Э.Брен томонидан ишлаб чиқилган. У асосан ижтимоий муаммолар ва муносабатларни ижобийлаштиришга қаратилган. Э.Бреннинг фикрича, одам хаётида уч хил позициядан иборат ролни уйнайди: «ота-она», катта одам ва ёш бола. Одам хаётда шу позициялардан бирига асосланиб фаолият кўрсатишга урганган. Вазиятга қараб бу позициялар ўзгариб боради. Чунончи, болада ёшлигидан катта одам ҳақидаги тасаввuri асосида «катта одам» позицияси, ота-онанинг таъсири натижасида эса «ота-она» позицияси вужудга келади.

Болалигидан тупланган тажриба боланинг шахсий позициясини вужудга келтиради ва бу нарса унинг муносабатларида намоён бўлиши мумкин. Масалан, бир одам бошқа одамга ота-она позициясидан туриб маслаҳат килса, бошқаси эса бола позициясидан туриб жавоб қилиши ёки қарама-қаршилик мавжуд бўлса, у ҳолда бошқа позицияларнинг биридан жавоб бериши эхтимол. Қарама-қаршилик, яъни трансакцияларнинг қарама-қарши келиши конфликт (низо)ларнинг олдини олиш ролларини ижро этмасдан туриб, яшаш учун ўзидаги «катта одам» позициясини англаб этганидагина ривожлантириши мумкин. Бу метод одамнинг муносабатларини англашга ёрдам беради.

**Гештальтерапия методи.Гештальтерапия** Фредерик Перес томонидан асосланган бўлиб, ушу метод гештальтпсихологиянинг «шакл-фон» назарияси замирида ишлаб чиқарилган, яъни бирор объект шакл бўлса, бошқа объектлар шу шаклни англашга ёрдамчи фон сифатида хизмат қиласи. Гештальтерапияда бирорта англанилган шакл бўлса, бошқа хислар англанмай қолади, деган тамойилга таянилади.

**Гештальт «яхлитлик» деган маънони англатиб, фон вужудга келувчи шакл бўлиши мумкин.** Одам руҳий муаммоларининг келиб чиқишида англамай қолган тузилма гештальт сифатида хизмат қилиши мумкин. Бу муаммони ечиш учун гештальт вужудга келиши, мижоз эса ўзини англаб етиши шарт. Бунинг учун терапевт «шу ерда ва хозир» тамойилини куллайди. Масалан, вербализация орқали «Шу ерда ва хозир англаяпман» деб бошланувчи сўзлар билан мурожаат қиласи.

Кейин бу ҳолатларнинг яхши ёки ёмонлиги, кулай ёки нокулайлиги англаради. **Гештальтерапевт** мижозга ўзини англашига ёрдам бериш учун унинг хатти-харакатларига дикқатини қаратиши, яъни хатти-харакатни англаш орқали хисни англашга, хисни англаш орқали эса гештальт тузилишига, муаммо ечилишига ёрдам бериши мумкин. Мижоздаги химояланиш механизмларини унинг ўзига англатиш хам гештальтерапиянинг йўлидир, яъни одам ташки олам йўналтирган эҳтиёж энергиясининг ижтимоий қарама-қаршилик натижасида ўзига қайтарилишидир. Бу нарса рэтрофлексия деб аталиб, у «ўзига қайтариш» маъносини англаради. Бу энергия кейинчалик шу йўналишдаги бошқа эҳтиёжлар вужудга келишига тўсиқбўлиши мумкин. Масалан, бирорни уришга эҳтиёж туғилиши натижасида одам кулида оғрик пайдо бўлиши ва бунинг сабабини англаш оғрик зарбини йўқотиш мумкин. Кейинчалик Перес одам ўзини ўзи қийнашини, «бу нарсани қиламан ва буни қилмайман» деган мулохазасини «юқори ва пастки» деб номлаган.

**Интеракция** – одамнинг ташки оламдаги нарсаларни бирорлар обруйига асосланиб қабул қилиб олиши. «Интеракт сингмай қолган, чайналмаган овқатга ухшайди»,-деб ёзади Перэс. Интерактни англаш хам муаммони ечишга ёрдам беради. Масалан, «Қиз боланинг сочи узун бўлиши керак» деган фикр интеракт бўлиши мумкин. Бу нарсани англамасдан қабул қилган қиз чиройли бўлиши учун сочини кестиради ва виждан азобида қолади. Буни тушуниб этиши уни виждан азобидан қутқаради.

**Проекция** – интреқцияга қарама-қарши, уз фикрини бошқаларнинг фикрлари деб қабул қилиш. Масалан, хаммага қарама-қарши турадиган одам «Бошқалар хам менга қарши» деган фикрда бўлиши мумкин. Бошқалар бундай фикрда бўлмаса-да, у ўз фикрларидан кайтмайди. Перэс проекциясининг олдини олиш учун «Ўз фикрига жавобгар қилинг» деган ғояни илгари суради. Жавобгарликни қабул қилиш орқали, яъни муаммо ўзиники эканлигини қабул қилиш натижасида мижоз етуклика этиши мумкин. **Гештальтерапия–шахснинг ўзлигини англашга, ана шу орқали ўз муаммоларини «хозир ва шу ерда» хал қилишга ёрдам берувчи метод.**

**«Нейролингвистик программалаштириш»** (қисқача қилиб айтганда НЛП) энг замонавий ва кенг тарқалган терапевтик йўналиш бўлиб, у мижознинг ўзини англашга, хатти-харакатлари ва

сўзлари ўртасидаги қарама-қаршиликни тушуниб етишга ва бошқа одам бегона эканлигини тушунишга ёрдам беради.

НЛП юқорида таҳлилқилингандай методларнинг энг самаралиларини танлаб қўллаш натижасидир. НЛПда асосан лингвистикага, яъни сўзларнинг тузилиши руҳий оламнинг кўрсаткичи сифатида кулланишига асосланилади. НЛПда одам уз сезги аъзоларининг ишлашидан келиб чиқиб, уч хил жавоб бериши тан олинади. Репрезентив системада ташқи олам 1) аудиал, 2) визуал, 3) кинестик, яъни асосий масофали ва ички харакат рецепторлари асосида қабул қилиниб, шу асосда ташқи оламга нутқ орқали жавоб қайтарилади, деб тушунтирилади.

Юқорида кўриб ўтилган терапевтик методлар оптимал ишлаши учун хозирги вақтда ижтимоий психологик терапевтик групчалар билан ишлаш йўналиши ривожлантирилган. Қуйида психодрама ҳақида қисқача тухталиб, грухий терапия йўлларини кўриб ўтамиш.

**Психодрама**—20-йилларда Морено томонидан ишлаб чиқилган метод бўлиб, у грухий психотерапиянинг шаклланишига асосий туртки бўлиб хизмат қилган. Мижознинг руҳий оламини ўрганиш учун психодрамада грухий драматик импровизация қўлланилади. Психодрамада мижоз ўз долзарб муаммосини грух билан ўйнаб куриши мумкин. Масалан, мижознинг муаммоси отаси билан гаплашиш бўлиши мумкин. Терапевт режиссёр сифатида ролларни бўлади. Шароитга қараб одамлар, предметлар ролида стол, стул, лампа ва бошқалар ота ролида чиқиши мумкин. Ота ролини ўйновчи мижозга отасининг хусусиятлари айтилади ва у вазиятни ўйнаб кўради, кейин бошқа кузатиб турган грух аъзолари ўз вариантларини кўрсатишади ёки бўлиб утган воеанинг мижозда кучли хис уйготган томонини ўйнаб кўрсатишади. Шуниси қизиқарлики, бу ходиса ўйналаётганда мижозда уша хис бошдан кечирилиши, хатто у хушидан кетиб қолиши мумкин.

Психодраманинг мақсади хам, Морено фикрича, мижозда кучли туйғу ва хислар кечишини уйғотиш орқали тажрибани янада такомиллаштиришdir. Психодрамада ролли ўйин услуби қўлланилади. Бунда ўйин спонтан ва ижодий кечади. Бу нарсалар ўз ичига адекват жавоб беришни ва янгиликни олади. «Теле психодрама» проекция сифатида кўринувчи тушунчадир, яъни роллар ўйналиши давомида оламга бошқа одам кўзи биланқарашибояси ётади.

**Катарсис** – кучли хисни бошдан кечириш бўлиб, унинг натижасида инсайт йўли билан муаммони янгича тушуниш келиб чиқади. Кўпинча «Монолог» ва иккинчи «Мен» методлари ишлатилади. Роллар алмаштириб борилади ва охирида фикр алмашиш орқали янги билим олинади.

**Гурухий психотерапия** термини хам Якоб Морено томонидан психология фанига олиб кирилган. Гурухий йўналишда, юқорида курилган терапевтик йўналишларнинг аксариятидан фойдаланилади. Гурухий йўналиш фақатрухий касаллар билан эмас, балки соғлом, ўзини шахсан ривожлантиришга ва англашга, муаммосини ечишга интиладиган одам билан ишлашга хам қаратилган. Гурухий йўналишнинг устун томони шуки, унда терапевт эмас, балки гурух аъзолари муаммони ечишга ёрдамлашади, яъни бошқалар муаммосини хал қилиш орқали уз руҳий оламини бойитишади. Бизда гурухий йўналиш социал психологик тренинг деб номланади.

Ўзбекистонда тренинг гуруҳлари билан ишлаш аста-секинлик билан ривожланмоқда, бироқ бу хали етарли эмас. Яххиси, чет элда бу жараён кай даражага етганлигига қисқача тўхталиб ўтайлик. **Гурухий тренинг** одамнинг бошқалар хақидаги тасаввурини ўзгартириб, янги – харакат шаклларини, яъни жамиятнинг кичик моделини гуруҳда ўрганиш методидир.

Асосий нарса гуруҳда либилизация, яъни доимий ўрганилган харакатлардан кучли хислар натижасида воз кечиш ва янги хатти-харакат шаклларини қабул қилиши, бошқача қилиб айтганда, оламни тор қобиқдан чиқиб ўрганишdir.

Гурухий машғулот ўтказишида асосан доира шаклида ўтириш қабулқилинган. Доирада хамма одам бир-бирини кўриб туради. Шунинг ўзи одатда янгиликни идрок қилиш учун ўзгаришни вужудга келтириши мумкин. Одам хар бир группа аъзоси тенглигини идрокқилади ва англайди. Унинг асосий принциплари «шу ерда ва хозир», «активлик» ва «конфиденциаллик»дан иборат. Уз хатти-харакатлари ҳақида салбий гапларни эшитишни хоҳламаган гурух аъзоси «техника», «TOP» сўзини ишлатиши мумкин.

Бу нарсалар бизда социал психологик тренинг ўтказишида қўлланилади. Гурухий меъёrlар қабул қилиш чет элларда бир мунча бошқачароқ. Масалан, баъзи бир психогимнастик машқларни Ўзбекистон шароитида тарбияланган одам бажаришни ўзига

ноқулай деб билиши мумкин. Россия шароитида эса бутунлай бошқача бўлиши мумкин. Худди шу сабабли, бизнингча, чет элда ишлатилаётган гуруҳий тренингни Ўзбекистон шароитига мослаштирмасдан туриб, тўғридан-тўғри қўллаш мумкин эмас. Моренодан кейин гуруҳ билан ишлашга қизиқиш **Курт Левин** ишларида кўринади. Унгача хам бир қанча одамлар бу йўналишда иш олиб боришган, лекин Курт Левинни тренинг гуруҳларининг отаси деб атасак арзиди.

**К.Левин ўз тадқиқотларини 30-йилларда** бошлаган. Биринчи **Т-гурух** тасодифан вужудга келган. К.Левин бизнесменлар билан ишлашда гуруҳий муаммонинг тезда хал бўлишини кузатган ва шу асосда бу йўналиш Т-гуруҳлари сифатида дунёга келган. Тренинг гуруҳий ўқитиши лабораториясиdir. Шу сифати билан тренинг гуруҳлари хар хил мақсадга эга бўлиши мумкин. Масалан, сензитивликни ривожлантириш гуруҳларида тренинг гуруҳлари катнашчилари сони 12 та одам чегарасида бўлиши керак. Шу асосда «миллий Хареннинг лабораторияси» тузилади ва бу лаборатория янги гуруҳий йўналишлар ривожланишига негиз бўлиб хизмат қиласи. Тажрибалар натижасида «учрашув гуруҳлари» номини олган гуруҳлар вужудга келади. Бу Карл Роджерснинг инсонпарвар мижозга йўналган группаларидан иборат бўлиб, одамни бошқа одамлар билан муаммоси аутэнтик бўлишга ёрдам беришини уз олдига мақсадқилиб қўяди. Унинг асосий белгилари: учрашув катнашчиларининг узлигини очиш хисларини англаш, жавобгарлик, уз «Мен»ини англаш, «шу ерда ва хозир» тамойилига асосланганликдир. Учрашув гуруҳлари бир кунлик ва бир неча кунлик бўлиши мумкин.

Гешталт гуруҳлар юқорида кўрилган гешталттерапия методлари ва тамойилларига асосланади. Бошқа гуруҳлардан фарқли ўлароқ, гуруҳмашғулотларини тренер хар бир аъзо билан алохида ўтказиши мумкин. Бошқалар эса «бўш иссиқ стул» техникаси бўйича кузатувчи хисобланади. Уз муаммосини ечишни хоҳлаган одам бўш стулга келиб ўтириб, бошқалар кузатувчилигига уз муаммосини оптимал йўл билан англашга харакат қиласи. Бу гешталттерапиянинг гуруҳий кўринишидир. Одатда икки стул техникаси хам ишлатилади. Бу Моренонинг иккинчи «Мен» методига ўхшайди.

**Бундан фарқ қилувчи яна бир йўналиш** – бадан билан ишлаш гурухларидир. Бу йўналишга биоэнергетика, фельденкрайса методи, структуравий интеграция, бошланғич терапия ва хоказо бадан билан ишлаш гурухлари киради. Бадан терапияси асосида ретролексия, мускул броняси хосил бўлиши, «зажимлар» тананинг яхлитлиги хис қилишга қаратилган бўлиши ҳақидаги Вильгэльм Райх назарияси ётади.

Нафас олиш харакати машқлари орқали «мускул броня»сида қотган энергия чиқарилади ва шу орқали одам уз «Мен»ини, танасини тўлалигича англашга ўрганади.

Шунга ухашаш йўналишлардан бири **«ракс терапияси»** гурухларидир. харакат орқали, рақс орқали хисларни англаб, энергияни чиқариш – бу йўналишнинг мақсадидир.

Санъат терапияси гурухлари хам мавжуд. Улар сублимацияга асосланган бўлиб, ички онгиззикдаги ортиқча энергияни образлар орқали яратиб, сувратини солиб ёки хайкал ишлаш орқали чиқариб ташлашни уз олдига мақсадқилиб олади. Булардан ташқари, бихевиористик назарияга асосланган гурухлар хам мавжуд.

Юқорида биз хозирги замон психологиясида мавжуд бўлган ва инсон шахсини ривожлантиришга қаратилган индивидуал ва гурухий методларни қисқача таҳлилиниқилибўтдик. Хозирги иқтисодий қийинчилик шароитида ўзига ишончни йўқотиш ва ижтимоий мухитдан қочишига интилиш каби салбий туйғулардан қутулиш учун Ўзбекистонда мазкур психологик методларга таяниб иш кўрадиган гурухий тренинг лабораториясига ухашаш бирор марказ очилса, янги хаёт бўсағасига қадам ташлай деб турган инсонлар учун фойдадан ҳоли бўлмайди. Жамият одамлардан, одамлар эса руҳият ва тана яхлитлигидан ташкил топади. Одам қанча руҳан соғлом бўлса, ўзига ишонса, шунча кўп меҳнат қила олади. Демак, чет эллардаги психологлар фан ютуқларига асосланиб жамият ривожига ўз ҳиссасини қўшаётган экан, бизда хам тез орада ана шундай силжиш юзага келади деган умиддамиз.

### **3.2. Психологик маслаҳатда таъсир ўтказиши методлари**

XX аср бусағасида психология фани ва унинг илғор вакиллари ўзларининг навбатдаги жаҳоншумул илмий мақсадлари - инсонга, айни пайтда, жамиятга психологик хизмат кўрсатиш тизимининг муқаррарлигини назарий-илмий жиҳатдан асослаб беришга

муваффақ бўлдилар. Умуман, психолигик хизмат кўрсатиш муаммоси маълум маънода, илмий психологиянинг етакчи йўналишларидан бири сифатида кўп бор мунозаралар манбаи бўлган. Бу хақда қадимги ва дастлабки психолигик тасаввурлар макони булмиш Хиндистон, Хитой, Миср, Вавилон, Ўрта Осиё, Грециядан, шунингдек, жон (руҳ) хақидаги I- китобнинг муаллифи Аристотелдан ва темперамент (мижоз) таълимотининг асосчилари Галенъ, Гиппократ ва Ибн Синолардан тортиб, то ҳозирга қадар психологлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар ва билдириб келмоқдалар.

Тарих ва ижтимоий ҳаёт тамойиллари шуни кўрсатмоқдаки, жамиятнинг ҳар томонлама ривожланиши ва унда юксак даражадаги ҳаёт, турмуш тарзининг қарор топтирилиши, аввало ҳар бир фаолият кўрсатувчи шахсдаги ўзига хос психолигик салоҳиятнинг не ҷоғлик тўла-тўқис намоён этилаётганлиги билан белгиланади. Зоро, ҳар бир мамлакатнинг порлоқ келажагини одамлардаги ижодий, интеллектуал ва маънавий тараққиёт йўлига хизмат қилувчи давлат механизмисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боисдан бўлса керак, ҳозирги кунда барча ривожланган ва ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатлар биринчи галда ўз фуқароларининг маънавий ва интеллектуал, жисмоний ва руҳий баркамоллигига ва ундан ижтимоий манфаатлар учун самарали фойдаланиш йўлларини излашга жиддий эътиборни қаратмоқдалар. Шу нуқтаи назардан, ҳар бир мамлакатда инсон ва унинг фаолияти ўртасидаги уйғунликни таъминлашга қаратилган ижтимоий-психолигик хизмат тизимининг жорий этилиши алоҳида аҳамият касб этади. Қолаверса, Президент И.А.Каримовнинг "Маънавият ва маърифат жамоатчилик Маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги фармойиши орқали қатъий таъкидланганидек, бугунги кунда "одамларнинг ўзликларини чукур англашини, мустақилликнинг қадрини тобора теран тушунишни, миллий тафаккурнинг кенгайиши ва такомиллашувини, тарихий ҳурлик, мустақиллик руҳининг уйғонишини таъминлаш маънавият соҳасидаги сиёсатимизнинг асосий мақсадига айланиши лозим».

Президентимиз Ўзбекистоннинг бугунги истиқбол ва истиқбол йўлини ифодаловчи бошқа қатор маъruzалари ва асарларида ҳам иқтисодиёт билан маънавият, инсон руҳиятининг баркамоллиги, ҳаётнинг ўзаро ажралмас, бир-бирини тўлдирадиган, ўзаро таъсир

ва акс таъсир этадиган муҳим омиллари эканлигини ва айни пайтда бугунги иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишни, маънавий ўнгланиш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини таъминлашнинг муқаррар ижтимоий зарурат эканлигини қайта-қайта таъкидлайди.

Шунингдек, Президент

И.А.Каримовнинг Республика Олий Мажлиси IX сессиясидаги "Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори" мавзусидаги сўзлаган нутқидан келиб чиқсан ҳолда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастур (1997 йил 29 август) нинг амалда қўлланилиши бугунги шахс фаолиятидан, унинг ижтимоий тараққиётига хизмат қилувчи омилларидан янада унумлироқ фойдаланиш йўлларини излашга даъват этади. Бу эса, аввало инсон маънавияти, руҳияти ва ижтимоий камолоти билан шуғулланувчи психологлар олдига бир мунча жиддий ва масъулиятли вазифаларни қўяди. Бу вазифаларнинг бажарилиши эса ҳар бир шахс ва унинг фаолиятини бугунги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт тамойиллари қўйган талаблар асосида қарор топтиришга кўмақлашувчи психологик хизмат жараёнининг муваффақиятли татбиқ этилишига ҳам боғлиқ эканлиги шубҳасизdir. Зеро, шахс ва унинг фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш муаммосига психологиянинг амалий-тадбиқий йўналишлари асосида ёндашиш зарурлиги ҳақидакўпина олимлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар ва билдириб келмоқдалар.

Психология фани нимадан баҳс юритади - деган савол мавжуддир, бироқ хозирги замонда коррекцион психология фани нимани ўргатади, қанақа предмет деган савол туғилмоқда. Маълумки психология фани шахсни ўрганадиган ягона фан эмас, чунки унинг айrim жиҳатларини фалсафа, педагогика, логика, социология, хатто кибернетика тадқиқ килмоқда. **Коррекцион психологияда-чи?** Бунда психолог болалар, ўқувчилар, талабаларнинг психик тараққиётидаги хулқи ва муомаласидаги нуксон ва камчиликларни аста -секин тузатиш коррекция қилиш дастурини ишлаб чиқаради ва амалиётга уни тадбиқ этади. Бунинг учун улар билан маҳсус машғулотлар ўтказади ва ижодий қобилияtlарни устириш мақсадида тренинглар олиб боради.

Коррекцион ишларда гуруҳнинг кадриятларга йўналганлиги этнопсихологик ва этномаданияти хусусиятлари, элат тарихи , миллат одати, усули, расм-руслари ва бошқа этнос уз аксини топиши лозим.

Коррекцион психология фанида эса инсон шахси ва индивидуаллигини таркиб топтириш жараёнига фаол таъсир кўрсатишни тақозо қиласди. Психологик хизматнинг ушбу йўналишида алоҳида ахамият касб этадиган нарса бу -болалар, ўқувчилар, талабалар хулқининг бузилиши, таълимда ўзлаштиришнинг ёмонлашуви кабиларни ўрганади.

Бугунги кунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва билим бериш тизими ҳаётимизда, жамиятимизда булаётган ислоҳот, янгиланиш жараёнлари талаблари билан яқиндан боғланмаганлиги ҳар томонлама сезилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги таълим муассасаларида, меҳнат жамоаларида бўлажак кадрларни ҳар жиҳатдан тайёрлаш билан боғлиқ психологик хизматнинг илмий-ташкилий жиҳатларига ва айниқса, ижтимоий-психологик муҳофаза имкониятларини тадқиқ қилишга оид маҳсус ўтказилган тадқиқотларнинг ниҳоятда танқислиги; ижтимоий психология, этнопсихология фанларида бугунги психологик хизмат татбиқини қамраб оловчи вазифаларнинг аниқ ва батафсил белгиланмаганлиги; бир неча йиллардан буён талайгина таълим ва меҳнат жамоаларида психологик хизмат кўрсатиш жараёни амалга оширилиб келсада ва айни пайтда, ўзбекистонлик психолог-олимлар томонидан илғор психология илмининг ҳаётга, амалиётга татбиқига оид қатор якунланган тадқиқотлар, кўрсатмалар, тавсиялар мавжуд бўлса-да, Ўзбекистондаги психологик хизмат самарадорлигини алоҳида тадқиқ қилинмаганлиги; таълим ва меҳнат муассасаларида ташкил этилган психологик хизмат тажрибалари мисолида ўқувчи ва ишчи-ходимлар муваффақиятли фаолиятини таъминлашдаги ижтимоий психологик муҳофаза имкониятларини ўрганиш ва камол топтириш билан боғлиқ бугунги Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва истиқбол йўли, ижтимоий - иқтисодий тараққиёти талабларига жавоб берувчи илмий-амалий тавсияларнинг ишлаб чиқилмаганлиги кабиларни бугунги долзарб муаммолардан бири сифатида қайд этиш мумкин.

**Психокоррекция фанининг мақсади** талабаларни психологик коррекция соҳасидаги ҳозирги замон ютуқлари билан

таништириш, олган билимларини амалда ишлата билишни ривожлантиришdir. Шунингдек психокоррекция инсоннинг психик ривожланишидаги камчиликларни тузатиш усулларини қўланнадиган жараёнини хам ўрганади. Психологик ишлар мажмуаси ўқувчиларни мактаб, коллеж ва лицейларда ўқитиш давомида психологик, педагогик жиҳатдан чуқурроқўрганишга йўналтирилган бўлиб, уларнинг индивидуал хусусиятлари, таълимтарбиясидаги нуқсонларни аниқлашга мўлжаллангандир. Ташхиса ва коррекцион ишлар гурухий ёки якка (индивидуал) тарзда ўтказилади. Бу аснода **психолог яққол вазифаларни бажаради**:

- Ёш давр тараққиётининг муайян мезонларига мувофикалигини аниқлаш мақсадида психолог болалар, ўқувчилар, маҳсус мактаб ва билим юрти тингловчиларини, олий ўқув юрти талабаларини психологик текширувдан ўтказади, уларнинг камолот даражаларини белгилайди. ўқитувчиларнинг касбий яроқлиги ва лаёкатини ташхиса қиласди, уларнинг шахс хислатлари, иродавий сифатлари, ҳис-туйгулари, уз-ўзини бошқариш имконияти, интеллектуал (ақлий) даражаси ва педагогик қобилиятини текширади;

-Психолог ўқувчилар ва талабаларнинг психологик хусусиятлари, уларнинг қизиқиши, майли, илк иктидорлиги кабиларни ўрганади, уларга яккахол (индивидуал) муносабат ва ёндашишни йулга куяди, мутахассис ва етук шахс сифатида шаклланишига муайян ёрдам кўрсатади, тренинг (маҳсус машқ) ўтказади.

-Мактабгача ёшдаги болалар, ўқувчилар, коллеж-лицей тингловчилари, олий ўқув юрти талабларида учрайдиган ўқув малакалари ва куникмаларини эгаллашдаги нуқсонлар, хулқатвордаги камчиликлар, ақлий тараққиёт ва шахс фазилатларидағи бузилишлар сабабларини ташхиса қилиб коррекцион ишлар олиб боради.

-Болаларнинг вояга етган одамлар ва уз тенгқурлари (тенгдошлари) билан муомаласи хусусиятини текширади. Уларнинг этнокиёфаси ва этномаданияти хусусиятини ҳисобга олган холда психофизиологик методикаларни муайян шароитга мослаштиради (адаптациялаштиради). Бошқа соҳанинг мутахассислари билан биргаликда руҳий ривожланишдаги нуқсонлар хилма-хиллигини ҳисобга олиб, табакалашган дифференциал ташхисани амалга оширилади;

-Нуқсонларнинг тиббий ва деффектологик табиатни аниқлайди;

-Девиант (қонунбузарлик) аксил ижтимоий хулқ-автор сабаблари ва уларнинг шаклларини белгилайди;

-Гиёхвандлик, таксикоманлик, алькоголизм, ўғирлик, дайдиликнинг ижтимоий-психологик илдизларини текширади, уларнинг омилларини таҳлилқилади ва бошқалар;

-Рахбар кадрлар ва ўқитувчиларнинг касбга яроқлилигини илмий асосда текшириш ва аниқ тавсияномалар ишлаб чиқиш;

-Олий мактаб ходимлари синов (адаптация) муддатини (стажер, ёш мутахассис, ўқитувчи, аспирант ва бошқаларни) ўрганиш ва амалий кўрсатмалар бериш.

-Иш юритиши, сайлов, саралаш, танлов, қабулбўйича илмий-психологик прогноз қилиш, содир бўлиши мумкин бўлган хавфдан маъмуриятни огоҳ этиш ва аттестация, ижтимоий талаб ва буюртмалар юзасидан ижтимоий-психологик ахборотлар тўплаш ва уларни умумлаштириб, тавсия ишлаб чиқиш;

-Мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари, ходимлари ва талабаларида давлат маблагини тежаш туйгусини аниқлаш, тежамкорлик, мол-мулкни асрар ҳиссини, нохуш кечинмаларни жамоа орасида ёппасига текшириш, уларда меҳнатни кадрлаш бурчини шакллантириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш, миллий ғуур, миллатлараро муносабатлар маданиятини таркиб топтириш мажмуасини ишлаб чиқиш;

-ўқувчилар, ўқитувчилар ва мактаб ходимлари, талабаларда ишбилиармонлик қобилиятини ривожлантириш юзасидан илмий-психологик дастур яратиш хамда унинг моддий бойлик ишлаб чиқаришдаги улушини таҳлил қилиш;

-Мактабгача ёшдаги болалар, ўқувчилар коллеж ва лицей тингловчилари, янги типдаги мактаб ўқувчилари, олий ўқув юрти талабаларида учрайдиган ўқув малакалари ва кўнималарини эгаллашдаги нуқсонлар, хулқ – автордаги бузилишлар сабабларини ташхиса қиласи ва уларни бартараф қилиш, коррекция қилиш усууларини ахтаради;

-Болаларнинг вояга етган одам ва уз тенгкурлари билан муомаласи хусусиятини текширади. Уларнинг этноқиёфаси ва этномаданияти хусусини ҳисобга олган холда психофизиологик методикаларни муайян шароитга мослаштиради, яъни «адаптация», бошқа соҳани мутахассислари билан биргаликда руҳий

ривожланишдаги нұқсонларни ҳисобға олиб табақалашған дифференциал ташхисаны амалға оширади. Нұксонларнинг табиий ва дифектологик (лотинча сүздан олинган бўлиб, етишмаслик деган маънони билдиради) табиатини аниқлайди;

-Девиант (қонунбузарлик ижтимоий хулқ- автор сабаблари ва уларнинг шаклларини белгилайди. Гиёхвандлик, таксикомания, алкоголизм, угрилик, дайдиликнинг ижтимоий психологик илдизларини текширади. Уларнинг омилларини таҳлилқилади. Шунингдек раҳбар кадрлар ва ўқитувчиларнинг касбга яроқлилигини илмий асосда текшириб ва тавсияномалар ишлаб чиқиши;

-Олий мактаб ходимлари, синов, адаптация муддатини (стажёр, ёш мутахассис, ўқитувчи, аспирант ва бошқаларни) ўрганиш ва амалий кўрсатмалар бериш, иш юритиш, сайлов, саралаш, танлов, қабулбўйича илмий психологик прогноз қилиш, содир бўлиши мумкин бўлган «хаво»дан маъмуриятни огоҳ этиш;

-Аттестация ижтимоий талаб ва буюртмалар асосида ижтимоий психик ахборотлар туплаш ва уларни туплаб яққол психологиялар яратиш, чет эл муассасалари билан алоқа қилиш, кадрларнинг малакасини ошириш уларнинг интеллектуал потенциалини аниқлаш, фан ва техникани ривожлантириш имконияти ва олий мактабнинг нуфузи тўғрисида материаллар йигиш, уларни психик жиҳатдан таҳлил қилиш ва маслаҳатлар бериш, ўқув қўлланмаларнинг сифати, китобхонлилик муаммоси, ходимлар, талабаларнинг Давлат мулкига муносабати ҳақида маълумотлар туплаш ва уларни умумлаштириш, маъмуриятга ва касаба уюшмасига ахборот тайёрлаш, ётокхонада ўқувчилар ва талабаларнинг талаби, қизиқиши, ижтимоий қараши, нұқтан назари, мослашиши, турмушга нисбатан муносабати тўғрисида маълумотлар тўплаш ва уларнинг фаоллигини ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқариш;

- Иқтидорли ўқувчилар, талабалар, ёш мутахассислар, аспирантларни танлашда иштирок қилиш, илмий психологик тавсиялар ишлаб чиқиш ва шуларга асосланиб уларга нафақалар бериш;

- Ўқувчилар, ўқитувчилар, ходимлар, талабалар ўртасида буш вақтни таъминлаш ва ундан омилкорлик билан фойдаланиш муаммосини, ижтимоий психологик нұқтан назаридан текшириш ва бўш вақтни мақсадга мувофиқташқил қилиш йўллари

хамда улардан этнопсихологик билимлар, маънавий кадриятларни эгаллашда фойдаланиш имкониятини психологик жиҳатдан таҳлил қилиш;

- Мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари, ходимлари ва талабаларда ишбилармонлик қобилияти юзасидан илмий психологик дастур яратиш хамда унинг моддий бойлик ишлаб чиқаришдаги улушкини таҳлил қилиш;

**Психологик хизматнинг мазкур йўналиши, психологдан инсон шахси ва индивидуаллигини таркиб топшириш жараёнига фаол таъсир кўрсатишни тақозо қиласи.** Халқ Таълими соҳасида фаолият кўрсатаётган психологнинг вазифаси муайян қоида, мезонга асосланиб, ўз фаолиятини ташкилқилиб, ёш давр хусусиятларига биноан болалар, ўқувчилар, талабалар психикасини ривожлантириши, шахснинг шаклланиши қонуниятларини амалиётга тадбиқ этиши, уқитувчилар жамоасига ўқувчилар, болалар ва талабалар таълим тарбиясини индивидуаллаштиришда ёрдам бериш, уларнинг қобилияти, майлининг даражасига қараб ўқитувчиларга коррекцион тузатиш ишларини амалга оширишда кўрсатмалар бериш, коррекцион ишда алоҳида ахамият касб этадиган нарса бу болалар, талабалар, ўқувчилар ўсишида, ривожланишда орқада қолиш, унда хулқнинг бузилиши, таълимда ўзлаштиришни ёмонлашуви ҳисобланади.

**Ривожлантирувчи ва психокоррекцион ишлар психолог томонидан хар хил шаклларда, вазиятларда ва холатларда ташкилқилинади:**

а) амалий психологнинг маҳсус иши, машғулоти айрим болалар, ўқувчилар ва талабалар билан алоҳида ўтказилиши режалаштирилади;

б) психологларнинг бошқа бир фаолияти маҳсус равища амалга оширилиб, болалар, ўқувчилар, талабалар гурухларига тарбиявий таъсир ўтказишга йўналтирилган бўлади;

в) ота-оналар, педагогик жамоа иштироқида тарбиявий тадбирлар тарзида машғулотлар олиб бориш назарда тутилади.

Ривожлантирувчи ва психокоррекцион ишлар дастурини шундай тузиш керакки, унда коррекцион ишга жалб қилинувчилар гурухининг қадриятга йўналганлиги, этнопсихологик ва этномаданият хусусиятлари ўз аксини топсин: дастурни халқ, этнос, миллат, элат тарихи, анъаналари, расм-русумлари, удуми, одати, стереотипи кабиларни ҳисобга олган холда тузиш мақсадга

мувофик, ўрта махсус таълимиўқувчилари билан мураббийлар ўртасидаги номутаносиблигни йўқотиш мақсадида махсус машғулотлар ўтказиш: улардаги ўқишдан, ижтимоий мухитдан, эгаллаган ўрнидан, мавқеидан қониқмаслик ҳиссини камайтириш учун тренинг, ишчанлик ўйинлари, психодрамадан фойдаланилади, эмоционал зўриқишининг олдини олиш ва уни камайтириш ниятида махсус хоналар жихозлаш (хона жаҳон стандартларига жавоб бериши, бошқарув пульти, экран воситалари, аудиотренинг, социал тренинг, техник воситаларига, илмий-амалий методикаларга эга бўлиши лозим).

Коррекцион ишлар маълум тартибда, илмий танлов асосида, муайян сеанс бўйича ўтказилиши шарт. Бунда эмоционал зўриқишига учраган шахс миллати, ёши, жинси, индивидуал-типологик хусусияти, таъсирланиш даражаси ҳисобга олиниши керак; тузатиш ишлари машғулот, фаолият, касб хусусиятига мос, мутаносиб бўлиши таъсир ўтказиш самарадорлигини оширади; унда япон услубларини қўллаш хам зарур маълумотлар тўплаш ва тангликни йўқотиш имконини яратади.

Хал қилишнинг психологик шартлари, таълим –тарбиядаги нуқсонларнинг олдини олиш омиллари, йўллари юзасидан ёрдам кўрсатиш зарур. Болалар, ўқувчилар, талабаларнинг шахсий муаммоларини хал қилишда баҳоли қудрат қўмак бериши даркор. Ота-оналарга тарбиявий ишларни амалга оширишда маслаҳатлар бериш, низоли вазият ва психологик холатларни биргаликда таҳлил қилиш ва амалий тавсиялар берилади. Ота-оналарга фарзандларнинг тиббий ёрдамга муҳтоҷлиги ёки бошқа муассасаларга мурожаат қилиш зарурият эканлигини айтсан-педагогик одоб билан тушунтириш, берилаётган кўрсатмаларга уларни ишонтириши шарт. Барча қоидаларга ва тасдиқланган хужжатларга риоя қилинган холда ўтказиладиган ишларни қайд қилиш ва белгилаши лозим.

Ўз фаолиятининг (ютуқ, нуқсон, низо, хамкорлик) натижалари юзасидан юқориташкилотларга ўз муддатида ахборот бериб бориши, қабулқилинган ҳисбот шаклларига хеч огишмасдан риоя қилиши керак. Боғча, мактаб, янги типдаги ўқув юрти ва олий ўқув юртларида махсус талабларга жавоб берувчи, жихозланган психологик кабинетни ташкил қилиши мақсадга мувофик. Амалий психологларнинг семинарлари ва илмий-амалий анжуманларида фаол иштирок қилиши керак. Ўзбекистон Республикасининг

мафкурасига, Конституциясига, ижтимоий, этнопсихологик, ахлоқ-одоб қоидаларига зид бўлган текширишлар ўтказмаслиги керак. Ижтимоий психологоик холатларни ўрганишда махаллий хокимиятга ёрдам бериш ва оммавий ҳаракатларни барқарорлаштиришда олдинги сафда бўлиши даркор.

# **IV-БОБ. ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ ЖАРАЁНИДА ЎСМИРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШ УЧУН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МЕТОДИКАЛАР**

## **4.1. Ўсмирлар фаолиятини ўрганиш усулларининг класификациялари К.Томас тести саволномаси**

Мазкур методика шахснинг зиддиятли вазиятлардан чиқиб кетиш , шахс-хулқ атворидаги **бахс мунозарага, ўзаро ҳамкорликка, ўзаро келишувга, ўзини четга олишга, ўзини мослаштиришга** қаратилган ички етакчи ҳаракат даражаларига шартли равища аниқликлар киритиши мумкин.

### **Методикани қўллаш тартиби:**

Синовчига 30 жуфтликдан иборат саволнома тақдим этилади ва ҳар бир саволномадаги жуфтликдан фақат биттасини яъни ўз хохишларига мос келадиганини танлаш ва белгилаш тавсия қилинади. Ундан сўнгра хар бир танланган жуфтликдаги савол (“а” ёки “б”) методика калити асосида баҳоланади.

### **Методика калити:**

<b>№</b>	<b>Бахс- мунозара</b>	<b>Ҳамкорлик</b>	<b>Келишув</b>	<b>Ўзини четга олиш</b>	<b>Мослашув</b>
1				A	B
2		B	A		
3	A				B
4			A		B
5		A		B	
6	B				A
7			B	A	
8	A	B			

9	Б			А	
10	А		Б		
11		А			Б
12			Б	А	
13	Б		А		
14		А			
15				Б	А
16	Б				А
17	А			Б	
18			Б		А
19		А		Б	
20		А	Б		
21		Б		А	
22	Б		А		
23		А		Б	
24			Б		А
25	А				Б
26		Б	А		
27				А	Б
28	А	Б			
29			А	Б	
30		Б			А

### **К.Томас тести саволномаси**

1. а). Гоҳида мен бошқаларга баҳсли саволларни ечиш жавобгарлигини ўз зиммаларига олишга имкон бераман.  
б). Нима ҳақида келиша олмаслигимизни муҳокама қилишдан олдин, нима ҳақида келиша олишимизга диққатни қаратаман.
2. а). Мен зиддиятли ечимларни топишга ҳаракат қиласман.  
б). Гоҳида мен бошқаларнинг барча қизқишиларидан келиб чиққан ҳолда ишларни бажаришга ҳаракат қиласман.
3. а). Асосан ўз айтганимга эришишга интиласман.

б). Гоҳида мен бошқаларнинг қизиқиши учун ўз қизиқишларимдан кечаман.

4. а). Мен зиддиятли ечимларни топишга ҳаракат қиласман.

б). Мен бошқаларнинг ҳиссиётларига тегмасликка ҳаракат қиласман.

5. а). Мен бахсли вазиятларда бошқаларнинг қўллаб-куватлашларини хохлайман.

б). Мен ортиқча ҳаракатлардан, зўриқишлардан қутилиш мақсадида барча ишни бажаришга ҳаракат қиласман.

6. а). Мен хомуш ҳолатлардан қутулишга интиласман.

б). Мен сўзимни ўтқазишига ҳаракат қиласман.

7. а). Мен бахсли саволларни тўлиқ хал қилиш мақсадида кейинга қолдирман.

б). Мен нимагадир эришиш учун, нимадандир воз кечишини маъқул топаман.

8. а). Мен асосан ўзим хохлаганимдек бўлишга интиласман.

б). Мен биринчи бўлиб қизиқарли ва бахсли бўлган саволларни аниқлашга ҳаракат қиласман.

9. а). Мен ўйлайманки доим хам айрим бир келишмовчиликлар учун хаяжонланиш керак эмас...

б). Мен ўзим айтганим бўлиши учун қаттиқ тиришаман.

10. а). Мен хошишларимга эришиш учун қаттиқ интиласман.

б). Мен низоли қарорларни топишга ҳаракат қиласман.

11. а). Биринчи бўлиб, бахсли ва қизиқарли саволларга интиласман ва аниқлик киритаман.

- б). Мен муносабатларимизни сақлаб қолиш мақсадида бошқаларни тинчлантиришга ҳаракат қиласман.
12. а). Бахсли вазиятларни келтириб чиқарувчи шароитлардан қочишига интиласман.
- б). Мен бошқаларга айрим тортишувларда ўз фикрларида қолишига имкон бераман.
13. а). Мен оралиқ вазиятни таклиф қиласман.
- б). Мен ўзим хохлагандек бўлишни талаб қиласман.
14. а). Мен бошқаларга ўзимнинг қарашларим ҳақида хабар бериб, уларнинг фикрларини сўраб оламан.
- б). Мен ўз қарашларимнинг мохияти ва устунлигини ўзгаларга кўрсатишига интиласман.
15. а). Мен бошқаларни тинчлантиришга ва муносабатларимизни сақлашга интиласман.
- б). Мен зўриқишидан қочиши мақсадида барча имкониятларни яратишига ҳаракат қиласман.
16. а). Мен бошқаларнинг ҳиссиётларига таъсир этмасликка ҳаракат қиласман.
- б). Мен бошқаларни ўзимнинг вазиятимдан устунликларига ҳосил қилишларига ҳаракат қиласман.
17. а). Асосан мен ўз хошишларимга эришишига қаттиқ интиласман.
- б). Фойдасиз зўриқишилардан қочиши учун барча ишларни бажаришига интиласман.
18. а). Агарда бу бошқа бирорни баҳтли қилса унга ўз фикрида қолишига имкон яратган бўлардим.

б). Мен бошқаларга имконият бераман, агарда у менга рўпара келса.

19. а). Мен биринчи навбатда баҳсли ва қизиқарли саволларга тегишли бўлган ишларни аниқлашга интилардим

б). Мен баҳсли саволларни батамом ечишни кейинчалик қолдиришга ҳаракат қиласман.

20. а). Мен тушунмовчиликларни зудлик билан бартараф этишга интиласман.

б). Мен иккаламиз учун қулай ва ноқулай жихатларни топишга интиласман.

21. а). Шартномага киришувда бошқаларга нисбатан эътиборли бўлишга интиласман.

б). Мен муаммоларни тўппадан-тўғри мухокама қилишга интиласман.

22. а). Мен ўзимнинг ва бошқа бир инсон вазиятининг оралиғида турувчи вазиятни топишга ҳаракат қиласман.

б). Мен ўз вазиятимда қоламан.

23. а). Мен хар биримизнинг эхтиёжларимизни қондиришга ҳаракат қиласман.

б). Айрим пайтда бошқаларга баҳсли саволларни хал қилишга интиласман.

24. а). Агарда бирорнинг вазияти ўзи учун жуда мухим туюлса, мен унга қарши боришга ҳаракат қиласман.

б). Мен бошқаларни зиддиятли бўлишга ишонтиришга ҳаракат қиласман.

25. а). Мен бошқаларни хақлигига ишонч ҳосил қилишига ҳаракат қиласман

б). Келишувларга, бошқаларнинг аргументларига эътиборли бўлишга ҳаракат қиласман

26. а). Мен асосан ўрта вазиятни таклиф қиласман.

б). Мен деярли ҳамма вақт хар бир кишининг қизиқишлигини қондиришга ҳаракат қиласман.

27. а). Асосан бахслардан қочишга ҳаракат қиласман.

б). Агарда бу бошқани бахтли қилса, мен унга ўз сўзида туришида имкон берар эдим.

28. а). Асосан мен ўз мақсадимга эришишдан тап тортмайман.

б). Вазиятни барқарорлаштириб мен бошқалардан кўмак излайман.

29. а). Мен ўрта вазиятни таклиф қиласман.

б). Ўйлайманки доим хам келишмовчиликлардан хаяжонланмаслик лозим.

30. а). Мен бошқаларнинг хиссиётларини аяшга ҳаракат қиласман.

б). Мен бахсда шунча вазиятни эгаллайманки, қачонки биргаликда муваффақиятга эришайлик.

## **ҚАДРИЯТЛАР ЙЎНАЛИШЛАРИ САВОЛНОМАСИ (И.Г.Сенин)**

Кишининг ҳар хил истак ва хохишларини акс эттирадиган саволлар диққатингизга ҳавола этилади. Ҳар бир саволни яхшилаб ўқинг ва унинг мазмунини ўзингизга қиёслаб кўринг. Жавоб варианлари қўйидагича:

1. Мен учун ҳеч қандай аҳамияти йўқ.
2. Унчалик мухим эмас.
3. Маълум аҳамиятга эга.

4. Мұхим, зарур.

5. Жуда мұхим, әхтиёжий зарур.

Билингки, бу ерда яхши ёки ёмон, түгри ёки нотұғри жавоблар йүқ. Эңг түғри жавоб чин күнгилдан, холисона берилган жавобдир. Шу сабабли барча саволларга үйлаб, ҳаққоний жавоб берасиз, деган умиддамиз.

### **Марҳамат бошладик.**

1. Бирор ишига атрофдагиларнинг юқори баҳо бериши.
2. Иш жойим орқали ҳар хил камёб нарсаларга эга бўлиш.
3. Барчанинг ҳурматига сазовор бўлиш учун ўқиб, илм олиш.
4. Иш фаолиятимда ихтирочи бўлиш, янгиликка интилиш.
5. Кўп ўқиш, кўпроқ маълумотга эга бўлиш эвазига фаровон ҳаёт манбаига эришиш.
6. Оиласам аъзоларининг мени ҳурмат қилишлари.
7. Ҳамкасбларим билан бажарилаётган иш хусусида тез-тез маслаҳат олиб, сухбатлашиб туриш.
8. Ўрагнаётган билм соҳамда бирор бир янгилик яратиш.
9. Оиласминг бой – бадавлат ҳаёт кечириши.
10. Атрофдагиларнинг назарига тушадиган даражада ижтимоий-сиёсий воқеалардан хабрдор бўлиш.
11. Касбий маҳоратимни доимий равища ошириб бориш.
12. Ҳар хил одамлар билан фаол мулоқотда бўлиш учун юқори маълумот даражасига эга бўлиш.
13. Уй шароитимнинг кўринишини доимо ўзгартириб, янгилаб туриш.
14. Жамоат ишларида фаол қатнашиб, моддий мукофотлар олиш.
15. Ҳавас ва қизиқишларим билан атрофдагиларни ҳайратга солиш.
16. Касбий фаолиятимда катта ютуқларга эришиш.
17. Олган билимларимни тинимсиз ривожлантириш, кенг доирадаги илмий маълумотга эга бўлиш.
18. Оиласада етакчи бўлиш, мулоқотчанлик мұхитини яратиш.
19. Жамият ҳаётига ҳар хил янгиликлар киритиш, одамлар янгича онг, янгича фикрни шакллантириш.
20. Бўш вақтларимда даромад келтирадиган ишлар билан шуғулланиш.
21. Обрў-эътибор келтирадиган касб соҳасида ишлаш.
22. Бирор ишни бошлагач, унга чин қалбдан, берилиб ишлаш.

23. Бирор соҳада таълим олиб, катта муваффқиятларга эришиш.
24. Оиламда ҳар хил тушунмовчиликларга йўл қўймаслик учун бошқа оилалардаги воқеаларни синчковлик билан ўрганиш.
25. Ижтимоий ҳаётнинг янада қизиқарлироқ бўлиши учун одамларни бир-бирига бирлаштириш, ҳамжиҳатликни йўлга қўйиш.
26. Бўш вақтимда илгари мавжуд бўлмаган бирор янги нарсани ихтиро этиш.
27. Иш шароитидан фойдаланиб, шахсий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш.
28. Илмий даражалар ва унвонларга эга бўлиб, обрў-эътибор қозониш.
29. Бошқа касблардан ижобий фарқ қиласиган ўзига хос касб соҳасида ишлаш.
30. Чин юракдан берилиб ўқишиш, илм олиш.
31. Фарзандларимнинг ҳар томонлама ривожланиши, тенгдошларидан устун бўлиши.
32. Жамоат ишлари билан шуғулланиб, ташкилотчилик қобилиятимни ривожлантириш.
33. Қизиқишлирим доирасида ўртоқларим билан биргалиқда бирор бир тўгаракка, клубга аъзо бўлиш.
34. Касбий фаолиятимда ҳар хил иш услубларини синааб қўриш.
35. Ўқиган соҳам бўйича қўшимча моддий таъминланиш имконияти (масалан, ҳар хил пуллик мукофотлар, грантлар ёки танқис моллар учун алоҳида имтиёзлар).
36. Турмуш ўртоғимнинг обрў-эътиборли оилада бўлишилиги.
37. Оддий кишилардан фарқ қилиш учун тинмай ўқиб, илм олиш.
38. Фарзандларимни маънавияти бутун ва тўғрисўз инсонлар қилиб тарбиялаш.
39. Аниқ мақсадлар билан жамият ҳаётида фаол иштирок этиш.
40. Бўш вақтлардаги қизиқишлиримдан бутун қобилиятларимни намоён қилиб, ўз устимда ишлаш.
41. Одамлар билан тез-тез мулоқотда бўлиш имконияти бўлган касб соҳасида ишлаш.
42. Илм-фанда янги, қизиқарли кашфиётлар қилиш, илмий унвонлар олиш.
43. Турмуш ўртоғимнинг оладиган маошининг юқори бўлиши.
44. Бирор ташкилотга раҳбарлик қилиб, обрў-эътиборли бўлиш.

45. Кўпчиликнинг фикрига қарши бўлса ҳам оилавий ҳаётда ўз қарашларимга таяниш.
46. Жамоат ишида фаол иштирок этиб, маънавий озуқа олиш.
47. Қизиқишлирим доирасидаги мақсадларимга тезроқ эришиш.
48. Касбий вазифамни юқори савияда бажариш.
49. Турли илмий муаммоларни ҳал этишга қаратилган анжуманларда фаол қатнашиш.
50. Оилани бошқариш, бола тарбиялашнинг ҳар хил усулларини ўйлаб топиш.
51. Жамиятда ўз ўрнимни топиб, бадавлат яшаш.
52. Ҳавас ва қизиқишлирим доирасида эришган ютуқларим билан мағурурланиб юриш.
53. Ижтимоий-сиёсий дунёқарашимда ўзгаларнинг таъсирига берилмаслик, ўз қарашларимга эга бўлиш.
54. Бўш вақтлардаги машғулотларим билан бутунлай берилиб шуғулланиш.
55. Касбий фаолиятимда аниқ мақсадлар сари интилиб, тез орада уларга эришиш.
56. Ўқищ, таълим олиш жараёнида ақлий қобилияtlаримни ривожлантириш
57. Оилам аъзоларининг тўй-маъракаларида, турли байрам ва маросимларда фаол қатнашиши.
58. Жамиятимиз тараққиётига, унинг иқтисодий ва маънавий юксалишига янги таклиф ва ғояларим билан ҳисса қўшиш.
59. Шахсий қизиқишлиримни моддий бойлик келтирадиган фаолиятга қаратиш.
60. Менинг ҳавас ва қизиқшларим ўзимга хос хислат ва қобилияtlаримни акс эттириши.
61. Қайси касб эгаси бўлмайин, у мазмунли, одамлар учун фойдали, ҳалол бўлсин.
62. Илмий даража ва унвон олиш учун аниқ режа асосида ҳаракат қилиш.
63. Аҳил ҳаёт кечириш учун турмуш ўртоғимнинг феъл-авторини тушуниш ва унга мослашиш.
64. Жамият ҳаётида фаол қатнашиш, тажрибали одамлар билан ҳамкорлик қилиш.
65. Бўш вақтларимда ҳар қизиқарли, ижодий ишлар билан шуғулланиш.
66. Иш фаолиятимда ўзимнинг услубимга эга бўлиш.

67. Маънавий дунёмни бойитиш учун илм билан шуғулланиш.
  68. Оилавий ҳаётимни обдон режалаштириш.
  69. Жамоат ишлари жараёнида одамларни ўз фикрларимга икрор этишни, ишонтира олишни ўрганиш.
  70. Бўш вақтларда дўстлар билан ҳамкорликда қизиқкан машғулотларим билан банд бўлиш.
  71. Ўқиши ва таълим олишда бошқа кишилар билмаган, “теша тегмаган” билимларни эгаллаш.
  72. Оилага нисбатан ҳалол ва садоқатли бўлиш.
  73. Ижтимоий ва ташкилотчилик фаолиятимда катта ютуқларга эришиш.
  74. Ҳавас ва қизиқишлиримнинг доимий равишда кўпайиб, ривожланиб туриши.
  75. Фарзандларимда мустақил дунёқараш, ўзларига хос феъл-авторнинг мавжуд бўлиши.
  76. Жамият ҳаёти учун фойдали инсон бўлиш.
  77. Бўш вақтларимдаги машғулотларимни обдон ўйлаб, аниқ режалаштириш ва мувафаққиятларга эришиш.
  78. Жамоатчилик орасида ўзимга хос мавқега, ўз феъл-авторимга эга бўлиш.
  79. Бўш вактимнинг кўпроқ қисмини ёқтирган машғулотларим билан ўтказиш.
  80. Яқин-атрофда ҳеч ким шуғулланмаган ўзига хос ва ноёб машғулотлар билан банд бўлиш.

# ЖАВОБ ВАРАҚАСИ

### Фамилия

Исм

1. Ҳеч қандай аҳамияти йўқ
  2. Унчалик муҳим эмас
  3. Маълум аҳамиятга эга
  4. Муҳим, зарур
  5. Жуда муҳим, эҳтиёжий зарур

1	37	38	39	40	41	42	43	44	
	2	45	46	47	48	49	50	51	52
		3	53	54	55	56	57	58	59
			4	60	61	62	63	64	65
				5	66	67	68	69	70
1-6					6	71	72	73	74
	2-7					7	75	76	77
		3-8					8	78	79
			4-9					9	80
				5-10					10

## Олинган натижаларнинг талқини I. МАҚСАДЛИ ҚАДРИЯТЛАР БҮЙИЧА

**1. Олий нуфузга эга бўлиш.** Ушбу кўрсатгичлардан юқори баллга эга бўлган киши ҳурмат-эътибор қозонишга, бошқаларда ўзига нисбатан яхши тасаввур пайдо қилиш илинжида бўладила. Айниқса, ўзи ҳурмат қилган ва энг кўп аҳамият берган шахслар олдида “уялиб қолмаслик” учун ўз ҳатти-ҳаракатларида, қарашларида зийраклик, эҳтиёткорлик, юқори тоифадаги кииларга боғлиқлик каби аломатларни намоён қиласди. Кўпинча, бу йўналиш бўйича юқори балга эга бўлган синалувчилар бошқаларнинг улар ҳақидаги шахсий фикрларини билишга жуда қизиқадилар. Чунки бундай кишилар ўз ҳатти-ҳаракатларининг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишидан манфаатдор бўладилар.

**2. Юқоридаги моддий таъминланганлик.** Бу кўрсатгич бўйича юқори балл эгалари – асосан, моддий аҳволларнингмумкин қадар кўтаришга интилган кишилар. Бундай кишилар кўпинча, моддий фаровонликни ҳаётнинг асосий мазмуни деб биладилар. Тўкин-сочин ҳаёт кўп ҳолларда бу тоифадаги одамларда ўзларига юқори баҳо бериш, бошқа (айниқса, камтарин ҳаёт кечирадиган) кишиларни назар-писанд қилмаслик каби салбий хислатларни ривожлантиради.

**3. Ижодкорлик.** Бу кўрсатгич бўйича юқори баллга эга бўлган шахслар ўз ижодий имкониятларини юзага чиқаришга, ҳаётнинг барча соҳаларида ҳар хил ўзгаришлар, киритишга интиладилар.

**4.Фаол ижтимоий муносабатлар.** Бу қадрият йўналиши бўйича юқори кўрсатгич кишининг бошқалар билан ўзаро илиқ муносабатларни ўрнатига доир интилишларини акс эттиради. Одатда бундай кишилар инсонлараро муносабатларнинг барча кўринишларини қадрлайдилар, кўпинча, бошқалар билан ҳамкорлик қилиш имкоиниятини ҳаётда энг қимматли деб биладилар.

**5.Ўз устида ишлаш.** Бу йўналишдан юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар ўз характерларининг хусусиятлари, қобилиятлари ва бошқа шахсий фазилатлари ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишга қизиқадилар. Бундай кишилар одатда ўзларини ҳар томонлама ривожлантиришга, барча фазилатларини камол топтиришга интилиб, иносн чексиз имкониятларга эга эканлигига ишонадилар ва уларни тўлиқ рўёбга чиқаришга эришишни ҳаётнинг мазмуни деб биладилар.

**6.Ютуқларга йўналғанлик.** Бу йўналиш бўйича юқори балга эга бўлган кишилар ўзларининг турли ҳаётий даврларида аниқ ва сезиларли натижаларга, муайян ютуқларга эришишдан манфаатдор бўладилар. Бундай кишилар одатда ўз ҳаёт йўналиларини обдон режалаштириб, унинг ҳар бир босқичида ўз олдиларига муайян мақсадларни қўядилар ва бу мақсадларга эришиш йўлида қатъий ҳаракат қиласадилар. Бундан ташқари, бундай кишилар кўплаб ҳаётий ютуқлари туфайли, кўпинча, мағрур бўлиб ўзларига керагидан юқори баҳо беришга мойил бўладилар.

**7.Маънавий қониқиши.** Бундай кишилар, одатда, ўзларини руҳий-маънавий жиҳатдан қониқтирадига ҳаётий соҳаларни танлашга интиладилар. Улар кўпинча, ўзларига қизиқ бўлган, маънавий озуқа, ички қониқиши бахш этадиган фаолият билан машғул бўлишини жуда зарур деб биладилар.

**8.Ўзликини сақлаш.** Бу кўрсатгич бўйича юқори балл одамнинг бошқалардан мустақил бўлишга доир интилишларини ифода этади. Бундай кишилар одатда ҳаётда энг муҳим нарса деб, ўз шахсининг бетакрорлигини ва ўзига хослигини, ўзига хос ҳаёт тарзига, дунёқарашибга эга бўлишни тушунадилар. Атрофдагиларнинг таъсирига камроқ берилиб, мустақил фикрларига биноан иш юритишга мойил бўладилар, ўзига хос ҳаёт тарзига эга бўладилар.

## **II. ҲАЁТИЙ СОҲАЛАР БЎЙИЧА**

**1.Касбий фаолият.** Бу кўрсатгичдан юқори баллга эга бўлган киши ўз касбий фаолият соҳасига катта аҳамия беради. Бундай киилар қўп вақтини ўз ишларига сарфлайдилар, ишлаб чиқаришдаги барча муаммоларни ҳал этига тезда кирииб кетадилар. Улар касбий фаолиятни ҳаётнинг асосий мазмuni деб биладилар.

**2.Ўқув таълим соҳаси.** Бу кўрсатгичдан юқори баллга эга бўлган киши ўқимишли бўлишга, ўз дунёқарашини кенгайтиришга интилувчан бўлади. Бундай киилар ўқишни, янги-янги билимларни эгаллашни, ҳаётдан орқада қолмасликни энг муҳим нарса деб ҳисоблайдилар.

**3.Оилавий ҳаёт.** Бу кўрсатгичдан юқори баллга эга бўлган киши ўз оиласи билан боғлиқ бўлган барча воқеликларга катта аҳамият бериши билан ажralиб туради. Бундай кишилар оилавий муаммоларни ҳал эти йўлида қўп куч ва вақт сарфлашга мойил бўладилар, баҳтли оила қуришни энг муҳим нарса деб биладилар.

**4.Ижтимоий ҳаёт соҳаси.** Бу кўрсатгич бўйича юқори баллга эга бўлган кишилар жамият ҳаётига доир муаммоларга катта аҳамият беришлари билан ажralиб турадилар. Одатда, бундай кишилар ижтимоий-сиёсий ҳаётга тезда киришиб кетадилар ва ўзларининг ижтимоий-сиёсий қараларини иносният учун жуда муҳим деб ҳисоблайдилар.

**5.Қизиқишлиар олами.** Бу кўрсатгич бўйича юқори баллга эга бўлган кишилар ҳаётида уларнинг шахсий қизиқишилари асосий ўринни эгаллайди. Одатда бундай кишилар бўш вақтларини тўлалигича муайян қизиқишилари учун сарфлайдилар ва бўш вақтларда бирор бир соҳа билан машғул бўлишни ҳавас қилмаган кишилар ҳаётини зерикарли, қўп жихатдан мазмунсиз деб ҳисоблайдилар.

## **III. ҲАЁТИЙ СОҲАЛАР ДОИРАСИДА МАҶСАДЛИ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТАЛҚИНИ**

### **1.Касбий фаолият**

**Олий нуфузга эга бўлиш.** Бу қадрият одамнинг жамият томонидан юқори баҳоланадиган касб соҳасини танлашга интилишларида ўз аксини топади. Бу йўналишдан юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар одатда ўзлари танлаган касб-корга нисбатан одамларда қандай фикрда эканлигини билишга

қизиқадилар ва обрўлироқ бирор касбга эга бўлиш орқали обрў-эътибор қозонишга интиладилар.

**Юқори моддий таъминланганлик.** Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган киилар юқори маошни ёки бошқа моддий таъминотни кафолатлайдиган касб-корни танлашга мойил бўладилар. Агар танланган касб соҳалари ўзлари кутган даражада моддий рағбатлантиришни таъмин этмаса, улар ўз мутахассисликларини ўзгартиришлари ҳам ҳеч гап эмас.

**Ижодкорлик.** Кишининг ўз касбий фаолиятига ижодийлик намуналарини киритига интилишларида ўз аксини топади. Бу кўрсатгич бўйича юқори баллга эга бўлган кишилар меҳнат фаолиятини одатдаги тарзда юритишдан, ҳар кун бир хил усулда иш қилишдан, тезда зерикиб қоладилар. Шунинг учун доимий равишда ўз касбий фаолиятига турли янгиликлар, ўзгаришлар киртишга бўлган интилиш уларга хос хислатлардандир.

**Фаол ижтимоий муносабатлар.** Кишининг ўз касбдошлари билан илиқ, дўстона муоммалада бўлишга интилишларида ўз аксини топади. Бу йўналишдан юқори баллга эга бўлган кишилар учун касбдошлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамкорлик мухитининг ҳукмронлиги муҳим аҳамиятга эга.

**Ўз устида ишлаш.** Ўз имкониятларини касбий ҳаётда юзага иқариш, касбий маҳоратини тобора ошириш каби интилишларда ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар ўз касбий қобилиятлари ва уларни ривожлантириш имкониятлари ҳақида кўпроқ маълумот олишга қизиқувчан бўладилар.

**Ютуқларга йўналганлик.** Ўз касбий фаолиятларида аниқ ва сезиларли натижаларга, ютуқларга эга бўлишга интилиш ва кўп ҳолларда ўзига ортиқча баҳо бери хислати. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишига ўзи бажарган иш жараёнида эмас, балки унинг натижасидан қониқига мойиллик хос фазилатлардандир. Шу билан бирга бундай кишиларга ўз ишларининг оқибатини аниқ режалатириш ҳам характерлидир.

**Маънавий қониқиши.** Кишининг касб-кори, фаолиятини маънавий қониқиши олиб келишига қаратиши, қизиқарли, мазмунли иш ёки касб эгаси бўлишга интилишида ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар ўзмехнатини мазмунан чуқур англашга интилиб, ўзлари бажарган ишнинг натижасидан эмас, балки кўпроқ ишнинг боришидан,

жараёнида завқ оладилар. Бундай одамларга ўзлари қилган ишдан хавотирланмаслик, унинг сифатли бажарилганига ионч билан, маълум маънода мағрурлик билан муносабатда бўлиш хосдир.

**Ўзликни сақлаш.** Мехнат фаолиятида ўзига хос усулдан фойдаланиб, боқалардан қандай бўлмасин фарқ қилишга интилишларидан ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар ўзларига хослигини, бетакрорлигини чертиб кўрсати учун ноанъанавий, ноёб ва нодир мутахассисликларни танлашга мойил бўладилар.

## 2.Ўқув таълим соҳаси

**Олий нуфузга эга бўлиш.** Кишининг жамиятда юқори баҳолангандан маълумот даражасига эга бўлишга интилишларида ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар ўзларининг ёки ўзлари эришмоқчи бўлган маълумотлилик даражаси билан бошқалардан ажralиб туриш, шахсий мавқеларини ўз устларид янада кўпроқ ишлаш, кенг қамровли билимдонлик эвазига кўтариш пайда бўладилар.

**Юқори моддий таъминланганлик.** Юқори маош ёки боқа моддий даромад келтирадиган маълумотга эга бўлишга интилишда ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган киши ўз моддий имкониятларини кўтаришда бажариб турган касб-коридан қаноатланмаса, янада юқори савиядаги маълумотга эришиш истаги билан характерланади.

**Ижодкорлик.** Кишининг ўрганаётган билим соҳасида бирор бир янги нарса топишга, шу соҳада ўзининг ҳиссасини қўшишга интилишида ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган киши ўзи ўрганаётган билим соҳасига бирор бир янгилик киритиш мақсадида уни чукурроқ ўрганишга, янги-янги қирраларини ўзлаштиришга мойил бўладилар.

**Фаол ижтимоий муносабатлар.** Кишининг муайян бир ижтимоий гурух билан уйғунлашишга, у билан ҳамнафас бўлишга интилишида ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар бирор бир ижтимоий гурухга тааллуқли инсонлар билан қалин муносабатларда бўлиш учун ўз маълумотларини муайян савияга етказишишга интиладилар.

**Ўз устида ишлаш.** Кишининг ўз қобилиятларини ривожлантириш мақсадида билим олишга, янги-янги касбий ёки билим соҳаларини ўзлаштиришга, маълумотини оширишга

интилишларида ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар ўзларининг ўқий олиш, ўргана олиш қобилияtlари ва шу билан ўзларини ривожлантири имкониятлари билан ажralиб турадилар.

**Ютуқларга йўналғанлик.** Таълим жараёнида кишининг муайян натижаларга эришишга (ўқишга кириш, диссертация ёқлаш, моддий камолотга етишиш) ёки боқа ҳаётий мақсадларга эришишга интилишларида ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар таълим жараёнининг ҳар бир босқичини обдон режалаштириш, оқибатини ўйлаш, ҳар бир босқичда аниқ мақсадларни ўз олдиларига қўйиш хислати билан ажralиб турадилар. Шу билан бирга ўзларига юқори баҳо беришга мойил бўладилар.

**Маънавий қониқиши.** Кишининг маълум бир билим соҳасини чуқурроқ ўрганишга, айниқса, унинг мазмунига қизиқишида ифодаланади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар билим олиша кучли эҳтиёж сезадилар, ўз маълумот савияларини оширига, тегишли билим соҳасини чуқурроқ эгаллашга интиладилар ва шундан қониқи оладилар.

**Ўзликни сақлаш.** Кишининг таълим олида ўзига хос, ўз шахсий хислатларига мос тамойилларга риоя қилишида ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар таълим олишда ўз йўналишларига эга бўлиб, бошқалардан нима биландир фарқ қилиш, ўз ҳаётий принципларига аксиз амал қилиш истаги билан ажralиб турадилар.

### 3.Оилавий ҳаёт

**Олий нуфузга эга бўлиш.** Кишилар назарига тушадиган оилавий ҳаёт кечиришга интилиш. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар қўпинча, ўз оилавий ҳаёт тарзлари ҳақида бошқа кишиларнинг қандай фикрда эканлигини билишга қизиқувчан бўладилар.

**Юқори моддий таъминланғанлик.** Ўз оиласининг моддий таъминотини мумкин қадар оширишга интилиш хислати. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар одатда оиланинг бахти, мустаҳкамлиги, биринчи галда унинг моддий таъминотига боғлиқ деб ҳисблайдилар.

**Ижодкорлик.** Кишининг ўз оилавий ҳаётига қандайдир ўзгаришлар, янгиликлар киритишга доир интилишларда ўз аксини

топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган доимий равища ўз оиласидаги ҳаётни ранг-баранг қилишга интилиши билан ажралиб туради (масалан, уй-жихозларининг ўринларини янгилаб туриш, оилавий дам олишнинг янгича, ноанъанавий усулларини ўйлаб топиш ва х.)

**Фаол ижтимоий муносабатлар.** Кишининг оила аъзолари билан ўзаро муносабатларига аҳамият беришида ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар ўз оила аъзоларининг муайян ижтимоий вазифани бажаришларига аҳамият беришлари билан ажралиб турадилар.

**Ўз устида ишлаш.** Кишининг турли характер хислатларининг оилавий ҳаёт жараёнида ижобий томонга ўзгартириб боришга интилишида ўз аксини топади. Бу йўнали бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар ўз шахсларининг характер хислатлари, қобилиятлари ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишга қизиқадилар, оила талабларидан келиб чиқиб у ёки бу фаолият турларини бажаришга тайёрдирлар.

**Ютуқларга йўналғанлик.** Кишининг оилавий ҳаётда аниқ натижаларга эришишга (масалан, ўз фарзандларига тезроқ ўқиши-ёзишни ўргатиш, янги уй-жой қуриш, янада мукаммалроқ оилавий ҳаёт шароитини яратишга) интилишларида ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар қўпинча, бошқа кишиларнинг оилавий ҳаётлари ҳақида маълумотга эга бўлишга қизиқадилар, бошқаларнинг оилавий ҳаётда эришган ютуқларига нисбатан ўз оилаларида эришган ютуқларнинг қанчалик муҳимлигини билишга интиладилар.

**Маънавий қониқиши.** Кишининг барча оила аъзолари билан руҳан яқин бўлишга, уларни тушунишга интилишида ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар оилавий ҳаётда чин севгини, оилавий тинчлик, осойишталик, ўзаро ҳурматни жуда қадрлайдилар ва буларни оила баҳтининг энг муҳим шарти деб ҳисоблайдилар.

**Ўзликни сақлаш.** Кишининг шахсий қарашлари, истаклари, ғояларига таянган ҳолда ўз турмуш тарзини яратишга интилишида ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар қўпинча, шахсий ўзига хослигини намоён қилиб ҳатто ўз оилаларидан ҳам мустақил бўлишга, (масалан таътилни якка ҳолда ўтказишга ва х.) интиладилар.

#### **4.Ижтимоий ҳаёт соҳаси**

**Олий нуфузга эга бўлиш.** Кишининг сиёсий-ижтимоий ҳаётида кенг тарқалган қарашларга риоя қилишга уларни қабул қилишга интилишларида ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар ижтимоий-сиёсий мавзуларда фаол итирок этишлари мумкин. Лекин улар одатда ўз фикрларини эмас балки кўпчилик қадрлаган, эътиқод қилган шахсларнинг ғояларини илгари сурадилар. Шу билан ўзларини юқори тоифадаги шахсларга тенглаштиришга, ўшалар доирасидаги кишиларга интилган бўладилар.

**Юқори моддий таъминланганлик.** Кишининг бирор бир моддий рағбатлантириш эвазига ижтимоий фаолият билан шуғулланишга интилишида ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар моддий манфаатдорлик, фойда олиш мумкин бўлган ижтимоий фаолият тури ташкилотчилик, раҳбарлик билан шуғулланишга интиладилар.

**Ижодкорлик.** Кишининг ўз ижтимоий фаоиляйт соҳасини ёки тарзини ўзгартириб, янгилаб туришга интилишида ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар одатда, ижтимоий-сиёсий ҳаётда содир бўлаётган ҳар қандай ўзгаришларга ҳозиржавоблик билан ёндашашдилар. Ижтимоий фаолиятда эскича услублардан воз кечища, янги-янги йўналишларни ўйлаб топишга мойил бўладилар.

**Фаол ижтимоий муносабатлар.** Кишининг мулоқотга йўналганлигини фаол ижтимоий ҳаёт орқали намоён қилишга интилишида ўз аксини топади бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар муайян ижтимоий грух вакиллари билан яқин муносабатлар ўрнатишга, ҳамкорлик қилишга, тарғибот ишларига ёрдам берадиган ижтимоий мавқега эга бўлишга интиладилар.

**Ўз устида ишлаш.** Кишининг ижтимоий ҳаёт соҳасидаги қобилияtlарини юзага чиқариш ва ривожлантиришга интилишларида ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар ижтимоий ҳаёт соҳасидаги қобилияtlари (мулоқотчанлик, ташкилотчилик ва х.) ҳамда уларни ривожлантириш йўллари тўғрисида кўпроқ маълумот олишга қизиқишилари билан ажралиб турадилар.

**Ютуқларга йўналганлик.** Кишининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда аниқ натижаларга ютуқларга эришишга интилишида ўз

аксини топади, лекин бу йўналиш кўпинча ўзига юқори баҳо бериш, ўз қадрини ошириш каби истаклар билан йўғрилган бўлади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган одатда, ўз ижтимоий фаолиятларини аниқ режалаштирадилар, ҳар бир босқичда алоҳида-алоҳида мақсадлар қўядилар ва уларга қандай бўлмасин эришишга интиладилар.

**Маънавий қониқиши.** Кишининг жамият ҳаётини чин кўнгилдан баҳтиёр ва гўзал қилиш истагида ижтимоий фаолият билан машғул бўлишга интилишида ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар одамлар билан боғлик фаолиятлари натижаларидан эмас, балки кўпроқ бу фаолият жараёнидан завқ олишлари билан ажралиб турадилар.

**Ўзликни сақлаш.** Кишининг ҳар хил ижтимоий-сиёсий қарашлари таъсирига берилмасликка интилишида ифодаланади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар жуда кам учрайдиган ижтимоий-сиёсий ғояларни қадрлайдилар, кўпинча эса бундай синалавчилар ўз ижтимоий-сиёсий қарашларига эга бўладилар.

## 5. Қизиқишлиар олами.

**Олий нуфузга эга бўлиш.** Кишининг бўш вақтларида ўзи севган машғулотлари билан банд бўлишга интилишида ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган киши бўш вақтини ўзи қадрлаган, унга намуна бўладиган шахсларнинг фикр ва ғояларига мос миғулотлар устида ўтказади ёки улар машғул бўлган ишларга тақлид қилиб ўтказади ёки улар миғул бўлган ишларга тақлид қилиб, ўзини ривожлантиради, малакасини оширади.

**Юқори моддий таъминланганлик.** Кишининг бўш вақтларида моддий фойда келтирадиган ҳамда шахс учун қизиқ машғулотлар билан банд бўлишга интилишида ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар бўш вақтда соф амалий аҳамиятга эга бўлган (масалан паррандачилик, каптарбозлик каби қизиқиши маҳсулотларини сотиш, айирболаш мумкин бўлган ) ишлар билан банд бўладилар.

**Ижодкорлик.** Кишининг ўз қизиқиши соҳасига ижодийлик намуналари, янгиликлар киритишга кенг имкониятлар очадиган машғулотлар билан шуғулланишга интилишларида ўз аксини топади. Бу йўнали бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар

доимо ўзлари қизиққан соҳага ижодий ёндашиб, бирон бир ўзгариш, янгилик киритишга ҳаракат қиладилар.

**Фаол ижтимоий муносабатлар.** Кишининг одамларга йўналганлик хислатини ўз қизиқишилари воситасида юзага чиқаришга интилишида ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар жамоатчилик асосида амалга ошириладиган машғулотлар билан шуғулланишга, ўзларига ҳам фикр инсонларни излашга ва улар билан ҳамкорлик қилига мойил бўладилар.

**Ўз устида ишлаш.** Кишининг ўз қобилиятлари ва имкониятларидан мумкин қадар самарали фойдаланишга интилишида ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар турли соҳаларни ўзлатириш, ҳар хил мағулотларда ўз кучларин синаб қўришга ҳаракат қиладилар.

**Ютуқларга йўналганлик.** Кишининг ўз қизиқишилари доирасида аниқ мақсадларни кўзлаб, уларга эришига интилишида ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар ўз қизиқишилари соҳасида реал натижаларга эришиш, эришган ютуқларининг муҳимлик даражасини ҳис этиш ва шундан рағбатланиб янги мэрраларни белгилашга мойил бўладилар.

**Маънавий қониқиши.** Кишининг бўш вақтларида бирор бир севган машғулоти билан чин кўнгилдан, берилиб шуғулланишга, унинг мазмунини чуқурроқ англашга интилишида ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар одатда ўзлари бажарган ишларнинг натижасидан эмас балки кўпроқ мағулотнинг ўзидан жараёнидан завқланадилар руҳий озуқа оладилар.

**Ўзликни сақлаш.** Кишининг шахсий хислатларини чертиб кўрсатадиган соҳалари билан машғул бўлишга интилишида ўз аксини топади. Бу йўналиш бўйича юқори кўрсатгичга эга бўлган кишилар нодир, ноанъанавий мағулотлар билан интилиб, ўзига хос тафаккур тарзи, касб-корга бўлган қобилиятларини тобора чуқурлаштиришга мойил бўладилар.

## **Ўсмирларга Агрессив холатлар диагностикаси**

1 Мен узгаларга ёмонлик килишдан узимни тухтатолмайман

- 2 Мен узим ёмон курган одамлар хакида миш-миш таркатаман  
3 Мен тез жizzакилик килиб тез совийман  
4 Мен яхшилик билан илтимос килмаса бироннинг айтганини  
килмайман  
5 Узимга тегишли нарсани хар доим ололмайман  
6 Мен хакимда орқадан гапирадиганлар хам бор  
7 Мен айрим уртокларимнинг хулкини ёқтираслигимни узлариға  
билдириб куяман  
8 Бирони алдаганим учун вижданан кийналаман  
9 Мен бирони уролмайман  
Менинг идишларни синдириб юборадиган даражада жахлим  
чикмайди  
11 Мен биронларнинг камчиликларини кечиролмайман  
12 Мен турли хил коидаларни бузишни ёқтираман  
13 Бошқалар темирни кизигида босишни билишади мен билмайман  
14 Мен билан яхши муносабатда булганлар билан хам сал  
хуркиброк муомала киламан  
15 Мен куп холда бошқаларнинг гапига кирмайман  
16 Баъзан менга шундай фикрлар келадики улардан уяламан  
17 Агар мени бирон урса унга жавоб беролмайман  
18 Жахлим чикганда эшикни тараклатиб ёпиб кетаман  
19 Мен биронлар уйлаганидан хам ортиқрок жizzакиман  
20 Ким узини катта тутса уша билан олишгим келади  
21 Мен уз такдиримдан ичим куймайди  
22 Мени купчилик ёқтиромайди  
23 Агар бирон гапимга тескари гапирса у билан охиригача  
тортишаман  
24 Ишдан узини олиб кочадиган одам узини айбдор сезиши керак  
25 Агар бирон менинг оиласини кадрини ерга урса у билан  
муштлашаман  
26 Мен купол хазил килолмайман  
27 Агар бирон менинг устимдан кулса уни улдиргим келади  
28 Ким узини катта тутса мен уни жойига куйиб-куя оламан  
29 Мен доим узим ёқтираган одамни куриб тураман  
30 Купчилик менга ичикоралик килади  
31 Мен биронлар мени хурмат килишини хохлайман  
32 Мен ота-онамга куп яхшилик килолмаганимдан афсусдаман  
33 Йулдан адаштириб турадиган одамларнинг бурнига каттик  
чертиб юборгим келади

- 34 Мен ёмонликдан хеч качон ковогимни солиб утирмайман  
35 Менга сузимга ва килмишимга яраша жавоб беришса хафа булмайман  
36 Бирор менинг жонимга тегса унгаахамият бермайман  
37 Мен хеч качон бирорга хасад килганимни сездирмайман  
38 Баъзан одамлар менинг устимдан қулаётганини сезиб тураман  
39 Жаҳлим чикса хам сукинмайман  
40 Менинг гунохларимни кечиришларини хохлардим  
41 Агар мени бирор урса баъзан жавоб кайтараман  
42 Агар менинг айтганим булмаса хафа буламан  
43 Баъзи кишиларни курсам жаҳлим кузгайди  
44 Мени хакикатдан хам жуда ёмон қурадиган одамим йук  
45 Менинг принципим-бегоналарга ишонма  
46 Мен жонимга тегса аяб утирмайман  
47 Мен купинча килган ишларимдан афсусланиб юраман  
48 Жаҳлим чикса бирорни уришим хам мумкин  
49 Болалигимда жаҳлим чикиб ут олиб кетмаганман  
50 Мен портлаб кетадиган порох тула бочкага ухтайман  
51 Мен билан ишлаш кийинлигини одамлар билади  
52 Одамлар менга турли сабабларга қура тавозе курсатади  
53 Агар менга бакиришса мен хам бакираман  
54 Омадсизлик мени хафа килади  
55 Мен хам бирор билан уришиб тураман  
56 Жаҳлим чиккан пайтда қулимга кирган нарсани отиб юборган пайларим булган  
57 Муштлашишга тугри келса биринчи булиб бошлагим келади  
58 Мени хаёт нотугри такдирларгарупара киляпти  
59 Илгари хамма одамлар тугри гапиради деб уйлардим хозир эса ишонмайман  
60 Жаҳлим чикганда захримни бирорга соча оламан  
61 Агар нотугри иш килсан виждоним кийналади  
62 Агар уз хулкимни химоялаш учун жисмоний куч ишлатишга тугри келса куч ишлата оламан  
63 Мен баъзан столга уриб гапиришим мумкин  
64 Узимга ёкмаган кишига купол гапираман  
65 Менга зиён киладиган душманларим йук  
66 Мен бирорвинг bemaza гапини эшитиб тураман лекин жавоб беролмайман

- 67 Мен нотугри яшаяпман бошкача яшашим керак эди деб куп уйлайман
- 68 Мени муштлашишгача олиб борадиган одамлар дустларим орсида борлигини биламан
- 69 Мен майда-чуйдадан хафа булмайман
- 70 Мени биревлар менсимайди деб кам уйлайман
- 71 Мен куп дук-пуписа киламан лекин ушани амалга оширмайман
- 72 Кейинги пайларда мен мингир-мингир киладиган булиб колганман
- 73 Агар бирев билан уришсам овозимни баландлата оламан
- 74 Биревни улгудай ёмон курсам хам билинтирмайман
- 75 Мен тортишиб утиргандан кура хуп деб куйишни афзал кураман

Жисмоный агрессия		Билвосита Агрессия		жахлдорлик		негатив		Хафабулиш		Ёлгон гумонсираш		Вербал агрессия		Гунохкорлик хисси	
X	й	ха	й	ха	й	ха	й	ха	й	ха	й	ха	й	ха	й
a	ук	2	ук	3	ук	4	ук	5	ук	33	ук	7	ук	8	ук
1	9	10	26	19	11	12	36	13	-	66	6	15	33	6	-
2	7	18	49	27	35	20		21	-	74	14	23	66	24	-
5		34		43	69	29		29	-	75	22	31	74	32	-
3		42		50				37	-		30	46	75	40	-
1		56		57				44	-		38	53		47	-
4		63		64				51	-		45	60		54	-
1				72				58	-		52	71		61	-
4									-		59	73		67	-
8															-
5															
5															
6															
2															
6															
8															

## Ўсмир шахсининг муваффиқиятга эришиш мотивациясини ўрганиш методикаси.

Қүйида сизга 41 та савол берилади. Сиз уларга «ҳа» ёки «Йўқ» деб жавоб беринг.

1. Иккита вариантдан биттасини танлаш имконияти бўлганда, номаълум вақтга чўзиб ётгандан кўра, биттасини тезроқ бажаришга киришган маъқул.

2. Мен 100 фоизга ишни яхши бажара олишимга ишончим бўлмаса, жуда тез аччиқланаман.

3. Мен ишлаётган чоғимда шундай бўладики, мен бутун вужудим билан унга киришиб кетгандайман.

4. Муаммоли вазият пайдо бўлганда, мен охиргилардан бўлиб, қарор қабул қиласман.

5. Агар икки кун қаторасига ишсиз қолсан, мен ўзимни қўярга жой топа олмайман.

6. Баъзи кунлари менинг ютуқларимни ўртачадан паст деб баҳолаш мумкин.

7. Мен ўзимга бошқаларга нисбатан талабчанроқман.

8. Мен бошқаларга нисбатан меҳрибонроқ ва ғамхўрроқман.

9. Мен қийин бир ишдан бош тортганимдан сўнг, кўпинча афсусланиб, ўзимни койийман, чунки биламанки, агар шу ишни қилганимда, албатта, муваффиқиятга эришган бўлардим.

10. Иш жараёнида мен бироз хордиқ чиқаришларга муҳтож бўламан.

11. Тиришқоқлик — мендаги асосий сифат эмас.

12. Менинг ишдаги ютуқларим ҳар доим ҳам бир хил бўлавермайди.

13. Мени ўзим шуғулланаётган ишдан бошқа ишлар ўзига ром этади.

14. Мен мақташганидан кўра, танбех беришса, киришиброк ишлайман.

15. Мен ҳамкасларим мени ишchan одам дейишларини биламан.

16. Пайдо бўлган тўсиқлар қарорларимни қатъйироқ қиласми.

17. Менинг иззат — нафсимга тегиши осон.

18. Кўтаринкиликсиз ишлаган чоғларимни тезда сезишади?

19. Ишни бажариш жараёнида мен бошқаларнинг ёрдамига таянмайман.

20. Баъзан мен ҳозир бажаришим лозим бўлган ишни кейинга қолдираман.

21. Одам фақат ўзига ишониши керак.

22. Ҳаётда пулдан ҳам мұхимроқ бўлган нарсалар кам.
23. Мен мұхим ишни бажаришим бўлган пайтларда бошқа ҳеч нарсани ўйламайман.
24. Мен бошқа кўпчиликка нисбатан иззатталаб эмасман.
25. Таътил ниҳоясида мен одатда ишга қайтишимни ўйлаб, қувонаман.
26. Ишлагим келган пайтларда, мен ишни бошқаларга нисбатан яхшироқ ва сифатлироқ бажараман.
27. Мен тиришиб, сидқидилдан ишлайдиган одамлар билан тез киришиб кетаман.
28. Мен бекорчилик пайтларимда, ўзимни беҳаловат ҳис қиласман.
29. Мен бошқаларга нисбатан кўпроқ масъулиятли ишларни бажараман.
30. Мен ўзим қарор қабул қилишим керак бўлганда, буни ситқидилдан яхши бажаришга интиlamан.
31. Менинг дўстларим мени баъзан дангаса, деб койишади.
32. Менинг ютуқларим маълум маънода касбдошларимга ҳам боғлик.
33. Раҳбарнинг раъйини қайтариш бесамара иш.
34. Баъзан қандай ишни бажараётганлигинги ҳам билмайсан.
35. Ишим юришмаганда, мен бетоқат бўлиб қоламан.
36. Мен одатда ўз ютуқларига кам аҳамият бераман.
37. Бошқалар билан ҳамкорликда ишлаганимда, менинг ишим бошқаларнидан самаралироқ бўлади.
38. Кўпгина бошлаб қўйган ишларимни охирига етказмаганман.
39. Мен иш билан унчалик банд бўлмаган одамларга ҳавас қиласман.
40. Мен хукмронликка ва амалга интилган одамларга ҳавас қилмайман.
41. Мен ўзимнинг ҳақлигимга ишонсам, ҳақиқатни исбот қилиш учун ҳар нарсага боришга тайёрман.

### ***Калим:***

Сиз қўйидаги саволларга «ҳа» деб жавоб берган бўлсангиз, 1 балдан оласиз:

2, 3, 4, 5, 7, 8, 9, 10, 14, 15, 16, 17, 21, 22, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 32, 37, 41.

Яна 1 балдан қуидаги саволларга «Йўқ» деб жавоб берган бўлсангиз оласиз:

6, 13, 18, 20, 24, 31. 36, 38, 39. Тўплаган балларни ҳисоблаб чиқинг.

***Натижаси:***

1 балдан 10 балгача: Сиздаги муваффақиятга мотивация паст;  
11 балдан 16 гача: мотивация даражангиз ўртача;  
17 балдан 20 балгача: мотивация даражангиз анчагина юқори;  
21 балдан ортиқ бал: ютуққа нисбатан мотивация Сизга жуда юқори.

***4.2. Ўсмирларга психологияк хизмат кўрсатишда психотренингларни ташкил этиши.***

Одамларнинг жамиятда ҳамкорликдаги иш фаолиятлари жараёни давомида уларда ҳосил бўладиган тасаввурлар, фикрлар, эътиқодлар, ғоялар, ҳис-туйғулар, кечинмалар, турли хил хулқ атвор шаклларини психологиянинг асосий соҳаси бўлган социал психология ўрганади ва тушунтириб беради. Ҳар бир шахснинг жамиятда яشاши унинг социал нормаларга риоя қилган ҳолда ўзига ўхшаш одамлар билан ўрнатадиган мураккаб ўзаро муносабатлари ва уларнинг таъсирида ҳосил бўладиган ҳодисаларнинг табиатини ва қонуниятларини тушунтириб бериш – социал психологиянинг асосий вазифасидир.

Социал психологик тренинг ана шундай мураккаб психик воқеликларни ўрганувчи социал психологиянинг Амалий татбиқий соҳаси ҳисобланади.

Ҳозирги даврда социал психологиянинг долзарблиги ва унинг жамиятдаги содир бўлаётган барча жараёнларга алоқадорлиги унинг татбиқий соҳалари доирасини ҳам кенгайтирди. Социал тренинг аввало шахс ёки гуруҳни самарали муроқот малакаларига ўргатиш ва улардаги коммуникатив билимдонликни ошириш усулларини ва уларни амалиётга тадбиқ этиш чора тадбирларини ишлаб чиқади.

Психологияда социал тренинг ва шунга ўхшаш фаоллик психологик методларнинг пайдо бўлиши психология фанида шахс ва унинг имкониятларини ўрганишга нисбатан қарашларнинг ўзгариши билан боғлиқ. Чунки психология тарихидан маълумки бу

Фан XIX асрнинг охирларигача ҳам алоҳида шахс психологиясини ўрганувчи атомистик Фан сифатида қаралган. Унинг шаклланиши, тараққиёти ва турли фазилатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган омиллар орасида социал психологик омилларнинг роли ва ўрни шу давргача тан олинмаган ва маҳсус тарзда тадқиқ этилмаган эди.

Социал психологик фикрлар шаклланиши тарихидан шу нарса маълумки XIX аср охири ва XX асрнинг бошларига келиб психологик тадқиқотлар жараёнида социал психологик омиллар ҳам аста-секин ҳисобга олина бошланди. Масалан: кейинги йилларда (халқлар психологияси, омма психологияси, хулқнинг социал мотивлари назарияси) ва бошқалар каби социал психологик соҳалар тадқиқ этила бошланди. Бунга сабаб қуидагича эди: шахс фаолияти жараёнида унинг ёнида бошқа шахсларнинг бўлиши, ёки яқинлиги уларнинг хулқ-авторига таъсир қиласидими, агар бундай таъсир мавжуд бўлса у ижобийми, ёки салбийми? Каби саволларга жавобнинг ечимини топиш зарурати туғилди.

Маълумки, янгилик доимо айrim қийинчиликлар ва кишилар онгидаги тўсиқлардан ўтиб, ҳаётда ўз аксини топади. Социал психологик тренингнинг шахс тарбияси, унинг социал вазиятларга тўғри мослашиши, мулоқот маданияти ва техникасининг ҳосил бўлишидаги аҳамияти чексиз. Лекин бунга ўхшаш технологиялар инсоний муносабатлар соҳасида янги бўлиб, уларни кенг амалиётга жорий этишда халқнинг психологияси, унинг минг йиллар мобайнида шаклланиб, халқ онги ва хотирасида сақланиб, мустаҳкам ўрнашиб кетган анъаналар, расм-русумлар ва одатлар қаторида ўз ўрнини топишига алоқадор маҳаллий ҳамма миллий ўзига хосликни ҳисобга олиш зарур.

Бу ўринда китобхон диққатини икки нарсага қаратиш ўринлидир. Биринчидан, ўзбек халқи ва Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллат вакилларида асрлар давомида шаклланиб, сайқал топган муомала маданияти, одоб-ахлоққа алоқадор фазилатлар ва қадриятлар борки, улар дунё цивилизацияси доирасида жуда юқори баҳоланиб келинмоқда. Лекин, ана шу олижаноб инсоний муносабатларда айrim жиҳатлар борки, улар айнан социал психологик тренингни ташкил қилиш ва ўтказища ўзига хос хусусиятларни келтириб чиқаради. Масалан, ўзгалар фикрига эргашиш, шахс ёши ва ҳаётий тажрибасини, жамиятдаги обрў-эътиборни ҳар қандай шароитда ҳам ҳисобга олиш, танқид ёки ўзини танқид қилишда юз-хотирлик фазилатлари, ўз ҳиссий

кечинмаларини ўзгалар олдида очиқ-ойдин изҳор қиласлик, Европа стандартлари бўйича социал психологик тренингни ташкил қилиш ва ўтказишга монелик қилиши мумкин. Иккинчидан, халқнинг, айниқса, ёшларнинг янгиликларга интилувчанлиги, янги инновацион технологиялар, хорижий тилларни ўрганишга интилувчанлиги ва бу борадаги ёшлар иқтидорини ҳисобга оладиган бўлсак, уларда жаҳон талаблари даражасида тренингларни фақат ёшлар аудиториясида ташкил этиш мақсадга мувофиқмикин, деган табиий савол пайдо бўлади.

Бизнинг фикримизча, ҳар қандай вазият ёки омил доирасида ҳам этнопсихологик ва ҳудудий ўзига хосликлар ҳисобга олиниши зарур. Бу ўринда шу нарса ҳеч қандай эътиrozсиз қабул қилиниши лозимки, ҳозирги даврда ўқитиш ва таълим-тарбия тизимининг барча жабҳаларида фаол социал психологик тайёргарлик усулларидан фойдаланиш ва фойдаланилганда ҳам унинг энг самарали, миллат психологиясига мос услубларни кенг тарғиб этиш ва амалиётларда жорий этиш лозим. Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга оширишда ҳам узлуксиз таълимнинг барча босқичларида фаол методлардан кенг кўламда фойдаланиш ўзининг самарасини бериши шубҳасиз. Зоро, бугунги кунда билимдонликнинг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳам социал психологик билимдонликдир. Бу нарса, айниқса, катталар фаолиятини тўғри ташкил этиш ва уни ўзгартириш борасида ўз ўрнига эга.

Социал психологик тренингни ташкил этишнинг ҳудудий ва миллий жиҳатларини ҳисобга олиш деганда нималарни тушунамиз?

**Биринчидан**, ҳар бир тренингнинг мақсадига ойдинлик киритилаётганда, унинг қайси тоифали кишиларга мўлжалланганлигига қараб таҳлил қилиш. Масалан, айrim психодрамматик ўйинларда катталар ва кичиклар, эркаклар ва аёллар, ҳаттоқи, турли касб эгалари ва насаб вакиллари аралаш иштирок этилаверган. Лекин бизнинг шароитимизда агар катта ёшлилар билан ёшларни, мансабдорлар билан оддий фуқароларни, эркаклар билан аёлларни қўшиб тренинг ўтказиш режалаштирилса, у ўзининг яхши самарасини бермаслиги мумкин. Бизнинг тажрибалардан шу нарса аён бўлдики, тренингни бошлашдаги кириш қисмида иштирокчилар ўртасидаги психоэмоционал тангликнинг олдини олиш учун эркин мулоқот ёки хушомадлар қилиш машқлари ҳам аралаш жинсли аудиторияларда жуда

қийинчилик билан кечди. Ёки бошлиқ билан ходим бирга бўлган ҳолларда, ташаббус негадир доимо бошлиқ қўлида қолаверади. Одатда роллар алмашинуви мавжуд бўлиб, улар сунъий равишда ўзгартирилганда ҳам, улар хулқида тортинчоқлик, кўнглидаги бор гапларни айта олмасликларни учратиш мумкин. Шунинг учун қисқа вақт оралиғида ўтказилган тренингларда гурух аъзоларини ўзига мос тоифаларга қўшиш жонлироқ мулоқотларга сабаб бўлди.

**Иккинчидан**, тренингда иштирокчиларнинг яшаш шартшароитлари, яшаш ҳудуди ҳам ҳисобга олиниши зарур. Масалан, шаҳар ва қишлоқ, ишчилар шаҳарчаси вакили билан дехқонлар ўртасидаги мулоқотлардан тез самара олиш ҳам осон эмас. Ҳаттоқи, бундай тоифали инсонлар "тилига" хос жиҳатлар ҳам мавжудки, улар мулоқот пайтида қийинчиликлар ва руҳий англашилмовчиликларни келтириб чиқарди.

**Учинчидан**, ўйин усулларини Т-гуруҳларда қўллашда ҳам кутилган натижага эришиш учун миллий қадриятлар, миллий таъб ва дид ҳисобга олиниши керак. Катталар гуруҳида ўйинни ташкил этиш учун гуруҳ иштирокчиларини кўпроқ психоэмоционал қўникишларига имкон яратиш, бир-бирларини янада яхши таниб олишларига шароитлар яратиш зарур. Чунки бизнинг халқимизда бегоналар олдида ўз ҳиссиётларини яшириш, тортинчоқлик, истиҳола қилиш сифатлари борки, шу сабабли одам сунъий ўйин шароитига қўникиш учун маълум вақт талаб қилинади. Бундан ташқари, ўтказилган кузатишлардан шу нарса маълум бўлдики, бир сеансда ўйнаган ролга тақлид қилиб, уни қайтариш ҳоллари ҳам миллий психологияда шахсан маъқул бўлган хулқ шаклига тақлид қилиш ва таъсирланишдан келиб чиқади. Шунинг учун бу ҳолатнинг олдини олиш учун ўйинчиларга олдиндан турли вариантли хулқ-автор шакллари ҳақидаги сценарийлар билан таништирилгани маъқул, акс ҳолда, кутилганидек, кўп вариантли ҳаракатлар модели вужудга келмайди.

**Тўртинчидан**, азалдан ўзбек оиласи ва маҳаллалар фаолиятида устувор бўлган жиҳат шуки, аёллар ва эркаклар алоҳида эталонлар билан тарбияланган ва кўп ҳолларда улар фаолияти алоҳида-алоҳида ташкил этилган. Шунинг таъсирида бўлса керак, Т-гуруҳларда жинслараро аралашув рўй берганда, эркин фикрлаш ёки ҳаракатлар ўз-ўзидан чеклана бошлайди. Шунинг учун мунозара, баҳс ёки ролли ўйинлар ташкил этишда ҳам жинсий ўзига хосликлар инобатга олиниши ёки ўйинчиларни максимал тарзда фаоллик кўрсатишлари

мақсадида гурухлараро жинсий бўлинишларни ҳам ҳисобга олиш даркор. Экспериментал кузатишлар шуни кўрсатдики, масалан, қизлар гурухи алоҳида ўйин шароитига қўйилганда, bemalol, эмоционал жиҳатдан бой тренинглар кўрсатдилар, унда улар ҳам эркак, ҳам аёл, ҳам катта, ҳам кичик ролларига bemalol кира олдилар. Йигитларнинг соф гурухида ҳам иккала ролни уддалаш ҳоллари кузатилди. Лекин аралаш гурухлар шароитида бундай самарага эришиш учун кўпроқ вақт, психологик маҳорат ва қайтаришлар талаб қилинди.

Бешинчидан, маҳаллий шароитда шахснинг эркин ўз фикрини охиригача баён этишга ўргатиш маълум қийинчиликлар билан рўй беради. Чунки халқ онгида ўзгалар фикри билан ҳисоблашиш, "обрўли бироннинг" ишига тақлид, ўқитувчи айтган фикри танқидсиз қабул қилиш . анъаналари мавжуд. Бу жиҳат ҳам самарали тренингни мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этишга кўпинча тўсик бўлади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон шароитида социалпсихологик тренингни ташкил этишга жуда пухта тайёргарлик қўриш, гурухларни шакллантиришда ёш, жинс ва мавқега боғлиқ жиҳатларни ҳисобга олиш, машқлантиришни (тренировкаларни) маълум маънода узоқроқ муддатли қилиб ташкил этишга эътибор бериш зарур. Айниқса, бу ўринда бошловчи-тренер шахсига бериладиган эътибор катта. Чунки, агар у кўпроқ ташаббускорлик қилиб, ўз "эрудициясини" намоён қилиб қўйса, мунозара қисқа бўлиши, ёки тажрибасизлиги аён бўлиб қолса ҳам мулоқот самарасиз якунланиши мумкин. Шунинг учун ҳам у жиддий тайёргарликдан ўтган, тренинг тажрибасига эга бўлган малакали мутахассис бўлиши мақсадга мувофиқ. У нафакат айрим шахслар ва гурухлар психологиясини, балки миллий психологияни маҳсус равишда ўрганган, ўта кузатувчан ва билимдон шахс бўлиши жоиз.

Ўзбекистонда мавжуд бўлган психологлар тайёрловчи олийгоҳлар ўз дастурлари доирасида ана шундай назарий ҳамда амалий малакаларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътиборни қаратмоқлари, педагогика олийгоҳлари ва бошқа йўналишдаги ўқув юртларида ҳам социал психологик тренернинг ўша ихтисосликка алоқадор машқларини ўқув дастурларига киритиш лозим.

Фақат шундагина, биз синфга кириб ўқувчилардан чўчимайдиган, балки улар фаолиятини илмий жиҳатдан тўғри ташкил эта оладиган билимдон ўқитувчиларни, ўз жамоасидаги ҳар

бир аъзо билан, бошлиқ ёки бўйсунувчи ходим (тобе одамлар) билан тўғри муносабатлар ўрната оладиган зиёли шахсларни социал фаолиятнинг турли соҳаларига олдиндан қисман тайёрлаган бўламиз. Шу нарсани яна ҳисобга олиш лозимки, ИПТлар меҳнат жамоаларидағи социал ходимлар - психолог, социолог ва бошқаларнинг ҳам одатий ишларидан бирiga айланиши, жойлардаги мутахассисларни психологик коррекция қилишда тренинглардан унумли фойдаланиш керак. Ана шундагина, мамлакатимизда демократик жараёнларга одамларни ва яхлит гуруҳларни тайёрлаш иши янада жадаллашади ва шарқона демократик тамойиллар ҳар бир шахснинг онги (шуури)га айланади.

### **Ўсмирларга низоли вазиятларни бартараф қилишга мўлжалланган ўйинлар:**

#### **«Низоли вазиятларни ҳал этиш».**

**Мақсад:** Низони бартараф этувчи ҳаракатлар намунасини ҳавола этишдан иборат (айни ҳолатда бу - ўз-ўзига ишончли ҳулқатвор кўринишидир). Иштирокчиларни «ичи пуч» низоларнинг сабаблари билан таништириш. «Ижтимоий хавфли» вазиятлардан конструктив (ижобий ечим топган ҳолда) чиқиб кета олиш ва низодан четда қолиш малакаларини шакллантириш.

**Материаллар:** Вазиятлар баён этилган 3 хил рангли қофозлар.

#### **Вазиятлар:**

N1: «Тенгқурларинг ҳали бирор марта сигарет чекиб кўрмаганингни мазах қилиб устингдан кулишаяпти. Улардан бири сенга: «Сен ҳали ёш боласан ва бундай жиддий ишлар билан шуғулланиш сенга эрталик қиласди», - деди. Унинг гапи сенга жуда оғир ботди ва Сен унга жавоб беришга қарор килдинг.

N2: Хулқи яхши бўлмаган тенгқурларингдан бири кечқурун қаердадир ўтадиган кечага сени таклиф қиласди. У бола (қиз) спиртли ичимлик истеъмол қиласди ва ҳатто сигарет ҳам чекади. У сенга: «Юр, бир дам олиб келамиз, сен ахир катта йигитсан-ку (қизсан-ку), ўйингдагилар сенга рухсат беришади-ку», -деяпти. Бу вазият сени безовта қиласди ва сен унга рад жавобини бермоқчисан.

N3: Агрессив ҳолатдаги киши иккинчи - ўзига ишонган ва эътироz билдираётган одамни спиртли ичимлик ичишга ундаяпти.

Ўйиннинг бориши: Ўйин 20 минут давом этади.

1. Бошловчи кўпинча учрайдиган низоли вазиятларнинг сабабларини айтади ва уларнинг олдини олиш ёки улардан чиқишининг қадам-бақадам босқичларини санаб ўтади.

«Ичи пуч» низоларнинг сабаблари:

Кўпинча одамлар ўртасидаги низоли муносабатларнинг сабаби - улар бир-бирларини ёки бирон муаммога нисбатан шеригининг муносабатини охиригача яхши тушунмаслигидадир. Бундай вазиятларда сухбат келишиш йўналишида эмас, балки ўзаро талаблар қўйиш даражасида олиб борилади. Кўп жихатдан, бу хил ҳаракат услубини танлашнинг сабаби низоли вазиятлардан чиқиш тажрибасининг йўқлиги ва низоларни конструктив ҳал эта олмаслиkdir.

Низони конструктив ҳал этиш учун ҳар икки томонни нима қониқтирмаётганлигини аниқлаб олиш зарур. Бунинг учун эса бир неча қадамдан иборат бўлган қўйидаги алгоритмни ўзлаштириб олган маъкул:

\*\*\*Муаммонинг моҳиятини ва айни пайтда нимани ҳис этаётганлигинизни тушунтиринг. Муаммо хақидаги ўз фикрингизни тўла баён этинг.

Ушбу вазиятдан чиқиш ечимини, ўз талабингиз ва илтимосингизни айтинг.

\*\*\*Сизнинг талабингиз юзасидан шерингингизнинг фикрини аниқланг.

\*\*\* Шерингингизнинг самимий гаплари ёки у таклиф этган ечим учун унга ташаккур билдиринг.

2.Бошловчи иштирокчилар орасидан N3 вазиятни ижро этиш учун кўнгиллиларни чақиради ва бу ўйин орқали низоли вазият келиб чиқишининг олдини олиш имконияти намоён этилади. Мухокама.

3. Гуруҳ учликларга бўлинади.

Ҳар бир учликда учта вазият ўйин тариқасида ижро этилади(ҳар бир иштирокчи агрессив, низодан чиқа оловчи ва ўзига ишонган одам ролида ҳамда кузатувчи ролида иштирок этиши шарт).

4.Ҳар бир вазият ижро этилганидан кейин кузатувчилар ўз таассуротлари билан ўртоқлашадилар.

5. Ўйин ниҳоясида иштирокчилар ўз кечинмалари ҳақида фикр алмашадилар, қандай ижобий натижаларга эришилганлиги ёки муваффақиятсизликларнинг сабаблари мухокама қилинади.

### **Психотренинг-1 (қисқартирилган матн)**

**Машғулот мақсади:** Руҳий дам олиш, олий асаб тизимини мустаҳкамлаш, ҳиссий толиқишини бартараф этиш, кайфиятни кўтариш... (машғулот психологик хизмат хонасида олиб борилади).

#### **Кўкрак қафаси бўйлаб...**

Хотиржам бўлинг, бўшашинг. Маслаҳатим, фақат менинг ишорам билан ҳаракат қилинг. Ниҳоятда, чуқур-чуқур нафас олинг. Яна бир маротаба. Чуқур, чуқурроқ, янада чуқурроқ нафас олинг. Нафас олинг ва уни бир оз чиқармасдан туринг...

Марҳамат, энди нафасингизни бемалол чиқарсангиз бўлади, бўшашинг. Енгил-енгил нафас олинг, ўз нормал ҳолатингизга қайting...

Ўйлаб кўрингчи, чуқур нафас олганда кўкрак қафасингизда бир оз оғриқ сездингизми? Шунингдек, чуқур нафас олганда ўзингизни бир оз енгилроқ ҳис этдингизми? Яна бир маротаба шуларни эсланг... Машқни такрорлаймиз: чуқур нафас олинг, чуқурроқ, янада чуқурроқ, бутунлай чуқурроқ...

Зудлик билан олдинги нормал нафас олиш ва нафас чиқариш ҳолатига қайting. Бу сафар эътибор берган бўлсангиз кекрак қафасингиздаги барча оғриқлар йўқолди, ўзингизни бир мунча

енгилроқ ҳис эта бошлайпсиз. Күнгилда тугиб қўйган яхши орзуларингизни эсланг. Яна, батафсилоқ эсланг...

Энди олдингидек чуқурроқ нафас олинг, бўшашинг, ўзингизни нормал ҳолатда сақлаб нафас олинг...

## ОЁҚ КАФТЛАРИ .

Келинглар, оёқ ости кафтларига бир эътибор берайлик. Биласизлар, бутун асаб фаолияти хужайралари оёқ ости кафтида жойлашган ва у жуда катта ижобий имкониятларга эга.

Руҳий машқни бошлашдан олдин икки оёғингиз кафтини ҳам пол устига маҳкам босиб қўйинг. Аста секинлик билан оёқ бармоқларингиз устида туриб оёқ пошнасини баланд кўтаринг!, баландроқ, янада баландроқ, мумкин қадар баландроқ...!

Аста-секин, юмшоқлик билан пошнангизни туширинг нормал ҳолатга қайтинг, бўшашинг... Эсланг: оёқ бармоқлари учida турганда миянгизда бир оз енгиллик пайдо бўлди. Сизни қийнабқўйган баъзи оғриқлар бутун вужудингизни бир сония бўлсада тарқ этгандек бўлди... Бўшашинг: ... ҳеч нарсани ўйламанг, ҳеч нарсани эсламанг.

Эндиgi машқ- иккала оёғингизни полга қўйинг. Оёқ панжаларини баланд кўтариб пошна учida туринг. Пошнада туриб оёқ панжаларини баландроқ кўтаринг, баландроқ..., янада баландроқ...

Бўшашинг: нормал ҳолатга қайтинг. Эсланг- ўзингизни бир оз яхши ҳис этмоқдасиз, қолаверса пошна устида турганда оғриқлар ҳар томонга тарқаб кетди. Миянгиздаги баъзи шовқинлар

сизни тарк этмоқда. Юрек томирларингизни тез-тез уриши эса буни тасдиқламоқда...

Оёқларни тез-тез ҳаракатга келтириңг, яъни дам пошна учидар, дам оёқ панжаси учидар туришни бир неча маротаба такрорланг: 1, 2, 3, ва ҳоказо...

Энди, бўшашиңг: ўзингизни эркин тутинг, нормал ҳолатга қайting, ҳеч нарсани ўйламанг, ҳеч нарсани эсламанг ...

## ҚЎЛ БАРМОҚЛАРИ

Энди, машқни қўл бармоқлари орқали бажарамиз. Даставвал, сиздан бир вақтнинг ўзида иккала қўл бармоқларингизни мумкин қадар маҳкам қисишиңгизни сўрайман...

Тайёрмисизлар?! (ҳа, жавобидан сўнг) Бошладик: муштингизни қаттиқ қисинг, қаттиқ, янада қаттиқроқ, яна ҳам мустаҳкамроқ... худди шундай ушлаб туринг. Санайман: бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти...

Энди, бир оз бўшашиңг, илгариги нормал ҳолатга қайting... Сезяпсиз: ёзишдан ниҳоятда чарчаган бармоқларингиз бир оз дам олгандек бўлди. Ушбу ҳолатни яна бир бор такрорлаймиз: Тайёрмисизлар?! (ҳа, жавобидан сўнг) бошладик: илгаригидек муштингизни қаттиқ қисишиңга ҳаракат қилинг, қаттиқроқ, янада қаттиқроқ... Энди бўшашиңг... нормал ҳолатга қайting. Қўл мускулларингиз дам олиши учун қарама-қарши ҳаракат қилишиңга шайланинг. Яъни, бармоқларни очиб бир қўлингизни бошқасининг устига қўйишиңгиз лозим. Бошладик (намуна сифатида кўрсатилиб борилади). Қўл панжаларингизни мумкин қадар кенгроқ ёзинг.

Кенгроқ, яна ҳам кенгроқ, мумкин қадар кенгроқ... бир ҳолатда тутинг. Бўшашинг: нормал ҳолатга қайтинг. Эътибор берган бўлсангиз бармоқларингизда иссиқлик, тафт, ҳаяжонланиш ва мускулларнинг ўзгача бир ҳолати, ҳаракати намоён бўлди... Бўшашинг: илгариги нормал ҳолатга қайтинг. ҳеч нарсани эсламанг, ҳеч нарсани ўйламанг-ўзингизни ниҳоятда эркин ҳис этишга ҳаракат қилинг.

## КИФТЛАРИМИЗ

Энди, келинглар, кифтларимиз бўйича ҳам ишлаб кўрайлик. Хаммангизга маълумки, ҳаётдаги барча оғирликларни ва қаттиқ ҳаяжонларни инсон рамзий маънода кифтида, қадди-қоматида сақлаб юради. Ҳозирги машқ кифтларни қулоқقا томон вертикал ҳолатида ҳаракатга келтиришни талаб қиласиди. Кифт мускуллари билан бирга ижобий ҳис-туйғулар ҳам ҳаракат қиласиди. Шунга мувофиқ, айрим муолажаларни олиб борамиз (саволлар туғилмаслиги учун қўшимча тушунтиришлар ҳам олиб борилади).

Агарда тайёр бўлсангизлар бошлаймиз: Кифтларни кўтаринг. Янада юқорироқ кўтаринг, яна ҳам юқорироқ, энг юқори кўтаришга ҳаракат қилинг. Худди шундай ҳолатда етти сония ушлаб туринг: бир,икки, уч,тўрт,беш,олти, етти. Бўшашинг: нормал ҳолатга қайтинг. Шу ҳолатни яна бир бор такрорлаймиз. (такрорланади). Жуда яхши, кифтларингизни ўз ҳолига қўйинг- майли илгаридаидек эркин ҳолатда турсин... Лекин, сизнинг руҳий ҳолатингиз назарингизда илгаридаидек эмас: кифтлардаги чарчоқ,

толиқиши, ҳорғинлик, кучли безовталиклар батамом бартараф этилган күринади сиз буни жуда яхши ҳис этиб турибсиз.

## РЕЛАКСАЦИЯ

( 2 қисқартирилган )

### *Күзингизни маҳкам юминг...*

Энди, сизни ўраб турган оламни сиз қандай идрок қилаётганингизни ва ҳис этаётганингизни билмоқчиман:

Мен бирдан ўнгача санайман. Ҳар бир рақамни айтганимда онгингиздаги ўйлар янада ойдинлашиб боради, жисмингиз ва руҳиятингиз эса янада ижобий кучларга тўлиб боради. Ўнгача санаганимдан сўнггина кўзингизни очасиз. Шунда Сиз ҳар кунгига нисбатан бугун ўзингизни ниҳоятда яхши, енгил ва тетик ҳис этасиз. Ҳаётга, одамларга ишонч, гўзалликни ҳис этиш, ҳаётда, ишда ва оиласда алоҳида ютуқларга эришиш учун ўзгача бир куч ва хоҳишни сезиб турасиз. Тайёрланинг, санашни бошлайпман:

"1-2" - сиз уйғона бошладингиз...;

"3-4-5"- сизда маълум жараёнлар билан боғлиқ тетиклик, бардамлик, яхши кайфият ва яхши дам олиш билан боғлиқ ҳолатлар қарор топмокда;

"6-7"- ўзингизни ниҳоятда енгил ҳис этмоқдасиз;

"8"- ўз чарчоқларингизни унитган ҳолда ва ўзингизда энг яхши кайфиятларни уйғотган ҳолда ҳаётга интилмоқдасиз;

"9-10"- энди, кўзингизни бирдан ёки аста-секин очишга ҳаракат қилинг. Сиз яхши ҳаракатлар қилиш учун тайёр ҳолда уйғондингиз. Сизнинг миянгиз бир оз бўлсада енгил тортди - бутун вужудингиз мириқиб дам олди.

(машғулот тугади)

Психотренинг-2 (аутотренинг) (қисқартирилган матн)

Ушбу психотерапевтик усул ўз-ўзига таъсир этиш ва ўз-ўзини идора қилиш жараёнини ташкил этиш билан бевосита боғланган.

Бу сиз га ўз ҳис-туйғуларингизни бошқаришга, вужудингиздаги куч ва ишлаш қобилиятини янада яхшилашга руҳий жиҳатдан ёрдам беради иш фаолиятингизда содир этилиши мумкин бўлган айрим стресс ҳолатларидан сизни муҳофаза қиласди. Бинобарин, ўз фикрингизни маълум йўналишга қарат олишни ўрганиш, сизга ўз яширин имкониятларингиз кўламидан унумли фойдаланишда кўмаклашади.

Аутотренинг пайтида тинч, хотиржам ва осойишта ҳолат яратилиши лозим. Кийимларингиз шинам, илиқ, оддий ва қулай бўлиши, ҳамиша эркин чуқур нафас олиниши лозим.

Психологик хизмат хонасидаги белгиланган ўриндиқларга қулай тарзда ўтириб олинг, қўлингизни белга туting. Кўзингизни юминг (хоҳламасангиз юмманг). Барча мушакларингизни бўшаштиринг. Ҳар бир менинг айтган сўзимдаги фикрларни ичингизда бир неча бор такрорлайсиз ва айнан шу фикрларга мос равища иш тутасиз. Тайёрланинг... Бошладик.: Аста-секинлик билан ўзингизни нисбатан қулай, шинам, илиқ ва энг яхши шароитда, деб ҳис қилишга тўлиқ ишонтиринг. Жуда ҳам диққат қилиш шарт эмас, ҳаммаси ўз-ўзидан аста-секинлик билан сизнинг вужудингизда намоён бўлади. Энг муҳими, сизнинг ички нигоҳингиз олдида - фақат менинг фикрларим ўрнашиб

олганлигини яна бир бор эсланг ва хотирангизда сақлашга ҳаракат қилинг...

Диққатингиз вужудингиздаги бир жойдан иккинчи бир жойга аста-секинлик билан кечмоқда...

Икки-уч дақықа давомида секин нафас олишга ҳаракат қилинг. Алоҳида қониқиши билан нафас олиб нафас чиқаринг, шу ҳолатни яна бир бор тақрорланг, энди ўзингизни енгил, хотиржам ва охиста ҳис эта бошланг...

Мускулларни бешаштирганда бутун вужудингиз бўйлаб уларнинг ўз қиёфасини йўқотганлигини тасаввур қилинг.

Юз тузилишингизни эркин, хотиржам тутишга ҳаракат қилинг, бир оз бўшашибиринг. Қош, киприқ, лабларингизни аста- секин бўшашибиринг...

Диққат! аста секин пастга қараб бошдан бармоқларгача ҳаракат қилинг, сўнгра пастдан юқорига қараб мускул ҳаракатларини бажаринг. Худди шу ҳолатни бир неча бор тақрорланг...

Энди, иссиқлик, илиқлик босқичига етамиз: Ўзингизни аста секинлик билан ўзига хос илиқлик берадиган ваннада ёки қуёш тафтида, деб тасаввур қилинг. Томирларингиз бўшашибапти ва кенгаяпти. Ўнг қўлингизда иссиқлик тафтини ҳис этаяпсиз, аниқроғи иссиқлик бутун қўл мускулларингизни қизитаяпти... Образли қилиб айтганда, қўлингиз - бир идиш, унда бутун иссиқликлар тўпланиб ётибди. Иссиқ ваннада дам оляпсиз, сизни безовта қилган ҳисларни шу иссиқлик сиқиб чиқаряпти. ҳар бир оғриқ бор жойдаги мускулларингиз кенгаймоқда. Ушбу ҳолатга

қаратилған диққатингиз кучаймоқда. Диққат кучайған сари у иссиқлик билан оғриқ ва өзіншілдегі сиқиб чиқараётгани аник. Сиз эса буни сезишиңгиз ёки сезмаслигингиз мүмкін...

... Аста секин олдинги ҳолатта қайтинг. (1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 ва шу сонларнинг тескариси санаб турилади).

Ўз-ўзингизга қайта-қайта таъкидланг: Мен яхши дам олдим, бир оз ҳордиқ чиқардим, бир оз бўлсада өзимни ёзилди...

Ўзингизни хотиржам, бардам, тетик ҳис эта бошланг ва бунга эришгач оҳисталик билан кўзингизни очинг...

...Кейинги босқичга ўтамиз: .(айрим ҳолатлар тўлиқ изоҳланади).

Тайёргарлик кўринг: Бошладик.

1.Қулай ўрнашиб олинг;

2.Мумкин қадар қулайроқ ўрнашинг;

3.ҳеч қаерга шошилманг-ўзингизни ниҳоятда эркин тутиング;

4.Мени яхши кайфият кутаяпти, деб ўз-ўзингизни ишонтириинг;

Ўз-ўзингизга қуидагича буйруқ беринг:

1. Мен анча тинчландим;

2.Мен жуда хотиржамман, менга хозирги ҳолат жуда маъқул;

3.Юз тузилишим жуда яхши ҳолатда;

4.Менинг бутун жисмимда хотиржамлик ҳукмрон;

5.Нигоҳларимда бир қадар осойишталик мавжуд;

6.Қўл мускулларим бир оз бўшашибмоқда;

7.Бармоқлар бўшашибмоқда;

8.Вужудимни ниҳоятда иссиқлик тафти қопламоқда;

9.Кифт ва кўкракларим бўшашиб исиб бормоқда;

10. Кафтларим бўшашиб исиб бормоқда;
11. Сезаяпман, қўлларим бутунлай бўшашган ва ўзига хос иссиқлик тафти билан қопланган;
12. Бутун вужудим тинч- хотиржам;
13. Оёқларим негадир бўшашиятни ва исиб боряпти;
14. Оёқ панжалари бўшашмоқда ва исиб бормоқда;
15. Оёқларим ўзини жуда яхши ҳис этаяпти;
16. Бутун вужудим тинч- хотиржам;
17. Юз тузилишимда тинч- хотиржамлик ҳукмрон;
18. Оёқларим бўшашмоқда;
19. Белим бўшашмоқда ва исиб бормоқда;
20. Бутун вужудим тўла-текис хотиржам бўлди ва ҳордиқ чиқарди;
21. Жисмимда ўзига хос ёқимли ҳислар ва қулайликлар пайдо бўлди ва у дам оляпти.

### **Ҳолатдан чиқиш:**

(вазиятга қараб бошланади)

1. Мен ниҳоятда яхши дам олдим;
2. Хис этилган чарчоқ, толиқиши, айрим оғриқлар аллақачон қўлларимдан, белимдан ва оёқларимдан чиқиб кетди;
3. Бошим дам олган, ҳордиқ чиқарган ва анча енгил тортган ҳолатга қайтди;
4. Ўзимни ниҳоятда яхши ва баҳтиёр ҳис этаяпман;
5. Кайфиятим жуда яхши;
6. Мен хотиржамман, ўзимга ўзим ишонаман;
7. Аста-секин ва bemalol кўзимни оча оламан;

## **ЎСМИРЛАРНИ МУЛОҚОТГА ЎРГАТИШГА ОИД ЎЙИН МАШҚЛАР ТИЗИМИ:**

**Таянч сўз ва ибора:** Муомала, муроҷаот, муроҷаотмандлик, муроҷаотмандлик машғулотлари, психологик контакт, психодрамма, самимийлик, хайриҳоҳлик, ўзаро ишонч, муроҷот усуслари, тренинг қоидалари.

Ўйинга оид социал тренинг-бу инсонни муроҷотга ўргатиш учун бажариладиган ўйин машқлари ва ҳатти-ҳаракатлари тизимиdir. Тренинг жараёни-бу ҳар бир ўйин машқида унинг раҳбари қандай установка беришидан иборатdir. Тренингнинг асосий мақсади - шахсни психологик (руҳий) жиҳатдан озод қилиш, унда табиий эркинликни ҳис этиши ҳамда ўз гуруҳида ва ундан ташқарида ўзаро муносабат ва алоқа ўрната олишни шакллантириш.

Тренингда унинг раҳбари ё тренер ёки дирижёр сифатида иштирок Тренинг мақсадини аниқ ва ниҳоятда тушунарли даражада тушунтириш мақсадга мувофиқ. Масалан, бошқа кишиларни ёки ўзини ўзи тушунишга ўргатиш. Ўзгаларни ва ўзини ўзи ўрганиш, ўзига-ўзи баҳо беришни таъминлайди, бошқалар фикрини ўқий олиш ва уларни идрок қила олиш аҳамиятини тушунтиради.

Муроҷотда ўзини ўзи бошқаришга зикран эътиборни тўплашни амалгаошириш мақсадида тавсия қилинаётган схемага ролли ўйин ва мунозараларташкил этиш орқали тренинг вазифасини мураккаблаштириш мумкин

Тренинг З қисмдан ташкил топган бўлиб қуйидагилардан иборатdir.

1. Псиҳофизиологик контакт ўрнатиш
2. Псиҳологик контакт
3. Псиҳодрамма

Тренингнинг асосий установкаси: ролли ўйин шаклида ролли вазиятни ташкил қилиш мутлақо зарур, чунки тренинг унинг қатнашчиларидан тренернинг ёрдамида ўйинда яратилган вазиятларга нисбатан индивидуал муносабатини уйғотиш зарур.

Тренингни ўтказиш давомида унинг қатнашчиларининг шахсий муроҷот усусларининг ўзининг бошқаларга нисбатан позициясини яққол англаштирувчи вазиятни рағбатлантириш жоиз.

Тренингнинг фаолияти 8-10 машғулотни ўз ичига қамраб олади холос.

Тренингнинг ҳамма машғулотлари унинг иштирокчилари билан факат дўстона, самимий ҳис-туйғулар асосида ва ихтиёрий тарзда ўтказилади.

Тренинг иштирокчиларининг сони 7-15 нафар бўлиши мумкин, лекин бундай ортмаслиги лозим. Гуруҳ билан машқларни ўтказишдаги мажбурий шартлар бўйича қоидаларга риоя қилинмаса, у ҳолда ўйинли тренинг ижобий натижа бермаслиги тўғрисида олдиндан келишиб олиш керак. **Жумладан,**

1. бир-бирига самимийлик хайрихоҳлик;
2. бир-бирига ишониш (ўзаро ишонч);
3. машқларни бажариш давомида шахсга баҳо бермаслик, балки унинг фаолиятига ва мулоқот усулларига баҳо беришлиқ;
4. иштирокчилар ўйиндан қай даражада қаноатланганлиги ҳақидаги таассуротларини шу заҳотиёқ тренерга маълум қилишлик;
5. топшириқларни бажаришфақатижобий гипотезага мўлжалланганлик;
6. жисмоний нуқсонларга нисбатан эътиборни қаратмаслик;
7. тренингнинг бориши жараёнида ҳеч кимга ҳеч қандай маслаҳат бермаслик;
8. "Бу ерда ва ҳозир"-деган шартни бажариш яъни тренинг пайтида руй берган ҳамма нарса ташқарига олиб чиқилмасликка ва ҳозирги мулоқотда нималарни ҳис этаётганлигини маълум қилмаслик;
9. томошабинлар тренернинг рухсати билан эмас, балки гурухнинг барча аъзоларининг розилигига биноан қатнашишлик кабилар.

Тренингни муваффақиятли ўтказишнинг ва унинг сермаҳсуллиги жиҳатдан тренер билан иштирокчилар ўртасидаги ўзаро бир-бирини тушуниш даражасига боғлиқдир.

Ўйин тренингини уюштиришда қуйидаги энг қийин ҳолатларни инобатга олиш ва уларни изчил равишида назарда тувиш мақсадга мувоғик:

1. Ўзишнинг шахсий ички сиқиқлигини енгиш, барча иштирокчиларининг кўзларига тўғридан-тўғри ва очиқ чехра билан, дадил қарай олиш:

2. Ўйин фаолиятининг бошида яратилган вазият-энг омилкор ва қулай бўлиши керак:

3.Тренингни муваффакиятли ўтказиш тренердан катта (психик) рухий, интеллектуал, ташкилий жиҳатидан катта куч сарфлашни, биоқувват талаб қилади:

4.Тренинг ўзаро иштирокчиларни бир-бирига ишонган ҳолда ўзаро самарали таъсир этиш мұхитида ўтказилади:

Юқорида таъкидлаб ўтилған талабаларға риоя қилмасдан туриб, асло ўйновчи гурұх ҳосил қилиб бўлмайди. Ва бунга тренинг ижобий таъсир кўрсата олмайди.

Машғулотни катта, кенг яхши шамоллатиши имкониятига эга бўлған шинам хонада ўтказиш лозим. Хонада иштирокчилар сонига тенг микдорда стуллар бўлиши керак. Машғулотда қулай, роҳатбахш этадиган, кўнгил (дил) очадиган осойишта, сокин шароит яратилған яхши (яхши лирик ва минор овозли) мусиқа, деразаларга нозик, нафис дарпардалар тутилгани маъқул ва ҳоказо.

Ҳар бир иштирокчи ўзини ўйинга ва ўйин юзасидан импровизация қилишга (тайёргарлик бажаришга) тайёрлаши, рухий жиҳатдан тайёрланмоғи даркор.

Барча гурӯҳ талабалари психологик-педагогик консилиум ҳақидаги назарий билимларни, унинг аҳамияти ва мақсадини чукур ўргангандан қейин улар билан ролли ўйин ўтказиш таклиф қилинади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами.1-19 жиллар. - Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996-2011.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, “Маънавият”, 2008.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг БМТ Мингийиллик ривожланиш мақсадларига бағишиланган Саммити ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010 йил 22 сентябрь.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь
5. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – таррақиётимизнинг муҳим омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2010 йил 8 декабрь.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 440 б.
7. Абрамова Г.С. Практическая психология. – М.,2000
8. Алешина Ю.Е. Индивидуальное и семейное психологическое консультирование. - М., 1994.
9. Алешина Ю.Е., Данилин К.Е., Дубовская Е.М. Спецпрактикум по социальной психологии: опрос, семейное и индивидуальное консультирование.М., 1989
10. Аминов Н.А., Молоканов М.В. Социально-психологические предпосылки специальных способностей школьных психологов//ВП, 1992, № 1-2. С. 74-84
11. Баротов Ш.Р. Ўқувчи шахсини ўрганиш усуллари. Ўқитувчи 1995. – 120 бет
12. Баротов Ш.Р. Таълимда психологик хизмат асослари. Монография. Т. Маънавият.1999 й.
13. Баротов Ш.Р. Психологик хизматнинг назарий ва амалий муаммолари. Бухоро, 2008.

14. Баратов Ш.Р. Социально психологические и научно практические основы создания психологической службы Узбекстане (Автореферат. докт. психолог наук.) т. 1998 г.
15. Баратова Д.Ш. Дезадаптациялашган ўсмирлар хулқини коррекция қилишда педагогнинг психологик компетентлиги. (Автореферат психология фанлар номзоди) Тошкент.2012 й.
16. Баратов Ш.Р., Мухторов Э.М. Ўсмирларда психологик мухофаза. Т. Фан нашриёти.2008 й.
17. Баратов Ш.Р. психологик хизматнинг назарий-методологик асослари.Бухоро 2013 й.
18. Бодалев А.А., Ломов Б.Ф., Лучков В.В. Психологическую науку на службу практике. ВП, 1979, № 4. С. 17-23.
19. Бондаренко А.Ф. Психологическая помощь: теория и практика. - М.: Изд-во "Института психотерапии", 2000. - 368 с.
20. Братченко С.Л. Экзистенциальная психология глубинного общения: Уроки Джеймса Бюдженталя. М.: Смысл, 2001.
21. Бурменская Г.В., Карабанова О.А., Лидерс А.Г. Возрастно-психологическое консультирование. Проблемы психического развития детей. М.: Изд-во МГУ, 1990.
22. Василюк Ф.Е. От психологической практики к психотехнической теории. Московский Психотерапевтический Журнал, 1992, № 1. С.15-32.
23. Винер Дж., Майзен Р., Дакхем Дж. Супервизия супервизора: практика в поиске теории. М.: Когито-Центр, 2006.
24. Дубровина И.В. Школьная психологическая служба. М., 1991.
25. Дубровена И.В. Рабочое книга школьного психолога: Под. Ред. М. “Просвещение” 1984 г.
26. Дубровена И.В. Научно методические основы использования в школьной психологической службы конкретных психодиагностических методик: ст. научных тр.отв.ред. М.1988 г.
27. Дубровиной. М Практическая психология образования/Под ред. И. В., 1998
28. Мейер В., Чессер Э. Методы поведенческой терапии. СПб, 2001
29. Нельсен-Джоунс Р. Теория и практика консультирования. СПб.: Питер, 2000.
30. Немов Р.С. Психология. В 3-х книгах/ Психологическая служба в образовании. Кн. 2. С. 506-526.
31. Овчарова Р. Практическая психология образования. М., 2003.

32. Овчарова Р.В. Технологии практического психолога образования. М., 2000.
33. Рогов Е.И. Настольная книга практического психолога в образовании. Учебное пособие. М.: ВЛАДОС, 1996.
34. Хухлаева О.В. Основы психологического консультирования и психологической коррекции. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. – 208 с.
35. Фозиев Э.Ф., Хасанов Б. Психология муаммолари. Т., “Университет”, 1999.
36. Фозиев Э.Ф. Методологические проблемы в психологической науке. Чимкент, 2005.
37. Фозиев Э.Ф. “ Умумий психология”.Т.2010 й.
38. Фозиев Э.Ф. “Психология методологияси”.Т:” Университет”. 2002й.
39. Полская О.Я. психологическиу практикум в школе Москва просвещение.1984 г.

### **Интернетресурслари**

1. <http://www.psychology-online.net>
2. <http://www.mediasphera.ru/journals/practik/1/253/>
3. <http://flogiston.ru/>
4. <http://www.koob.ru>

## *Мундарижас*

<b>Кириш</b>	
<b>I боб. ЎСМИРЛАРГА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ</b>	
<i>1.1. Ўсмирларга психологик хизматни кўрсатишнинг назарий- методологик асослари.</i>	
<i>1.2. Ўсмирларга психологик хизмат кўрсатиши услиби.</i>	
<i>1.3. Ўсмирларга психологик хизмат кўрсатишнинг амалий асослари</i>	
<b>II боб. ТАРБИЯСИ ҚИЙИН ЎСМИРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	
<i>2.1. Ўсмирларда тарбияси қийинликни ўзига хос хусусиятлари.</i>	
<i>2.2. Ўсмирлардаги психопатик бузилишларни ўргани ва олдини олишининг ўзига хос хусусиятлари</i>	
<i>2.3. Хулқи оғишиган болаларнинг ўзига хослиги</i>	
<i>2.4. Агрессив хулқли бола билан олиб бориладиган психокорекцион ишлар кўлами ва имкониятлари</i>	
<i>2.5. Ўсмирлик давридаги аффектив жабха бузилишлари</i>	
<b>III БОБ. ЎСМИРЛАРГА ПСИХОЛОГИК ЁРДАМ БЕРИШ</b>	
<i>3.1. Ўсмирлага психологик маслаҳат берининг босқичлари</i>	
<i>3.2. Психологик маслаҳатда таъсир ўтказиши методлари</i>	
<b>IV боб. IV-БОБ. ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ ЖАРАЁНИДА ЎСМИРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШ УЧУН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МЕТОДИКАЛАР</b>	
<i>4.1. Ўсмирлар фаолиятини ўрганиши усулларининг класификациялари</i>	
<i>4.2. Ўсмирларга психологик хизмат кўрсатишида психотренингларни ташкил этиши.</i>	
<b><i>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</i></b>	